

**РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ
МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ**

М.Х. ГАНИЕВА

ИЖТИМОИЙ ИШ АСОСЛАРИ

Методик қўлланма

**ТОШКЕНТ
«CHASHMA PRINT»
2010**

Ганиева Маърифат Ҳабибовна. Ижтимоий иш асослари. Методик қўлланма – Тошкент, 2010 й. – 92 бет.

Мазкур қўллама ижтимоий иш назарияси амалиёти билан қизиқувчи кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган бўлиб, уни нашрга тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашувি маркази, А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, ЮНИСЕФнинг «Ўзбекистонда ижтимоий ишни ривожлантириш» ва «Ўзбекистонда академик даражада ижтимоий ишни ривожлантириш» лойиҳаларини амалга ошириш чиқариш доирасида ўткази-лаётган тадқиқотлар жараённида олинган материаллардан фойдаланилди.

Методик қўлланма ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларини Мувофиқлаштирувчиси қўмагида Ўзбекистон ННТ миллӣ уюшмасининг **«Ахолининг заиф қатламларини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга кўмаклашиш»** лойиҳаси доирасида нашр этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази жамоаси ва муаллиф материал тўплаш бўйича олиб борилган кўп йиллик ишлар ва халқаро тажрибани таҳдил қилиш натижалари билан таништириш ҳамда Ўзбекистондаги энг олижаноб ва энг зарур касблардан бири – *Ижтимоий иш* тарихи ва ривожланишининг замонавий тенденцияларини ўрганиш имкониятини берганлиги учун ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларини Мувофиқлаштирувчиси элчи жаноблари Иштван Венцелга самимий миннатдорчилик билдиради.

© Ганиева М.Х.

ISBN 978-9943-350-43-4

© ООО «CHASHMA PRINT» 2010

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Кириш..... | 4 |
| 1-мавзу. Ижтимоий ишнинг ривожланиши..... | 9 |
| 2-мавзу. Ижтимоий ишнинг моҳияти ва ўзига хосиги..... | 29 |
| 3-мавзу. Ижтимоий иш обьекти ва предмети..... | 43 |
| 4-мавзу. Ижтимоий иш назарияси ва методлари..... | 55 |
| 5-мавзу. Ижтимоий ишнинг социологик асослари..... | 59 |
| «Ижтимоий иш асослари» мавзуси бўйича мураббийлар учун методик тавсиялар | 70 |
| Қўлланманинг асосий тушунчалари..... | 78 |
| Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати..... | 82 |
| Иловалар..... | 84 |

КИРИШ

Жамиятнинг ривожланганлик даражаси одатда жамиятдаги кексалар ва болаларнинг ахволига, уларнинг ўзини қандай хис этишига, ёрдам ва қўллаб-куватлашга муҳтож бўлган барча одамлар тоифасига давлатнинг қандай муносабатда бўлишига караб белгиланади. Ижтимоий занф кишиларга, яъни кексалар, ногиронлар, ёлғиз, ночор кишилар ва аҳолининг бошка тоифаларига ёрдам берини жамиятнинг юксак маънавияти ва маданийлигидан далолат беради.

Якинларига ёрдам берини, ҳамдард бўлиш ва хайр-эхсон килиш азалдан турли мамлакатлар халкларига хосдир. Ушбу фазилатлар Ўзбекистон халкига ҳам хос бўлиб, миллӣ қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларнинг асосини ифодалайди. Уларни эса асраш ва ривожлантириш зарур. Бу одамлар, айниқса ёшлилар онгида инсонпарварлик ва демократик қадриятларни мустахкамлаш зарурлиги билан узвий боғлик янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш боскичига чиккан бир наилада айниқса муҳимдир. Мамлакатни ислоҳ килиш, бозор муносабатлари карор томаётган шаронтларда жамиятдаги ҳар бир кишининг муносиб хаёт кечиришини таъминлаш сифатида тушуниладиган миллӣ-давлатчилик манфаатлари устуворлиги миллӣ мустақилик мафкураси асосига айланмоқда. Жамиятнинг барча катламлари ижтимоий бирдамлиги ва жавобгарлиги бунга эришишининг зарур омили хисобланади¹.

Ижтимоий ишни қасб ва академик фан сифатида ўрганиш мазкур ҳолатда нихоятда муҳим ва фойдалидир. Мамлакатимизда янги «ижтимоий ҳодим» қасбига эҳтиёжни шакллантириш аҳоли ижтимоий занф катламларининг у ёки бу тоифаларига нисбатан ижтимоий иш амалиёти билан шуғулланадиган, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатадиган муассасалар, ҳалкаро ва жамоат ташкилотларининг кенг тармоғи ташкил этилиши билан изоҳланади. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ижтимоий иш институти юз йилдан ортик вакт мобайнида фаолият олиб бормоқда ва жаҳоннинг етакчи университетлари бундай тайёргарликни амалга оширади.

Ижтимоий иш ижтимоий ҳодиса сифатида кенг маънода ижтимоий ёрдамнинг ўзига хос моделини ифодалайди. Буни жамият ижтимоий, сиёсий ва маданий тараккиёт хусусиятларига караб аник бир тарихий даврда амалга оширади. Тор маънода ижтимоий иш шахсий ва ижтимоий қийинчиликларни енгигб ўтишда одамларга, ижтимоий гурухларга ёрдам беришга йўналтирилган ижтимоий зарур фаолиятдир. «Ижтимоий иш» – бутун жаҳонда кабул қилинган инсоннинг инсонга муносабатини, инсоннинг жамиятга мослашишини енгиллаштириш учун қаратилган фаолиятни англатувчи ифодадир.

Бу иш минг йиллар олдин хайрия ва инсонларнинг диний бурчи сифатида юзага келиб, XX асрда маҳсус тайёргарликни талаб қиласиган қасбга айланди. Келажакни тадқик этиш ҳалкаро академияси томонидан амалга оширилаётган

¹ Миллӣ мустақилик ғояси: асосий тушунчалар ва тамоилилар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

«Жаҳон мамлакатлари 2002–2010 йилларда – муаммолар ва ечимлар» лойихаси иштирокчилари тахмин килаётгандек, XX асрда ишчи ва олдинги асрларда дехкон оммавий касб бўлганидек, XXI аср ижтимоий ходим аспи бўлиши керак.

Ижтимоий ишнинг теран инсонпарварлик манбаларини қайд этган холда диний хайрия билан шуғулланадиган кишилар ва замонавий ижтимоий ходим ўртасидаги фарқни кўрсатиш зарур. Мъянавий бурч туйғуси ва кўрсатилаётган ёрдамнинг катталиги ва узок муддатлилиги билан ўлчанадиган эзгу ишлар килишга интилиш хайрия билан шуғулланадиган кишиларга куч бағишлийди. Ҳозирги замон ижтимоий ходими, социолог Т. Шаниннинг фикрича, вазифасини ўзи ёрдам берадиган кишини бундай ёрдамсиз ва ижтимоий ходимнинг аралашувисиз қийинчиликларни енгид ўта оладиган даражага еткази ишдан иборат деб билади, бу эса касбда муваффақиятга эришишнинг асосий мезони хисобланади¹.

Ижтимоий иш кундалик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришгагина эмас, балки эҳтиёжмандларда қийинчиликларни енгид ўтиш хусусиятларини ва ўзига ўзи ёрдам бериш кўнкимларини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан филантропия, хайр-саҳоват ва фаолиятнинг шунга ўхшаш турларидан фарқ килади. Буни исталган ҳаётий вазиятда одамни ўз муаммоларини ўзи фаол ҳал қилишга ўргатиш деб айтиш мумкин.

Тарқоқ, кам сонли ёлғиши кишилар томонидан эмас, балки кучли давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган профессионал ёрдам энг самарали ҳисобланади. Ижтимоий иш ривожланишининг дастлабки босқичида бу иш билан асосан XIX асрда саноатнинг тез ривожланиши ва Европа мамлакатларида шаҳарларининг роли ошиши туфайли келиб чиқкан ижтимоий муаммоларнинг кескинлашишидан ташвишланган турли филантроп жамиятлар шуғулланган.

Саноат капитализмининг ривожланиши Фарб ижтимоий тузилмасида улкан ўзгаришларга олиб келди, бу эса инсон ва жамият ўртасида муносабатларнинг янги типини юзага келтирди. Фарбда янги интеллектуал йўналиш вакиллари пайдо бўлди, уларнинг қарашлари давлатнинг шахс олдидаги жавобгарлиги ва маънавий бурчи тўғрисидаги тушунчалар пайдо бўлишига кўмаклашди. Ижтимоий муаммоларнинг кескинлашиши начорлар муаммосининг келиб чиқишига олиб келди, жамоатчилик фикри ушбу муаммо баркарорлик ва тартиб-интизомга хавф туғдиради, деб ҳисоблади. Ва бу ҳолат, пировардида, аҳолининг турли гурухларини эмпирик ўрганишга буюртмалар пайдо бўлишида ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказилишида, кейинчалик эса ижтимоий ислоҳотчилар ташаббуси билан ижтимоий ходимларни тайёрлашнинг турли шакллари пайдо бўлишида акс этди. Янги ҳаракатнинг интенсив ривожланиши, ихтисослаштирилган хизматларнинг ташкил этилиши

¹ Теодор Шанин. Социальная работа как культурный феномен современности. Новая профессия и академическая дисциплина в контексте социальной теории и политической практики нашего дня // Русский журнал. 26 сентября 1997 г.

натижасида нафакат шошилинч ёрдам кўрсатишни назарда тутадиган, балки профилактик ёки олдини олувчи хусусиятга эга ижтимоий фаолиятнинг энг самарали моделлари изланди.

Замонавий жамият мисли қўрилмаган техник юксалаётган ҳозирги даврда одам бошқармайдиган ахборот технологиялари жорий этилмоқда, ахолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимиға сингиб кетадиган ишчи кучи ажралиб чикмоқда. Тахминий хисобларга кўра, ҳозирги вактда АҚШда ёлланма ишчи бўлиб ишлайдиганларнинг деярли 15 фоизи оила, таълим, согликни саклаш, қариялар, руҳий касаллар, болаларга ёрдам бериш сингари амалий ишларда, ахлок тузатиш муассасаларида иш билан таъминланган.

Бу ихтиосликка энг умумий ёндашишdir. У тегишли соҳадаги ходим турли соҳаларда зарур билимга эга бўлишини талаб қилади. У ёрдам сўраб мурожаат қиладиган одамлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши, фойдаланилиши мумкин бўлган ташкилотлар ва муассасаларни, амалдаги миллий қонунчиликни, молиялаштириш манбаларини, ушбу соҳада фаолият олиб борадиган бошка мутахассислар фаолиятини ва бундай холатларда кўрсатиладиган хизматларни билиши керак.

Ижтимоий ходимлар кенг доирадаги муаммоларга дуч келмоқда. Алкоголизм, мулкчилик хукукларининг бузилиши, болаларга ёмон муомалада бўлиш, эр-хотинлар жанжали, руҳий ва жисмоний касалликлар, дарбадарлик, жамиятдан холи яшаш шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси маҳсус тайёргарликни талаб қилади. Бундай иш дилетантликка, юзаки ёндашишга тоқат қилмайди, чунки ижтимоий ходимлар тегишли билим ва қўнікмаларга эга бўлибгина колмай, балки касбга доир ахлоқий нормалар ва тамоилларга риоя килишга шахсан тайёр бўлишлари керак.

Буларнинг барчасига ва бўлгуси ижтимоий ходимларнинг бевосита фаолиятида зарур бўлган билим ва қўнікмаларга олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида ўқитилади.

Ўзбекистонда ахолини ижтимоий химоя килиш ва қўллаб-кувватлаш ижтимоий таъминот ва сугурта тизими орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тўғридан-тўғри амал қиладиган асосий нормалар ва хукуклар мавжуд. Мана шу хукуқ ва нормалар базасида ижтимоий қонунчилик ривожланган.

1991 йилда қабул килинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя килиш тўғрисида»ги Конун имкониятлари чекланган кишиларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-кувватлаш миллий модели шаклланишини бошлаб берди. Ўзбекистон бола, алоҳида эҳтиёжларга мухтож шахслар хукуклари ва эркинликлари соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди ва уларга мувофик ўз сиёсатини олиб бормоқда.

Ўзбекистонда инсон камолоти билан боғлик қўплаб йўналишлар бўйича қўйидаги мухим максадли ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда: оилани мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, согликни сақлашни ислоҳ килиш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги макоми ва ролини ошириш, ногиронларга,

кам таъминланган оилаларга ва болали оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурлари шулар жумласидандир.

Республикада ижтимоий таълим муассасаларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда, уларда имконияти чекланган болалар таҳсил олади. Аҳолининг кам таъминланган катламларига меҳр-мурувват кўрсатиш ва уларни максадли кўллаб-кувватлаш мамлакат ҳаётининг ажralmas қисмига айланди. Бундан ташкири, дастурий хусусиятга эга норматив-хукукий хужжатлар мавжуд, мамлакат Президентининг оилани, аёллар, болалар, кексалар, ногиронларни химоя килишга каратилган барча Фармонларини улар каторига киритиш мумкин.

Жумладан, 2007 йил Ўзбекистонда «Ижтимоий химоя йили» деб эълон қилинди, Давлат дастури қабул қилинди ва муваффақиятли амалга оширилди. Дастур доирасида амалдаги конунчиликка ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди, имконияти чекланган кишиларни химоя килишни назарда тутадиган бир катор норматив-хукукий хужжатлар қабул қилинди.

Факат 2007 йилда «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастурига мувофик 26 та қонун ва норматив-хукукий хужжат қабул қилинди. Улар орасида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя килиш тўғрисида», «Бола хукуклари кафолатлари тўғрисида», шунингдек «Хомийлик тўғрисида» ва «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги конунлар алоҳида диккатга лойикдир.

Бундан ташкири, имконияти чекланган кишиларни маънавий ва моддий кўллаб-кувватлаш тизими жорий этилди, бунда асосий эътибор ногирон болаларга каратилди.

Мамлакатда ижтимоий ёрдам ва химоянинг барча турлари давлат, ижтимоий, хукуматга қарашли бўлмаган ва хусусий ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон янги иктисодий муносабатларга ўтиши шароитларида аҳолининг катта қисми мураккаб ижтимоий ҳолатга тушиб колди. Бу ҳолат мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг ҳар бир боскичи ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ривожланишига кўмаклашди. Жумладан, агар бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки боскичида давлат бутун аҳолини ижтимоий химоя килиш йўлидан борган бўлса, ҳозирги вактда эса ҳақиқатдан ҳам мухтоҷ бўлган оилаларга ёрдам кўрсатишга ургу берилмоқда. Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий химоя килиш механизми ишлаб чиқилди, қатъий табақалаштирилган ёндашув унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади¹.

Ҳозирги вактда республикада ижтимоий химоя ва кўллаб-кувватлаш фаолияти турли соҳа мутахассислари – социологлар, психологлар, педагоглар, хукукшунслар, тиббиёт ҳодимлари ва бошқа соҳа вакиллари томонидан амалга оширилмоқда. Турли соҳа мутахассисларининг интеграциялашиши

¹ И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафғизликка таҳдид. баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

керакли ва зарур ишдир. Бироқ ҳозир мамлакат таълимнинг турли соҳаларида янги «**ижтимоий ходим**» **касбига** пухта тайёрлаш вазифаси олдида турибди.

Жаҳон амалиётида ижтимоий фаолият олиб боришнинг улкан тажрибаси тўплланган. Бу борада мамлакатимиздаги тажриба ҳам кам эмас. Бироқ мамлакатда ҳозирги ижтимоий ҳолат ижтимоий фаолият концепциясининг асосланишини ва уни амалиётга татбиқ этилишини талаб қиласди. Ҳаёт ижтимоий технологияларни, ижтимоий иш олиб бориш ва ташкил ишларни тушунарли ва ишончли усусларини ишлаб чиқишини талаб қиласди. Жаҳон тажрибаси кўпчилик мамлакатларда ижтимоий ходимлар фаолиятини хисобга олмай туриб, давлатнинг ижтимоий тараққиёт дастурини ҳам, ижтимоий сиёсатини ҳам амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Кишилар на ўзлари, на оиласи ва на дўстлари бас кела оладиган муаммоларга тобора кўпроқ дуч келмоқда. Бунинг учун алохида касбга эга кишилар – ижтимоий ходимлар талаб этилади.

Ҳам касб ва ҳам фан сифатида ижтимоий иш интеграл хусусиятга эга. Ижтимоий иш пайдо бўлган даврдан бошлаб бу иш билан педагоглар, психологлар, тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассилар шуғулландилар, ижтимоий иш назарияси турли илм соҳалари туташган жойда юзага келди.

Ижтимоий иш назарияси психологлар, социологлар, педагоглар, тиббиёт ходимлари, хукукшунослар, файласуфлар, шунингдек, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатишнинг турли жиҳатларини тадқик қиласидиган бошқа соҳа вакиллари саъй-харакатлари туфайли юзага келди. Жумладан, ушбу тадқикотларда психологларни инсон шахси муаммолари, педагогларни уларнинг тарбияси муаммолари, социологларни ижтимоий тузилма муаммолари, хукукшуносларни мухтожларга профессионал ёрдам кўрсатишнинг конуний базаси, файласуфларни эса унинг энг умумий муаммолари кизиктиради¹. Бошқача сўзлар билан айтганда, у комплекс дастурларни ҳал қилишда турли соҳа вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни назарда тутадиган соҳалараро тадқикотларнинг натижасидир.

Мазкур китоб Ўзбекистонда ижтимоий ишга доир биринчи қўлланмадир. Муаллиф мамлакатимиз учун янги бўлган касбнинг барча хусусиятларини акс эттиришга, ўқувчиларни ижтимоий иш асослари, тушунчаси, унинг асосий тамойиллари, келиб чикиши ва ривожланиши тарихи, методлари ва конуниятлари билан таниширишга интилди.

Мазкур китоб тавсия этилган адабиётлар рўйхати, асосий тушунчалар ва терминларнинг кисқача луғати, методик тавсияларга эга.

Муаллиф китобни тайёрлашда берган ёрдами ва маслаҳати учун Саратов давлат техника университетининг ижтимоий антропология ва ижтимоий иш кафедраси ўқитувчи-профессорларига алохида миннатдорчилик билдиради.

¹ Агапов Е.П. Социальная работа как феномен культуры. – Ростов-на-Дону: Изд-во Ростовского государственного педагогического университета, 1999. – С. 104.

Мазкур қўлланма ижтимоий иш муаммоларини ўрганаётган барча инсонлар учун фойдали бўлади ва Ўзбекистонда ушбу касбни оммалаштириш кўмаклашади деб умид киламиз.

1-МАВЗУ. ИЖТИМОИЙ ИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1.1. Хорижда ижтимоий иш ривожланиши тарихи.

Фаолият тури сифатида ижтимоий иш юзага келишининг тарихий шарт-шароитлари. Гарбий Европа ва Америкада ижтимоий ишнинг касб сифатида қарор топиши. XX асрда ижтимоий ишнинг ривожланиши. АҚШда ижтимоий ҳимоя тизими. Европа ижтимоий таъминот тизими. Россияда ижтимоий иш.

Фаолият тури сифатида ижтимоий иш юзага келишининг тарихий сабаблари. Ижтимоий ходиса сифатида ижтимоий иш инсон ва жамият тарақкиётининг илк босқичларига бориб тақалади. Табиий-рухий шижаотда, ўзини бока олмайдиганларга ғамхўрлик қилишда ифодаланган ижтимоий ёрдамнинг илк кўринишлари ҳар хил жамиятлар, шаклланган анъаналар учун хосдир. Қадимги Мисрда ибодатхоналарда диний ёрдамлар берилган, оч кишиларга нон бепул тарқатилган. Қадимги Грецияда, сўнгра Қадимги Римда ноҷорлашган катлам орасида нон, кийим, пул тарқатишида акс этган филантропия ғояси ривожланди. Қадимги славянларда турли анъанавий белгилар билан диний қўллаб-кувватлаш, уруғ, оила, ахоли доирасида ижтимоий-уруғдошлиқ, шунингдек ҳўжалик ёрдами, ўзаро ёрдам ва ҳимоя ижтимоий ҳимоянинг асосий шакллари бўлган.

Шарқда ижтимоий ёрдамнинг жамоавий тузилмаси ва ўзига хос механизми юзага келди. Ҳар бир киши ўзи мансуб бўлган анъанавий тузилмалар ҳимояси остида бўлиши унинг ўзига хос хусусияти хисобланади. Бу тузилмалар ўз аъзоларини қўллаб-кувватлайдиган оила ва жамоадан иборат бўлади. Жумладан, Ўрта Осиё худудидаги қадимги жамоа тарбия, ишга жойлаштириш, бўш вактни ўтказиш сингари муаммоларнинг катта қисмини ҳал киларди ва шахс, оила, гурух даражасида ижтимоий қўллаб-кувватлайдиган ўзига хос жамоавий марказ хисобланар эди.

Муқаддас “Авесто” китоби ижтимоий тадбирлар тизими ҳақида фикр юритиши имконини берадиган биринчи ёзма манба ҳисобланади. Унда зардўштийлик динини қабул қилган давлатларнинг тузилмаси ва ижтимоий сиёсати ҳақида маълумотлар бор. Мақсадли ёрдам кўрсатиш усули сифатида хайрия оддий фуқаролар учун ўзини тутишнинг характерли анъанавий қоидалари хисобланган, руҳонийлар ва диний ташкилотлар зиммасига эса ижтимоий хизматлар – қўллаб-кувватлаш, ёрдам кўрсатиш, хайрия тадбирларини ўтказиш юкландиган. Ҳукмдорлар, бой фуқаролар, ибодатхоналар хайрия тушликларини уюштирган ҳамда факир ва ноҷор ҳамюрларига хайр-эҳсонлар тарқатган. Жамоаларда умумий жамоавий жамгарма хисобидан муҳтоҷ оиласи мөддий қўллаб-кувватланган.

Ўрта Осиё халклари тарихидаги мусулмончилик даври руҳонийларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини давом эттириди ва бойитди. Масжидларга ҳамда ижтимоий-диний ҳамжамиятларга ижтимоий кўллаб-кувватлаш ва кўмак бериш вазифалари юкланди. Ижтимоий ёрдам турлари якка тартибдаги ва жамоавий шаклларга эга эди. Ҳар кимнинг Ислом динининг асосий фарзларини бажариши якка тартибдаги ёрдамнинг энг кенг таркалган шакли ҳисобланади, хайр-эхсон тарқатиш, муҳтожларга моддий ёрдам бериш шулар жумласидандир. Ҳашар жамоа ёрдами, хайр-эхсон тарқатиш, тиббий кўмак, маҳсус бепул касалхоналарни ташкил этиш жамоавий ёрдам шакллари орасида энг кенг тарқалган тури ҳисобланади.

Ёрдам беришга интилиш инсонга хос фазилот эканини қайд этиш зарур. Инсоннинг диний бурчи, муҳтожларга инсонпарварлик хизматлари кўрсатиш тизими сифатида ижтимоий ёрдам ва хайрия барча жаҳон динларининг асосида ётади.

Христиан дини тарқалиши билан ижтимоий масалаларга доир норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. 347 йилда Сардукий бош черковида (Фарбий ва Шарқий Рим империяси чегарасида) факирлар, етимлар, бевалар ва мусофиirlарга ёрдам кўрсатиш бўйича ўн иккита коида қабул қилинди. Шу билан бирга унда хайр-эхсонлар тарқатишда, факирларни овқат билан таъминлашда ўз аксини топган бошпана ва озик-овқат бериш тизими устувор ўрин эгаллади.¹

Россияда ижтимоий ҳимоя давлат тизимининг карор топиши 1701 йилда император Петр I томонидан «Авлиё Патриарх уйларида гарублар, касаллар ва қарияларни аниклаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинишидан бошланди. Император Петр I даврида биринчи етимхоналар пайдо бўлди, жамиятга давлат томонидан факирларни ажратиш ва ҳар бир алоҳида тоифа бўйича ғамхўрлик кўрсатиш бўйича чоралар қабул қилиш юкланди.

Фарбий Европа мамлакатларида XVI–XVII асрларда ижтимоий ёрдам давлат тизими расмийлаштирилиши давлат ролининг ошиши ва айни бир вақтда христиан черкови фаоллигининг пасайиши билан изоҳланади. Жумладан, 1529 йилда Германияда ночорларга ёрдам тўғрисида Гамбург устави, 1682 йилда эса давлат таъминоти чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон қабул қилинади. Англияда 1531 йилда ночорларга ёрдам бериш тўғрисида конун қабул қилинади, 1572 йида факирларга ёрдам кўрсатиш учун умуммиллий солик жорий этилади. 1601 йилда Англияда қабул қилинган Камбағаллик тўғрисидаги конунда муҳтожларга молиявий ёрдам беришга урғу берилди. Бу конун мазкур соҳада конунчиликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат килди ва ҳукumatнинг инсон эҳтиёжлари учун жавобгарлиги шаклланишида бурилиш ясади.

¹ Кузьмин К.В., Сутырин Б.А. История социальной работы за рубежом и в России (с древности до начала XX века). – М.: Академический проект; Екатеринбург: Деловая книга, 2002. – С. 11.

Фаолият тури ва касб тури сифатида ижтимоий иш келиб чиқишининг тарихий доираларини у ёки бу даражада аникрок белгилаб олиш мумкин. Жумладан, кўпчилик тадқиқотчилар уни саноат ривожланган бошланғич даврга киритмоқда. XVIII аср охири – XIX аср бошида Европа ва Америка мамлакатлари саноатида туб бурилиш даври бошланиб, ишлаб чиқариш техник жиҳатдан такомиллашибгина колмай, балки ижтимоий муаммоларнинг кескинлашишига, ижтимоий табақалашувнинг кучайишига, жиноятчилик ва ишсизликнинг ўсишига олиб келди.

Ижтимоий муаммоларнинг кескинлашиши қашшоклар муаммоси келиб чиқишига олиб келди, бу эса жамоатчилик томонидан ҳакли равишда баркарорликка ва тартибга таҳдид сифатида қабул килинди. Бу холат нафақат Европа ва Америка мамлакатларида ижтимоий соҳадаги муносабатларни тартибга соладиган ижтимоий қонунчиликнинг пайдо бўлишига, балки ахолининг турли гурухларини эмпирик ўрганишга олиб келди. XIX аср бошида ахоли рўйхатга олина бошланди, турли ижтимоий муаммолар текширилди, таҳлилий ифодалаб берилди. Бироқ XIX аср охиридагина ижтимоий ислоҳотчилар ва хайрия ташкилотлари етакчилари начорларга ёрдам кўрсатадиган одамлар маҳсус тайёргарликдан ўтиши керак деган холосага келди.

XIX аср охири – XX аср бошларида позитивизм ва либерализм вакиллари қарашлари саноати ривожланган мамлакатларда шахснинг макбул ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар яратиб бера олмайдиган давлатнинг шахс олдида жавобгарлиги ва маънавий бурчи тўғрисидаги тушунча пайдо бўлишига кўмаклашди.

Ижтимоий иш ривожланишида уч босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи босқич ижтимоий ишнинг касб сифатида карор топиши билан ифодаланади. Иккинчи босқич XX асрда Шимолий Америка ва Европада ижтимоий иш касбининг ижтимоий институтга айланиши билан ифодаланади. Учинчи босқич ижтимоий ишнинг бутун дунё бўйлаб тарқалиши билан ифодаланади.

Гарбий Европа ва Америкада ижтимоий ишнинг касб сифатида қарор топиши. XIX асрда ижтимоий ишнинг касб турига айланиши Европа мамлакатларининг тез саноатлашиши ва урбанизацияси туфайли ижтимоий муаммоларнинг кескинлашишидан ташвишга тушган филантропик жамиятлар фаолиятига бориб тақалади. Одамлар хеч бир маҳсус тайёргарликсиз хайрия билан шугулланганлар. XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ бу соҳада диний арбоблар ва хусусий шахслар билан ҳамкорликда ижтимоий муаммоларни юмшатишига интилган кучли ижтимоий ташкилотлар пайдо бўла бошлади.

1866 йилда Стокгольмда Ҳомийлик Ижтимоий Уюшмаси ташкил этилди. 1869 йилда Лондонда кўрсатилаётган ёрдамни мувофиқаштирувчи Хайрия жамияти ташкил этилди (The Charity Organization Society).

Германияда ишчиларнинг аҳволи кескин начорлашиши натижасида давлат ижтимоий таъминотига эҳтиёж пайдо бўлди, чунки черковлар ва хусусий хайрия муассасалари ижтимоий соҳани ресурслар билан таъминлашда юзага

келган муаммоларга бас келомай колди. 1880 йилда мухтожларга ёрдам кўрсатиш бўйича Германия конгресси ташаббуси билан ночорлар хакида замхўрлик қилувчи Германия хайрия иттифоқига асос солинди. Бундай ташкилотлар жаҳоннинг бошқа мамлакатларида хам ташкил этилди.

АҚШда ижтимоий ишнинг касбга айланиши мухтожларга хайр-эхсон қилиш ортишига олиб келди. Диний, дунёвий, тадбиркорлик, кўнгилли, ҳукумат гурухлари ва бошқа мухтожларга ёрдам кўрсатувчи гурухлар ночор одамларга маблағ, озик-овқат, дори-дармонлар ва бошпана ажратди. 1890-йиллар бошида йирик шахарларда хайрия ташкилотлари фаолиятини йўлга солувчи жамиятлар очилди. Улар шахар ҳокимияти вакиллари, тадбиркорлар, черков хизматчилари ва сиёсий стакчилардан иборат директорлар кенгаши ёрдамида барча маҳаллий хайрия ишларини мувофиқлаштириди.

Муҳожирлар кўп тўпланган шахарларда 1880 йилда бошланган «Уйжойларга кўчириш учун ҳаракати» АҚШда ижтимоий ишнинг касбга айланиши учун бошқа бир асос вазифасини бажарди. Жейн Аддамс томонидан асос солган Чикагодаги Халл уйи улар ичида энг машҳури эди. Жейн Аддамс билан бирга «ночорлар орасида яшаш»ни максад қилган бошқа маълумотли аёллар хам бор эди. Улар ночор муҳожирлар кварталларида уйлар ташкил этилди, у ерда машғулотлар ўтказди, мазкур кичик туманларда яшайдиган камбағал муҳожирлар фарзандларига маслаҳатлар берди¹.

Шу билан бир вактда фаолиятнинг янги турлари, масалан, (The settlement house movement) – АҚШ ва Англиядаги муҳожирлар учун манзилгоҳлар ташкил этадиган сеттльментлар ҳаракати пайдо бўлди. Германия, Финляндия, Швецияда давлат хизматчиларининг ҳусусий иштирокида ночорларга ёрдам берувчи Эльберфельд тизими (Elberfeld System) пайдо бўлди.²

Ўз номини Эльберфельд шахри номидан олган Эльберфельд тизими тамойилларига куйидагилар асос қилиб олинган эди:

- ҳусусий масалаларни кўриб чиқиша ҳар бир васийликнинг мустакиллиги ва умумий йўналишнинг марказлаштирилиши;
- ҳар бир эҳтиёжмандин батафсил текширишда ёрдамни индивидуаллаштириш;
- жамиятнинг барча катламларини ночорларга бошпана ва озик-овқат беришга жалб қилиш.

Вакт ўтиши билан иш усуслари ва шакллари ўзгарди, бироқ ижтимоий ёрдам кўрсатиш ижтимоий ишнинг бош тамойиллигича қолмоқда.³

Ушбу даврда Буюк Британияда қашшоқлик бўйича қўлланма жорий этилади, 1834 йилда ночорларга ёрдам кўрсатиш тартибга солинган махсус қонунчилик (Poor Laws) қабул қилинади. Швецияда XVIII аср ўрталарида икки йўналишда ночорларга ёрдам кўрсатиласди: қасалларга бошпана ва озик-

¹ Русин Т. Профессия социального работника в США. В кн.: Гендерный калейдоскоп. – М.: Академия, 2002. – С. 504–505.

² Социальная работа: теория и практика. – М.: ИНФРА, 2002. – С. 385

³ Социальная работа. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. – С.40.

овкат бериш хамда ночорларга ёрдам бериш. 1847 йилда қабул килинган ночорларга бошпана ва озиқ-овқат беришнинг шакллари ва усуллари тўғрисидаги қарор бу йўналишда янги қадам бўлди. 1862 йилдаги муниципал ислоҳотлар ночорларни бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлашни черковдан ажратди, бунинг натижасида у муниципал обьектга айланди¹.

Европанинг кўпчилик мамлакатларида судланганлар ва қамоқда сақлаш жойларидан озод этилганларга маҳсус давлат ёрдамлар, касалларга маҳсус қараш тизимлари, кар ва соқовларга маҳсус ёрдам, аҳолини мажбурий давлат-муниципал ўқитиш, иш билан таъминлаш бўйича хусусий ва муниципал воситачилик шакллари ишлаб чиқилган. Жумладан, 1880 йилда муҳтожларга ёрдам кўрсатадиган Германия конгресси ташаббуси билан ночорларга ғамхўрлик киладиган Германия хайрия иттифоки тузилди. 1919 йилда у Германия давлат ва хусусий васийлик иттифоки деб кайта номланди.

Ижтимоий қонунчилик мазкур соҳани бошкарадиган давлат органлари хамда уларнинг хузуридаги муассасалар фаолият олиб борадиган ҳукукий доираларни белгилади. Ушбу муассасаларнинг на мансабдорлар аппарати, на хайрия ташкилотлари аъзолари ёрдамга муҳтож одамларга ёрдам кўрсатиш бўйича оддий билимларга эга эмасди.

XIX аср охирида муҳтожларга ёрдам кўрсатиш соҳасида кучли ижтимоий ташкилотлар тузилиб, ижтимоий муаммоларни енгиллаштириш бўйича уларнинг саъй-харакатлари черков ва хусусий шахслар фаолияти билан, Англия ва Америка Кўшма Штатларида улар бевосита ёрдамга муҳтожлар билан ишлайдиган Ижтимоий хайрия ташкилотлари билан тўлдирилди. Муҳтожларга ёрдам кўрсатиш соҳасида эришилган муваффакиятларга қарамай, унинг арбоблари профессионал эмаслиги ижтимоий муаммоларни хал қилишда одамларга самаралироқ ёрдам бериш имконини бермади. Шу билан бирга, давлат ижтимоий таъминотига эҳтиёж пайдо бўлди, чунки диний ташкилотлар ва хайрия муассасалари ижтимоий соҳадаги катта харажатларни коплай олмаётган эди.

XIX аср охирида Европа мамлакатлари ва Америкада юзага келган муҳтожларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизими қўйидаги иккита асосий элементни ўз ичига олган эди. Булар: қонунчиликни ривожлантириш; маҳсус органлар ва муассасалар ташкил этиш.

Ижтимоий ходимларни тайёрлайдиган биринчи ўкув юртлари хайрия ташкилотлари томонидан ташкил этилди. 1896 йилда деярли бир вактда Англия ва Германияда курслар очилди. АҚШда 1898 йилда Нью-Йорк филантропия мактабида маҳсус ходимларни тайёрлаш йўлга кўйилди. Пировардида Колумбия университети Ижтимоий иш мактабига айланган Нью-Йорк филантропия мактаби муҳтожларга ёрдам кўрсатадиганлар учун бир йиллик ўқитиш дастурини таклиф этди. Грэм Тейлор ва унинг ҳамкаслари томонидан 1903 йилда ташкил этилган Чикаго фуқаролик ҳукуки ва филантропия мактаби ҳам шундай дастурни таклиф этди. Вакт ўтиши билан у ижтимоий

¹ Теория социальной работы. – М.: Юрист, 1998. – С. 17.

хизмат кўрсатиши бошқариш мактаби номини олган Чикаго университети бўлинмасига айланди¹.

Гарб мамлакатлари жамоатчилиги онгига муҳтожларга ёрдам кўрсатиши професионал даражага олиб чиқиш ғояси тобора якколроқ англаб етилмоқда эди. Бу ғоя XIX аср охирида ижтимоий ходимларни тайёрлайдиган жаҳонда биринчи институтга асос солиниши амалга оширила бошланди ва у амстердамлик бир гуруҳ ижтимоий ислоҳотчиларга таалукли бўлди. Улар 1899 йилда Ижтимоий ходимларни тайёрлаш институтига асос солдилар. Институт дастурида кейинчалик ижтимоий иш номини олган ишга ўзларини бағишлишни хоҳлаган эркаклар ва аёллар учун кундузги назарий ўқитиш ва амалий тайёгарликнинг тўлиқ икки йиллик курси кўзда тутилди.

XX асрда ижтимоий ишнинг ривожланиши. XX асрнинг биринчи ярми давлатнинг роли кучайиши ва «умумий фаровонликка асосланган давлат» назарияси ва амалиёти ривожланиши билан изоҳланган ижтимоий ишнинг институтлашиши билан ажралиб туради.

Одатда уларнинг асосий хукук ва эркинликларини шакллантириш, меҳнатга расман ҳақ тўлашни жорий этиш, касб-хунар ўқув юртларини ташкил этиш ижтимоий ходимлар касибга доир фаолиятининг бошланиши хисобланади. Гарчи ижтимоий ходимларни касибга тайёрлайдиган биринчи ихтисослашган ўқув юртлари айтиб ўтилганидек, Нидерландияда, сўнгра АҚШ, Буюк Британия ва Германияда ташкил этилган бўлса-да, «ижтимоий ходим» касби дастлаб АҚШда, сўнгра Фарбий Европа мамлакатларида ижтимоий макомга эга бўлди. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орасидаги даврда ижтимоий иш мактаблари Осиё, Якин ва Ўрта Шарқ, Шаркий Европа ва бироз кейинроқ, Африка мамлакатларида очилди.

1910 йилда янги харакат Европа ва Америкада ижтимоий фаолиятга ихтисослашган 14 та мактаб ташкил этилишига олиб келди. 1920 йилда Лотин Америкасидаги биринчи ижтимоий иш мактаби Чилида очилди².

30-йилларда ижтимоий ходимларни тайёрлайдиган мамлакатлар сони ўсиши давом этди. Учинчи дунё мамлакатларида анъанавий иқтисодиётининг асосларини барбод килган бозор муносабатлари тизимиға жалб этилиши натижасида ижтимоий иш Шарқ мамлакатларига ҳам кириб келди. 1936 йилда Хинди斯顿да Ижтимоий фанлар институти таъсис этилди, Мисрда эса ижтимоий ишнинг биринчи курслари пайдо бўлди. Шундай килиб, маҳсус тайёрлаш ва моддий тақдирлашга йўналтирилган ҳолда муҳтожларга ёрдам бериш касибга айланди.

Биринчи ижтимоий ходимлар муҳожирларга инглиз тилини ўқитишдан тортиб, то саноати ривожланган жамиятда иш топиш учун зарур бўлган кўникумаларга эга бўлишда ёрдам беришгача кенг кўламли муаммолар билан

¹ Агапов Е.П. Социальная работа как феномен культуры. – Ростов-на-Дону, 1999. – С. 57.

² Социальная работа как профессия (аналитический обзор) // Ж. Социологические исследования. – М., 1993. №3. – С. 91.

шуғулланганлар. Улар ижтимоий адолатсизликка бархам беришга, ўз муаммоларини самарали ҳал қилишда одамларга ёрдам беришга интилдилар.

Ижтимоий ходимларнинг касбга доир манфаатларини ифода этган биринчи ташкилот Америка Қўшма Штатларида пайдо бўлди. Бу 1917 йилда ташкил этилган Ижтимоий ходимларнинг миллий биржаси эди. Кейинрок ижтимоий ходимларнинг бошқа касбга ўқитадиган ташкилотлари пайдо бўлди (тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар). 1921 йилда улар биринчи бўлиб рўйхатдан ўтказилган Америка ижтимоий иш уюшмасига бирлашди.

Ижтимоий иш тузилмаларини ташкил этиш жараёни Фарбнинг бошқа мамлакатларига ҳам татбиқ этилди. 1928 йилда Парижда Ижтимоий фаровонлик бўйича халқаро кенгашга бирлашган Европанинг етти мамлакати миллий уюшмалари ташкил этилди.

Бугунги ижтимоий ходимлар ўтмишдошларининг саъй-харакатлари мухтожларга ёрдам кўрсатишга қаратилган эди. Факат XX асрда ижтимоий таъминотнинг методи, уларга мувофиқ таҳлили ва йўллари таърифига жиддий эътибор қаратилди. Улар ёрдамида хайрия ва жамоат ташкилотлари ўз мақсадларини жамиятнинг прагматик мақсадларига мувофиқлаштириши мумкин эди. АҚШда Мэри Ричмонд биринчи бўлиб буни амалга ошириди. У эътиборни индивидга ва унинг оиласига қаратиб, хайрияни метод билан боғлади. 1915 йилда чоп этилган «Илмий ижтимоий иш» асарида Мэри Ричмонд ижтимоий ходимлар ҳал қилишига тўгри келган ижтимоий иш сифати баҳолари схемаси тўпламини, ижтимоий муаммолар ташхисини таклиф этди. Бу мухтожларга ёрдам кўрсатишнинг турли шаклларини англашга таянган ахлоқий-терапевтик ижтимоий иш яратилишига олиб келди.

Янги метод 1917 йилда «Ижтимоий ташхис» китобида олим томонидан батафсил таърифлаб берилган ва ижтимоий таъминот дастурлари самара-дорлигининг ошишига кўмаклашган. Мэри Ричмонд ҳам мижознинг шахси, ҳам унинг ижтимоий ҳолати сифатида баҳолашни назарда тутувчи ўзининг ижтимоий ташхис методини батафсил таърифлаб берди. М. Ричмонд кейинчалик терепевтик номини олган ижтимоий иш модели асосчиси ҳисобланади. Ушбу моделга мувофиқ ҳар бир алоҳида ҳолатда баҳолаш, ижтимоий ташхис кўйиш ва унинг асосида даволаш методини танлаш кобилияти ижтимоий ходим фаолиятида энг муҳим ҳисобланади. Ночорликни касаллик деб ҳисоблаган Ричмонд врач ва ижтимоий ходим фаолияти ўртасида ўхшашикни келтирди.

У ижтимоий ёрдами чора-тадбирлар комбинацияси деб карайди, ҳам мижознинг, ҳам унинг ижтимоий муҳитининг ўзгариши уларнинг натижаси ҳисобланади. Мэри Ричмонд ижтимоий тадбирларни иккита бир-бирини тўлдириб борадиган методга ажратди: даволашнинг билвосита методи ва даволашнинг бевосита методи. Билвосита метод инсоннинг ташки мухитига таъсир қилишдан, ечимлар ишлаб чиқиш учун уни фаол саъй-харакатларга ундаш мақсадида мижознинг ўзига таъсир қилишдан иборат эди. Ушбу мумтоз асарда куйидагилар кайд этилган: «Яхши ижтимоий ходим кишиларни

кашшокликдан кутқариш билан шуғулланмай, балки умуман қашшокликка бархам бериш хакида ўйлайди¹. М. Ричмонддан кейин «ўрганиш, ташхис, даволаш» парадигмаси ижтимоий ишда асосий парадигмага айланди.

З. Фрейд ва унинг издошларининг 20–30-йиллардаги психоаналитик гоялари ижтимоий ишнинг психодинамик назариясини биринчи ўринга олиб чиқди. Жумладан, В. Робинсон ўзининг «Ижтимоий холатда ўзгарган исиология» асарида фаолият социал методининг янги психологик тушунилиши пайдо бўлганини биринчи бўлиб пайқади.

XX асрнинг биринчи чораги психиатрик методлар ва психоанализнинг устунлиги остида ўтди. Ижтимоий иш биология, иктисодиёт, тибиёт, психиатрия, социология, статистика, антропология, педагогика, ижтимоий психологияга таяниши керак деб хисобланди. Ўшандан бери бу рўйхат қўп ўзгаришларга учрамади.

XX асрнинг иккинчи ярмида тизимли, комплекс ёндашув асосий ўринга кўтарилди. Эндиликда ижтимоий ходимдан бир соҳадаги тор ихтиослик эмас, балки универсализм, турли методларни ва соҳаларни мужассамлаштириш талаб этилди. Бир вактнинг ўзида методик маданиятга, ишончли эмпирик маълумотларга эктиёж пайдо бўлди.

АҚШда ижтимоий ҳимоя тизими. Социологлар ижтимоий колокларга киритилган ахоли гурухларига эътибор иктисодий пасайишлар даврида ортишини ва фаровонлик даврида камайишини кайд этди. Жумладан, АҚШда 30-йиллардаги буюк турғунлик даврида ва ижтимоий муаммолар жуда қўпчилик кишиларга дахл қилган 60–70-йилларда ижтимоий ходимлар комплекс ёндашув ёрдамида бир вактнинг ўзида қўплаб одамлар муаммоларни енга олди. АҚШ Президенти Ф. Рузвелт тазики остида илк бор ишсизликни миллий муаммо деб карай бошладилар. Фавқулодда ёрдам бўйича Вактинчалик бошкарма ташкил этилди. У замонавий Американи тубдан ўзгартирган машхур «Янги йўналиш»га пойdevор яратиб берган давлат дастурларини ишлаб чиқиши учун хусусий хизмат соҳаларидан яхши таълим олган ижтимоий ходимларни таклиф этди. Ф. Рузвелт ишсизларга давлат ёрдамини хайр-садака ва хайрия эмас, балки ҳар бир фуқаронинг маданиятли жамиятда энг кичик турмуш даражасига умид қилиш хукуқига асосланган ижтимоий адолат деб хисоблаган.

1964 йилда Президент Л. Жонсон янги иктисодий ва сиёсий вазиятда ўзининг «Буюк жамият» ластури доирасида Сенат ва Конгресс Вакиллари Палатасига қашшоклик ва саноат даври билан боғлиқ муаммоларга каратилган бир катор конун лойиҳаларини кўриб чиқишини таклиф килди. Мехнат ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича маҳсус президент комиссиясининг «Миллатнинг учдан бир кисми: харбий хизматга яроксиз бўлган ёшлар тўғрисида маъруза» деб номланган маърузасида қашшокликка учраш йўлидаги қўпчилик қийинчилклар кўзга ташланар эди. Бошка материаллар билан

¹ «Социальная работа как профессия» / Ж. Социологические исследования. М., 1993. № 3. – С.91.

биргаликда маъруза Иктиносий имкониятлар тўғрисидаги қонун учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги вақтда АҚШдаги ижтимоий иш тузилмаси жиддий ўзгармоқда. Ақлий заиф мижозлар билан ишлашга эътибор кучайтирилмоқда ва қашшоқлик билан шуғулланадиган ижтимоий ходимлар сони камаймоқда. 1995 йилдаёк маҳоратли ижтимоий ходимларнинг 47 фоизи ўз фаолиятининг мазмун-моҳияти тўғрисидаги саволга жавоб берар экан асосан оила аъзолари-нинг шахсий хулк-атвори муаммолари ёки умуман оиласидаги ўзаро муносабатлар билан шуғуланаётганликларини маълум килдилар. Уларнинг 2,5 фоизидан камроғи даромадлар, уй-жой, иш билан таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал килиш, шунингдек жиноятни, гиёхванд моддалар ва алкоголь истеъмол қилишнинг олдини олиш билан боғлик фаолиятни кўрсатдилар. Ижтимоий фаолият бўлимларини битирган талабалар ҳам психоанализ ва руҳий терапия соҳасидаги ихтиоссликка катта қизикиш билдирилмоқда, ижтимоий шарт-шароитларни ўзгартириш билан боғлик фаолиятга қизикиш иккинчи ўринга тушиб қолмоқда.

Охири ўн йилликларда АҚШда секторлар бўйича ижтимоий ходимларни иш билан таъминлаш тизимида жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда. Мамлакатда ижтимоий ходимлар орасида ўтказилган сўровларга караганда, уларнинг кўпчилиги ижтимоий секторни тарқ этмоқда. Жумладан, аввал уларнинг 51 фоизи жамоат (федерал, давлат, диний, муниципал) секторида меҳнат килган. Бугунги кунда вазият ўзгарди – хусусий тижорат секторида иш билан банд бўлганлар сони уч баравар кўпайди. АҚШда ижтимоий сервиснинг катта кисми ихтиёрий бирлашмалар (хукуматга карашли бўлмаган ташкилотлар) билан, бирок кўпинча хукумат билан шартнома асосида таъминланади. Шунга ўхшаш кўпчилик хусусий амалиётчиларга хукумат томонидан ажратиладиган суғурта орқали ҳак тўланади.

Турли бирлашмалар, кичик ва йирик фирмалар якка фаолият олиб боради ёки ижтимоий иш билан шуғулланиш учун мўлжалланган хукумат шартномаларини излайди. 1982–1995 йилларда «хусусий амалиёт» билан шуғулланган ижтимоий ходимлар сони энг кўпчиликни ташкил қилиб, 11 фоиздан 20 фоизга ўсган. Жами ижтимоий ходимлардан 45 фоизи икиламчи иш билан шуғулланганликларини, яъни тўлиқ бўлмаган иш кунида ишлаганликларини қайд этдилар. Хусусий амалиётда мижоз одатда ишнинг ҳар бир соати учун ҳак тўлаб, ижтимоий ходимни ёллайди¹.

Ҳозирги замон ижтимоий ходимига кўйиладилган талаблар сезиларли даражада ошди ҳамда руҳий ва жисмоний қийинчиликларни енгиллаштирадиган дастурларни ўз ичига олди. Ижтимоий иш иқтисодий, ижтимоий ва маданий сиёсатнинг бир кисми хисобланади ва ижтимоий оғир аҳволни енгиллаштиришга ва олдини олишга, тегишли ижтимоий сиёсат ва ижтимоий таъминотни ривожлантиришга қаратилган. Пенсильвания Университети

¹ Русин Т. Профессия социального работника в США. В кн. Гендерный калейдоскоп. – М.: Академия. – С. 510–511.

ижтимоий иш мактаби асосчиси Элизабет Смолийнинг фикрича, ижтимоий иш амалиёти ижтимоий фаровонликнинг демократик тамойилларини камба-ғал ахоли қатламининг «имтиёзи»дан кўра кўпроқ «хукуки» сифатида акс эттиради. Шу билан бирга ижтимоий ходимлар одамларга ёрдам берадиган, ижтимоий кескинликни камайтирадиган кишилар деб каралиши одати сақланган. Инсоннинг бошқа одамларга ва жамиятга муносабати, шунингдек, жамиятнинг шахсларга ва гурухларга муносабати ҳали ҳам мухим аҳамиятга эга¹.

Америка ижтимоий ҳимоя тизими аниқ ифодаланган икки йўналишга, ижтимоий суғурта тизимига ва ижтимоий ёрдам тизимига эга. Ижтимоий суғурта дастурлари юкори ижтимоий макомга эга, чунки маошга яшайдиган барча кишилар мунтазам равишда тегишли фондларга солик тўлайди. Бу тизим иқтисодий фаол ахолини асосий ижтимоий хавф-хатарлардан, кексаликдан, бокувчисидан айрилишдан, ногиронликдан, касалликлардан, ишлаб чиқариш жароҳатларидан, ишсизликдан ҳимоя киласди.

Ижтимоий ёрдам АҚШдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг иккинчи йўналиши хисобланади. АҚШдаги ёрдам тизими бир қанча йирик ва қўплаб кичик дастурларни ўз ичига олади. Ушбу дастурлар бўйича кашшоқликда кун кечирадиган одамлар пул маблағлари, озик-овкат, карзга бериладиган уй-жой, таълим олиш учун ёрдам олади ва касбга ўқитилади. Расман белгиланган кашшоқлик даражасидан паст даражада кун кечирадиган кишилар ижтимоий ёрдам олишга ҳакли. АҚШ ахолисининг тахминан 12-15 фоизи ижтимоий ёрдам оладиган кишиларни ташкил этади.

«Фаровонлик», «таъминот», «қўмак» маъноларини англатадиган Welfare («Вэлфер») дастури энг машхур моддий ёрдам дастурларидан бири хисобланади. Public Assistance дастурнинг бошқа бир номидир. Дастур федерал хукумат томонидан молиялаштирилади ва кўпинча штат ва шахар бюджети хисобидан тўлдирилади. Турли ҳолатларга караб (ишдан айрилиш, ишсизлик бўйича ёрдамнинг йўклиги, ёш болали ёки ёлғиз она, ота) маълум даражада баркарор даромад манбаига эга бўлмаслик ижтимоий таъминот дастурларидан кўмак олиш шарти хисобланади.

SSI (Supplemental Security Income) - кекса кишиларга (65 ёшдан катта), ногиронларга, кам даромадли касал одамларга пул билан ёрдам берадиган федерал дастур.

Медикейд (Medicaid) – кам даромадли шахсларга ёки оилаларга тиббий ёрдам кўрсатиш дастури. У ҳам федерал хукумат томонидан таъминланади, бирок штатлар конунлари томонидан тартибга солинади. Медикейт маълум даражаларда дори-дармонларга ҳак тўлаш, касалхонада бўлиш, тез ёрдам чакириш, врачларга ташриф буюриш, маҳсус пойабзал, тиббий ускуна ва ҳоказолар билан таъминлаш имконини беради. Одатда «Вэлфер» ва SSI

¹ Ruth Elizabeth Smaliey. Theory for social work practice. Columbia University press. New York and London, 1967. Preface, viii.

дастури бўйича тўлиқ микдорда ёрдам олувчилар Медикейд дастуридан фойдаланишга ҳакли.

Евropa ижтимоий таъминот тизими. Турли мамлакатларда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимлари ҳал қилинадиган вазифаларнинг ўхшашлиги ва бир хиллигига қарамай тарихий шарт-шароитлар, шунингдек муаммоларни ҳал килиш йўналишлари ва методларидағи тафовутларни хисобга олган ҳолда юзага келди. Жумладан, Евropa мамлакатларида ижтимоий таъминот тизими АҚШ ижтимоий таъминот тизимидан давлатнинг йўналишларни белгилаш, ижтимоий сиёсатни режалаштириш, молиялаштириш ва хаётга татбик этишда кўпроқ иштирок этиши билан фарқ қиласди. Бунда маҳаллий бошқарув органлари ижтимоий хизматлар кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Ахолини турли ижтимоий хизматлар ва ёрдам турлари билан таъминлаш ҳам Евropa ижтимоий хизмат моделининг ўзига хос хусусияти хисобланади.

Евropa ижтимоий хизмат модели давлат умумий фаровонлик назариясига асосланади, унинг асосида инсоннинг «табиий хукуклар» концепцияси туради. Ушбу назариянинг асосий вазифалари барча фуқаролар учун хаётий режаларни рўёбга чиқариш борасида тахминан бир хил бошлангич имкониятларни яратишни, уларни муносиб турмуш тарзи билан таъминлашни, ижтимоий тенглик ва адолат карор топишига интилишни назарда тутади. Умумий фаровонлик назариясига асосланган давлат барча фуқаролар учун ривожланган ижтимоий ёрдам тизимини шакллантиради, тиббий, таълим, руҳий, хукукий ва бошқа хаётий муҳим хизматлар билан таъминлайди.

«Умумий фаровонлик назариясига асосланган давлат» тушунчаси иккинчи жаҳон урушидан кейин расм бўлди. Бирок 70-йиллар охири – 80-йиллар бошида бу назария танқидга учради. Бунинг сабаби ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларнинг ва одамлар, ижтимоий гурухлар, умуман ахоли эҳтиёжларининг ўзгариши билан боғлик эди. Ривожланган мамлакатлар экспертизарининг фикрича, 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, Фарб мамлакатлари-даги ижтимоий таъминот тизими ахолини ижтимоий тўловлар турлари билан таъминлаш бўйича ўз олдига қўйган вазифасини бажариб бўлди. 90-йилларда ушбу тизимни иктисодий таракқиётнинг ўзгаришларга учраган шарт-шароитларига, ресурслар чекланишининг ўсишига, ишсизликнинг юкори даражага кўтарилишига мослаштириш вазифаси биринчи ўринга қўйилди.

Евropa мамлакатларида ижтимоий таъминот тизими устуворликлари ўзгаришини белгилаб берган омиллар орасида туғилишнинг камайиши ва умрнинг узайиши натижасида ахолининг тез қариши қайд этилади. Фарбий Евropa мамлакатлари учраган иктисодий қийинчиликлар ва уларнинг оқибатлари давлатнинг бир қанча ижтимоий дастурларини тўхтатишига катта таъсир ўтказди. Иктисодий инқироз, ўсиб борувчи бюджет тақчиллиги, ишсизлар ва қашшоқлар сонининг ортиши, ахолининг қариши, тўлиқ бўлмаган оиласлар сонининг ошиши ва бошқа омиллар давлат ижтимоий сиёсатидаги ўзгаришларга олиб келди.

Шу билан бирга, хеч бир Европа мамлакати «фаровонлик назариясига асосланган давлат»дан тўлиқ воз кечгани йўқ. Бу холат кишилар онгида давлат муҳтоjlар ҳақида кайгуриши керак деган фикр пайдо бўлиши билан изохланади. Турли йўналишлар сиёsatчилари Farb мамлакатларида ижтимоий таъминот тизимини ислоҳ килишни давом эттириш зарурлигини эътироф этишга мажбур бўлди.

Farbий Европа мамлакатлари ҳукуматлари томонидан «умумий фаровонлик назариясига асосланган давлат» ислоҳоти бўйича кўриладиган чоратадбирлар давлат маблағларининг ижтимоий таъминотга сарфланишини қатъий назорат килишга, ушбу соҳада коррупция ва хаддан ортиқ расмиятчилик билан боғлиқ молиявий йўқотишларни камайтиришга каратилган. Нодавлат пенсия жамғармаларини яратишни рағбатлантириш учун солик имтиёзлари берилмоқда. Нафакалар белгилашда уларни олишга даъвогарап текширувдан ўtkазилади, аввал бепул бўлган кўпчилик хизматлар пулли бўлади, давлат стипендиялари кўпинча заёмлар билан алмаштирилади. Баъзи мамлакатларда пенсия ёшини ошириш тўғрисидаги масала кўриб чикилмоқда¹.

ГФР Конституциясида «ижтимоий давлат» термини кайд этилган, ижтимоий ёрдам – бу ушбу давлатдаги алоҳида шахсларнинг мураккаб аҳволдан кутилиши учун хизмат киладиган ва ушбу максадлар учун зарур муассасалар ва хизматларга бўлган ижтимоий кафолатлар тизимининг бош қисмидир. Ижтимоий таъминот тизимидан холи кўrsatiladigan ижтимоий хизматлар ҳам ижтимоий ёрдам деб аталади. Улар умумий хусусиятга эга хизматлардир. Булар уй-жой учун, кўп фарзандли оиласалардаги фарзандлар учун, камбағал оиласаларда таълим учун давлат дотацияси сифатида пул беришдан иборат.

ГФРда ижтимоий хизматлар деганда фуқароларнинг турмуш даражасини тенглаштиришга каратилган ижтимоий нуктаи назардан заиф химояланган ахоли катламларига кўrsatiladigan хизматлар тушунилади. Фуқаролар учун ҳамда ГФРда яшовчи хорижликлар учун мўлжалланган ижтимоий хизматларнинг кафолатланган тизими улар туғилганидан бошлаб мавжуд.

Қайд этиш лозимки, ГФРда нотижорат муассасаларда кўrsatiladigan хизматлар, яъни таксимловчи федерал жамғармадан молиялаштириладиган ижтимоий хизматлар тушунилади. Германияда ижтимоий хизматларга сарфланадиган харажатлар ижтимоий эҳтиёжлар учун мўлжалланган бюджетнинг ўндан бир қисмини ташкил этади. Мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий хизматлар маслаҳат бериш, врач ёрдами, ахборот бериш, хукукий, умумий караш, ташкилий шаклда бўлиши мумкин.

Ҳозирда Германияда муҳтоjlарга молиявий хизматлар кўrsatiш билан чекланмайдиган ижтимоий ёрдам тизими ислоҳ килинмоқда. Давлат ижтимоий ходимлар олдига ўз мижозларининг ижтимоий ёрдамга қарамлигига барҳам бериш, ишсизларни меҳнат бозорида юз бераётган жараёнларда қатнаштириш вазифасини кўймоқда. Ижтимоий таъминот соҳасини

¹ Социальная работа. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. – С. 37–38.

бошқариш; кариялар эхтиётларини таъминлаш; хайрия ёрдами тизимини ривожлантириш сингари давлатни ижтимоий ривожлантириш тамойиллари ҳам рўёбга чикарilmоқда.

Россияда ижтимоий иш. Россияда ижтимоий иш мухтожларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият сифатида кўп асрларга бориб тақалса-да, у давлат, турли жамоатчилик гурухлари, ижтимоий соҳа тадқиқотчилари томонидан XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб объектив зарур ходиса сифатида карала бошланди. Ушбу йилларда ахолига хизмат кўрсатиш тизимининг қарор топиши, ахоли билан иш олиб борища замонавий технологиялар ва методларни кенг кўлланиши ижтимоий сиёsatнинг энг жиддий тенденцияларидан бири бўлди. Бунда ахолига ижтимоий хизмат кўрсатиш россиялик олимларнинг айрим асарларида ижтимоий иш замонавий парадигма сифатида, бошка асарларда мураккаб ижтимоий-иктисодий вазият шароитларида фукароларни самарали ижтимоий қўллаб-кувватлаш имконини берадиган юкори самарали ижтимоий технология сифатида, яна бошка асарларда эса ижтимоий соҳанинг, умуман олганда, мухим сектори сифатида карапади¹.

«Россия Федерациясида ахолига ижтимоий хизмат кўрсатиш асослари тўғрисида»ги федерал қонун мазкур масалага аниклик киритади. Қонунда ижтимоий хизмат кўрсатиш қийин хаёт кечираётган фукароларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш, уларга ижтимоий, тиббий, руҳий, педагогик, хукукий ва бошқа ёрдам турларини кўрсатиш бўйича фаолият деб карапади. Қонунда ижтимоий хизмат турлари мазмун-моҳияти – моддий ёрдам, уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш, стационар ҳолатларда ижтимоий хизмат кўрсатиш, маслаҳат бериш, фукаролар ва оиласаларнинг ижтимоий раҳнамолиги ва бошқалар очиб берилади.

«Кекса кишиларга ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги федерал қонун Россия жамияти ахолисининг алоҳида ижтимоий гурухларига ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги тасаввурни жиддий равиша тўлдиради ва унга қўшимча киритади. У ахолини ижтимоий химоя килиш бўйича фаолият йўналишларидан бири бўлиб, кекса ёшдаги фукароларга ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган.

Ўтиш даврининг иктисолий қийинчиликларига қарамай, давлат ногиронларга, кўп ҳолларда ёлғиз ва ногирон қарияларга алоҳида эътибор беради. Россияда карияларга, шу жумладан ногиронларга кўп даражали ёрдам тизими амал килади. Жумладан, 2002 йилда 14 млн. кекса кишиларга у ёки бу кўринишдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Ярим миллиондан ортик ногирон болалар давлат томонидан алоҳида қўллаб-кувватланади.

Максадлилик, қулайлик, ихтиёрийлик, инсонпарварлик, қийин ахволда қолган вояга етмаганларга, кекса кишиларга ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш устуворлиги, махфийлик, профилактикага йўналтирилганлик, инсон ва фуқаро хукукларига риоя килиш, ижтимоий хизмат

¹ Теория социальной работы. – М.: Юристъ, 1998. - С. 203.

кўрсатишининг барча турлари изчиллиги Россия ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимининг асосий тамойиллари хисобланади¹.

Россия ахолисига ижтимоий хизмат кўрсатиш замонавий тизимининг тезковлик билан ривожланиб бораётган инфратузилмаси ушбу тизимнинг мухим белгиси хисобланади. Мураккаб ижтимоий-иктисодий шароитларда мамлакатда янги ижтимоий муассасалар тармоғи (стационар, яримстационар ва ностационар) яратилган, уларда муҳтож фукаролар малакали зарур ёрдам, маслаҳат, кўмак олишлари мумкин. Кекса кишилар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази, ахолига ижтимоий хизмат кўрсатадиган комплекс марказлар, ахолига руҳий-педагогик ёрдам кўрсатадиган марказлар, геронтологик марказлар, вояга етмаганлар учун ижтимоий-реабилитация марказлари, болалар ва ўсмиirlар учун ижтимоий етимхоналар, оила ва болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатадиган худудий марказлар шундай муассасаларга киради.

1.2 Ўзбекистонда ижтимоий ишнинг ривожланиши.

Ўзбекистонда ижтимоий иш. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолияти доирасида болаларни ижтимоий ҳимоя қилиши тизимида ижтимоий ишнинг ривожланиши. Ижтимоий Кенгаши фаолияти. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини ривожлантириши. Мутахассисларни ўқитши. Кўрсатишаётган хизматлар сифатини яхшилаши. Оила ва болаларни қўллаб-кувватлаши хизмати. Ахборот-консалтинг хизмати.

Ўзбекистонда ижтимоий иш. Ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимининг каор топиши, ахоли билан ишлашда фукароларни самарали ижтимоий қўллаб-кувватлаш имконини берадиган замонавий методика ва технологиялардан кенг фойдаланиш мамлакат ижтимоий сиёсатининг энг мухим тенденцияси хисобланади. Маҳаллий бошқарув органларида – хокимликларда худудий ижтимоий хизматлар тармоғи ташкил этилиши ва ривожланиши, ижтимоий иш, ижтимоий педагогика ва амалий психология соҳасида мутахассислар тайёрлаш туфайли ахолига ижтимоий хизмат кўрсатиш имконияти хақикатга айланмоқда.

Хозирги Ўзбекистон шароитида ахолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими алоҳида шахсларни, оилаларни ёки гурухларни мослаштиришга қаратилган ижтимоий-инсоний фаолиятнинг муайян усувлари тизими сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистондаги мавжуд ижтимоий-иктисодий шароитларда янги ижтимоий муассасалар тармоғи яратилди. Уларда эҳтиёжманд фукаролар зарур ёрдам ва кўмак олишлари мумкин. Асосан Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, шунингдек барча вазирликлар ва идоралар, ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари (маҳаллалар), ИИВ муассасалари тизими орқали қариялар, болалар ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатилади. Ахолининг турли тоифаларига ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари,

¹ Теория социальной работы. М.: Юристъ, 1998. – С. 206.

аҳолига руҳий-педагогик ёрдам кўрсатувчи марказлар, вояга етмаганлар учун ижтимоий-реабилитация марказлари, оила ва болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатадиган худудий марказлар шундай муассасалар жумласига киради.

Ҳар йили давлат бюджети барча харажатларининг ярмидан кўпроғининг ижтимоий соҳага йўналтирилиши Ўзбекистонда мустакилликнинг илк қунларидан бошлаб кучли ижтимоий сиёsat босқичма-босқич олиб борилаётганинг яққол тасдиғи бўлиб хизмат килади, бу эса бошқа давлатлар амалиётида камдан-кам учрайди. Жумладан, агар 2006 йилда бюджет маблағларининг 51,9 фоизи, 2007 йилда эса 53,8 фоизи йўналтирилган бўлса, 2008 йилда 54,6 фоиз бюджет маблаглари ажратилди¹.

Мамлакатда ижтимоий хизматлар тизими самарадорлигини ошириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда, давлатнинг болаларга, боқувчисини йўқотганларга эътибори ва гамхўрлиги кучаймоқда, «Мехрибонлик», «Муруват» уйлари ва ихтисослашган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чоралари кўрилмоқда, ахолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламларини кўллаб-кувватлаш кучайтирилмоқда.

Хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва қаровга муҳтож фуқароларни уйда тўлиқ ижтимоий хизматлар билан таъминлаш мақсадида ҳукумат карорига биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органларига ёлғиз пенсионерларга, карияларга ва ногиронларга уйда ижтимоий хизмат кўрсатишга доир ишларни бажариш учун иш билан таъминланмаган фуқароларни ҳак тўланадиган вактинчалик ижтимоий ишга жалб килиш ҳуқуки берилди. 2003 йилнинг ўзида 5 минг 630 та маҳалла худудида 155 минг янги иш ўринлари яратилди, бунинг натижасида 110 минг кам таъминланган фуқаролар иш билан таъминланди.

Кекса кишиларга ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишлар 25 минг ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларга дори-дармонлар харид қилиш, коммунал тўловларни тўлаш, саломатликни тиклаш учун моддий ёрдам ва қўшимча маблагларга эга бўлиш имконини берди. 28 мингдан зиёд ёлғиз кекса кишилар республика ортопедик корхонасида ва унинг худудий бўлимларида тиббий кўрикдан ўтди, ногиронларнинг 78 фоизи учун протезлар тайёрланди².

Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишда мамлакат фуқароларини ижтимоий ҳимоя қилишда нодавлат сектор салмоғи тобора ошиб бормоқда. У кишиларнинг ижтимоий эҳтиёжларига эркин ва тезкор муносабатда бўлмоқда. Охирги йилларда маҳаллий ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар сони ошиб бормоқда.

Мамлакат аҳолисини ҳимоя қилиш ва кўллаб-кувватлаш комплекс дастурларини шакллантириш зарурлигига шубҳа йўқ. Давлатимизнинг бутун

¹ И.А. Каримов. Асоий мақсадимиз – юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини катъяят билан давом эттиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

² Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси Ҳалқ сўзи. 2003 йил 6 декабрь.

ижтимоий сиёсати шунга каратилган. Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий иш ўзаро узвий боғланган. Ижтимоий иш – бу ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг ўзига хос шаклидир, ижтимоий сиёсат эса ижтимоий ишнинг ўзаги ва йўналишидир. Ҳукукий, фукаролик жамиятини шакллантиришнинг мураккаб йўлида фаолиятнинг мамлакатимиз учун янги турини шакллантириш ва ижтимоий ходимларни касбга тайёрлаш зарур.

«Охирги йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий иш, – ижтимоий иш бўйича мутахассис бўлган англиялик олим Терри Мёрфининг фикрича, – тез ривожланди ва мамлакат ҳамда ижтимоий ходим касби минтақада фаолиятнинг ушбу турида ўзининг етакчи ролидан фахрланиши учун барча асосга эга»¹.

Ҳакиқатдан ҳам мамлакатда манфаатловини таъминлаш соҳасида охирги йилларда ўтказилган ислохотлар туфайли ижтимоий ходимларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. 2008 йилда қабул килинган Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуклари кафолатлари тўғрисида»ги Конуни болаларни химоя қилиш соҳасида асосий хужжат хисобланади. Мазкур конун бола ҳуқуклари бўйича БМТ Декларациясида мавжуд бўлган боланинг барча ҳуқукларини таъминлайди. Кадрлар тайёрлаш масаласига келсак, 4-моддада бола ҳуқукларини химоя қилиш соҳасида фаолият олиб бораётган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири хисобланиши айтилади.

Хозирги вактда республикада ижтимоий химоя қилиш ва қўллаб-куватлаш фаолияти турли соҳа мутахассислари – социологлар, психологлар, педагоглар, ҳуқуқшунослар ва бошқалар мутахассислар томонидан амалга оширилади. Шубҳасиз, турли соҳа мутахассислари интеграцияси керакли ва зурур ишлар. Бирок хозир мамлакат янги Ижтимоий Фаолият Институтини ташкил этиши босқичида турибди. Бундай институтни ташкил этиш учун барча асослар яратилган. Булар: давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати, маҳаллий хокимият органлари фаолияти, турли ижтимоий ташкилотлар фаолияти. Бирок айтиб ўтилган агентликлар фаолияти турли-туманлигига қарамай, ижтимоий ишга биргина жуда мухим бўғин – ижтимоий ишни назарий асослаш етишмайди. Янги йўналишдаги малакали мутахассисларни – ижтимоий ходимларни тайёрлашни кенгайтириб, ижтимоий ишнинг назарий асосларини яратиш зарур.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолияти доирасида болаларни ижтимоий ҳимоя қилиши тизимида ижтимоий ишнинг ривожланиши. Ўзининг демографик хусусиятлари ва кўп йиллик анъаналари туфайли Ўзбекистон бугунги кунда ахолнинг 60 фоизидан ортигини болалар ва ёшлар ташкил этадиган мамлакат хисобланади. Болалар ва оиласаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этилган вазирликлар ва

¹ Мёрфи Т. Развитие социальной работы в Узбекистане в международном контексте / Материалы Международного форума «Инклюзивное образование и современные тенденции в развитии форм социальной поддержки детей». 28–29 октября 2008 г. – Ташкент: Республиканский Центр социальной адаптации детей, 2008. – С. 23.

идораларнинг кенг тармоқли тизими орқали болалар химоя қилинади. Мамлакатимиз фукароларининг азалдан алоҳида ғамхўрлик ва қўмакка муҳтоҷ бўлган тоифаси сифатида болалар манфаатларини таъминлаш ушбу фаолиятнинг асосий тамоили хисобланади. Шу муносабат билан болаларни химоя қилиш тизимида ижтимоий ишнинг ривожланиши мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар билан бир каторда ниҳоятда муҳим чора хисобланади, чунки ушбу соҳанинг айнан шу қасбга ўқитилган ходимларига болалик даврида боланинг манфаатларини акс эттиришлари учун ваколат ва хукуклар берилган бўлиши керак.

2004 йилда Вазирлар Мажкамасининг Қарори билан ташкил этилган **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази** Ўзбекистонда болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимида муҳим бўғин хисобланади. Марказ фаолияти болаларнинг барча заиф гурухлари, яъни ота-оналар ғамхўрлигидан айрилган болалар, ногирон болалар, конунни бузган болалар, шафқатсиз ва беларво муомалага дучор бўлган болаларга яшаш ва камолотга эришиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган. Мазкур фаолият давлат, жамоат ташкилотлари ва ҳалқаро ташкилотлар иштироқида амалга ошириладиган давлат лойихалари, ҳамкорлик лойихалари, шунингдек, болалар ва ота-оналарга хизмат кўрсатиш орқали тўғридан-тўғри амалга оширилади.

Марказ болаларни химоя қилиш соҳасида қонунчиликни такомиллашибдириш, болалар ва оиласарга кўрсатиладиган хизматлар тартиб-таомилини ҳамда сифатини сезиларли даражада кўтариш, болалар муассасаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш имконини берадиган бир қанча муҳим вазифаларни бажаради. Ушбу вазифалар орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- болалар манфаатларини таъминлашда норматив-хукукий базани такомиллашибдириш мақсадида тавсиялар ишлаб чикиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритиш юзасидан таклиф бериш;
- болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимиning ҳар хил субъектлари фаолияти мувофиқлашибдириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторингини олиб бориш;
- болалар манфаатларини таъминлаш ҳимоя қилиш ва уларни камолотга етказиш соҳасида замонавий ёндашувлар, йўналишларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий амалиётга татбиқ этиш мақсадида илмий-методик базани шакллантириш;
- болалар муассасалари мутахассисларини болалар билан ишлашнинг янги методлари ва ёндашувларига ўқитиш ҳамда оиласарни ижтимоий қўллаб-кувватлаш функциялари;
- янги ижтимоий хизматларни ривожлантириш орқали болаларга ва оиласарга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш.

Ижтимоий менежмент функцияларини бажарган холда, **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази** ўз фаолияти билан ижтимоий

ҳамкорликнинг учта даражасини камраб олади. Булар: болаларга ва оилаларга тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатиш даражаси, ижтимоий муассасалар фаолияти-нинг кенгрок даражаси ва болаларни ижтимоий химоя килиш тизимини глобал ўзгартириш бўйича вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкор-лигини назарда тутувчи ижтимоий менежмент макродаражаси.

Жамоатчилик кенгалии фаолияти. «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастурининг 14-банди асосида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январидаги ПҚ-573-сон карорига 1-илова) **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази** қошида Марказнинг етакчи мутахассислари, вазирликлар ва идоралар, давлат муассасалари ва нодавлат ташкилотлар эксперталаридан иборат **Жамоатчилик Кенгаши** ташкил этилди.

Жамоатчилик Кенгаши Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолияти билан боғлик ва болаларнинг заиф гурухларини ижтимоий химоя килишни мувофикалаштириш, назорат килиш ва мониторингини олиб бориш масалаларини ҳал этишда келиб чиқадиган вазифаларни самарали ҳал килиш учун ташкил этилган.

Кенгаш Ўзбекистонда болаларни ижтимоий химоя килишнинг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш ва татбик этиш ҳамда унинг рўёбга чиқарилишида болаларни ижтимоий химоя килиш тизими (идоралар, мутахассислар ва бошкалар)га кўмаклашиш максадида ташкил этилган орган ҳисобланади. Кенгаш болалар манфаатларини таъминлаш тизими вазифаларини (мувофикалаштириш, назорат килиш, мониторинг олиб бориш) бажариш шунингдек илмий-тадқиқот лойиҳаларини ривожлантириш ваколатига эга.

Ўз фаолиятида Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Карорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Карорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси конунчилигининг бошқа хужжатларига, Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Низомига амал киласи.

Мутахассисларни ўқитиши.

2006 йилдан бошлаб Ўзбекистонда институтлаштиришдан қайтиш, яъни болалар уйларига топшириладиган болалар сонини камайтириш, болаларни биологик оилаларига қайтариш ва мамлакатда ота-онасиз болаларни бошпана билан таъминлашнинг муқобил шаклларини ривожлантириш сари қадам ташланди. Ушбу чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши болаларни ижтимоий химоя килиш тизими муассасаларини малакали ижтимоий ходимлар билан таъминлаш масаласига узвий боғлик.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамкорлик лойиҳалари доирасида марказ базасида ижтимоий иш бўйича қайта тайёрлаш курсларининг ўтказилиши киска муддатларда ушбу соҳа ходимларини касбга тайёрлаш бўйича муҳим қадамлардан бири бўлди.

Қайта тайёрлаш дастури ижтимоий иш бўйича ўқитувчилар Миллий жамоаси томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. 2007–2008 йилларда болалар муассасаларининг 120 нафардан ортиқ мутахассислари қайта тайёрлов курсларида ўқитилди, бу эса болалар муассасаларининг кадрлар салоҳиятини сезиларли даражада кучайтириди ва мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя килиш тизимини фаол жадаллаштириш учун асос яратди.

Янги ижтимоий хизматларни ривожлантириш орқали кўрсатила-диган хизматлар сифатини яхшилаш.

Болаларга ва оиласарга ёрдам кўрсатишга йўналтиришган этилган янги хизматларни ривожлантириш **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази** фаолиятининг бошқа муҳим йўналиши хисобланади. **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан** ҳамкорлик лойихалари доирасида «*Оила ва болаларни қўллаб-кувватлаш хизматлари*» очилди. Ушбу хизматлар 2007 йилда Тошкент шаҳрининг икки тумани ва Самарқанд шаҳар хокимлиги кошида ўз фаолиятини бошлади. Хизматлар фаолияти Gate keeping карорларини кабул килишнинг янги моделини рўёбга чиқаришга асосланган, у боланинг интигуционал муассасага келтирилиши ва оила бузилишининг олдини олиш мақсадида махаллий маъмуриятнинг барча ресурсларидан фойдаланиб, илк босқичларда оиласарни қўллаб-кувватлаш имконини беради. Ижтимоий ходимлар штати хизматлар, ижтимоий иш бўйича курсларда тахсил олган вояга етмаганлар ишлари бўйича хокимлик ва Комиссия ходимлари билан тўлдирилган.

Болани оиласа қайта интеграция қилишга қаратилган, унинг биологик оиласи билан ижтимоий иш олиб боришдан ташқари, ҳомийлар кўмагида тарбиялаш, фарзандликка олиш сингари болаларни бошпана билан таъминлашнинг муқобил шаклларини фаоллик билан ривожлантирумокда. **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази** ходимлари томонидан фостер оиласарни саралаб олиш мезонлари ишлаб чиқилди. Мазкур мезонлар фостер гамхўрлик ва фарзандликка олиш тизимида ижтимоий иш ҳалқаро амалиётини эътиборга олган холда тузилган. Вактинча ёки узок муддатга отоналари ғамхўрлигисиз қолган болалар учун қабул қилувчи оиласарга айланishi мумкин бўлган оиласарни аниқлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Мазкур босқичда оила ва болаларни ҳимоя килиш хизмати ходимлари томонидан фостер оиласарга ижтимоий ҳамроҳлик қилиш модели ишлаб чиқилмоқда.

Ўзининг самарадорлигини исботлаб, оила ва болаларни ҳимоя килиш хизмати фарзандли оиласарга нисбатан «кучли ижтимоий сиёsat» тамойилини амалга оширишда муҳим ресурсга айланмоқда. 2009 йилда Гулистон, Бухоро ва Андикон шаҳарлари бундай хизматлар ривожлантириладиган тажриба минтақалари бўлди.

«Ижтимоий химоя йили» Давлат дастурининг 14-банди асосида **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази** ҳузурида илк марта **Ахборот-консалтинг хизмати** ташкил этилди.

Ушбу хизмат заиф тоифага кирадиган болалар ва оиласаларга, болаларни ижтимоий химоя қилиш соҳасида фаолият кўрсатадиган ижтимоий институтлар ва мутахассисларга комплекс ёрдам бериш (ижтимоий-педагогик, дефектологик, логопедик, психологик, хуқукий, методик, ахборот-таълим, тиббий ва б.) учун мўлжалланган.

Хизмат республиканинг амалдаги миллий конунчилигига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ижтимоий бирлашмалар, ОАВ, ННТ ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўз фаолиятини ташкил этади.

Хизматнинг мақсадлари:

- барча заиф тоифага кирадиган болаларга комплекс амалий ёрдам кўрсатиш;
- болаларнинг юкорида санаб ўтилган тоифаларига хизматлар кўрсатишида инновацион ёндашувларни ишлаб чикиш ва жорий этиш;
- самарали ахборот-консалтинг хизматларининг илмий-методик асосларини яратиш;
- болаларни ижтимоий химоя қилиш тизими ходимларининг малакасини ошириш.

Хизматнинг асосий вазифалари:

- муассасалар ва ташкилотлар, химояга муҳтоҷ барча тоифадаги болаларни ижтимоий химоя қилиш тизими фаолиятини мувофикаштиришда ёрдам кўрсатиш;
- болаларнинг заиф гурӯхларини ижтимоий химоя қилиш тизимини мақбуллаштиришга каратилган илмий-тадқиқот ва илмий-методик лойиҳаларни амалга ошириш;
- ахборот-таҳлилий фаолият, болаларни ижтимоий химоя қилиш тизими тўғрисида маълумотлар базаси (электрон кутубхона)ни яратиш, ўрганилаётган масалалар бўйича аудио-видео-босма материаллар чоп этиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга комплекс хизматлар кўрсатиш;
- конференциялар ва семинарлар ташкил этиш, ўтказиш;
- болаларни ижтимоий химоя қилиш тизими учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Кўрсатиладиган амалий хизмат турлари:

- болаларнинг хуқуклари юридик ва жисмоний шахслар томонидан химоя қилиниши масалаларига доир маслаҳатлар бериш;
- болаларни ижтимоий химоя қилиш тизими муассасалари ва ташкилотларида кўчма маслаҳат берувчи семинарларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- ахборот хизматлари;
- барвакт аралашув хизмати;
- ташхис қўйиш, маслаҳат бериш ва тузатиш шаклида руҳий-педагогик ёрдам бериш;
- болаларни ижтимоий ҳимоя килиш тизими мутахассисларини тайёрлаш ва кайта тайёрлаш.

Амалий вазифалар

1. Ҳозирда Ўзбекистон давлатида ижтимоий ишнинг долзарблиги нималарда акс этади?
2. «Ижтимоий иш асослари» курсининг муҳим тушунчаларидаги ўзига хосликлар нималардан иборат?
3. Ижтимоий ишга эҳтиёж қандай, унинг аҳамияти нималарда кўзга ташланади?
4. Жаҳонда ва Ўзбекистонда ижтимоий иш қачон касбга айланган?
5. Ижтимоий ишнинг асосий тарихий даврларини айтиб беринг.
6. Америка ижтимоий ҳимоя тизимининг ўзига хослиги нималардан иборат?
7. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг Европа тизимидағи ўзига хосликлар нималардан иборат?
8. Хорижий мамлакатлардаги ва Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя қилиш тизимларининг қандай умумий ва ўзига хос жиҳатлари бор?
9. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳузуридаги Ахборот-консалтинг хизматининг асосий мақсадлари ва вазифалари нималардан иборат?

2-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ ИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ижтимоий иши қасбий фаолият тури сифатида. Ижтимоий иши фансифатида. Ижтимоий иши ўқув фани сифатида. Ижтимоий ишини институтлаштириши.

Ижтимоий иши бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий институт, ҳам қасбий фаолият тури, ҳам ижтимоий амалиёт тури ва амалий билимлар синтези, ҳам ўқув фани хисобланади. Ижтимоий ходим фаолияти ижтимоий иш назариясининг диккат марказида туради. У самарали бўлиши учун ижтимоий ходим инсоний муаммоларни тушуниб олиши, уларни ҳал қилиш технологияларига эга бўлиши керак. Ижтимоий ходим ижтимоий ишнинг асосий назарияси унинг предмети ва обьекти, тамойиллари ва методларини аниқ ажратади. Раҳмдилик, ҳамдардлик, жавобгарлик, инсонпарварлик, фуқаровий ва ижтимоий адолат туйғуси сингари маҳсус қасбга доир ва маънавий-аҳлоқий хусусиятлар унга хосдир.

Ижтимоий иш касбий фаолият тури сифатида. Исталган касб пухта умумий ва маҳсус тайёргарлик, тажриба орттириш натижасида инсон эришган бир қатор маҳсус билимларни ва муайян қўнималарни назарда тутади. «Касб» термини одатда кенг маънода ишлатилади: ишдаги касб, профессионал дурадгор, профессионал тарбияловчи, врачлик касби. Инглиз тили луғатларида касб (profession) юқори даражада техник ва интеллектуал чукур билимга эгалиги билан ифодаланадиган ўрта синф вакилларининг иши (occupation) сифатида келтирилади¹.

Профессионал фаолиятнинг иктисадий, сиёсий, хуқукий, илмий, техник турлари мавжуд. Ижтимоий иш фаолиятнинг анъанавий турларига тааллукли эмас. Ижтимоий иш фаолиятнинг асосий туридир. У ўзига хос бўлиб, аҳолининг турли катламларига ёрдам кўрсатишга каратилган.

Ижтимоий иш ўзига хос ижтимоий ходиса сифатида уч тур – касб, фан ва ўкув фани билан ифодаланади.

Касб сифатида у алоҳида шахсларга, кишилар гурухига ёрдам кўрсатиш орқали шахсий ва ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштиришга каратилган; фан сифатида у шахс хаётий фаолиятига, аниқ ижтимоий гурухга ёки жамиятга бевосита алокадор ижтимоий жараёнларни ва ижтимоий ходисаларни ўрганади. Ижтимоий иш ўкув фани сифатида кўп киррали хусусиятга эга ва турли типдаги ўкув юртларида ўқитилади.

Ижтимоий ходим касби ижтимоий йўналтирилган касаблар бўлган врач, психолог, педагог сингари бошқа ўхаш касблардан фарқ қиласидиган белгиларга эга. Ижтимоий ходим ва мижоз ўртасида ўзаро ҳамкорлик хусусиятнинг ўзи асосий фарқ қиласидиган хусусиятлардан бири ҳисобланади. Ёрдам берадиган бошқа касбларга хос бўлган субъектив-объектив муносабатлардан фарқли равишда постиндустриал жамиятнинг ижтимоий ишида ишончга асосланган субъект-субъект муносабатлари устунлик қиласиди. Бундай шароитда мижоз карор қабул килиш хуқукини ёки устунликни ўзида саклаб колади.

Ижтимоий ишнинг энг умумий таърифи – бу шахс, гурухлар ёки ҳамжамият хаётида ижобий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича профессионал фаолият. Буюк Британия ижтимоий ходимлари уюшмаси ижтимоий ишнинг қўйидаги таърифини берди: ижтимоий иш – бу уларга таъсир қиласидиган шахсий, ижтимоий ва вазиятга боғлиқ кийинчиликларни белгилашда кишиларга ва ҳамжамиятларга ёрдам берадиган масъулиятли касбий фаолиятдир.

2002 йил июлда Женевадаги Халқаро ижтимоий ходимлар Федерациясининг ҳар йиллик учрашувида қўйидаги таъриф қабул қилинди: ижтимоий иш касби ижтимоий ўзгаришларга, кишилар ўртасидаги муаммоларни ҳал қилишга, мобиллаштиришга ва индивидлар ва гурухларнинг хотиржамлигини кафолатлаш учун уларни сафарбар этиши ва озод қилишга ёрдам беради.

¹ Аберкомби Н. и др. Социологический словарь. – Казань: Изд-во Казан. Ун-та, 1997; Джери Д., Джери Дж. Большой толковый социологический словарь (Коллинз): В 2-х т. | Пер. с англ. – М.: Вече, АСТ, 1999.

Ижтимоий иш инсон хулқ-атвори ва ижтимоий тизимлар назариясини қўллаб, одамларнинг улар атрофидаги кишилар билан муносабатларига аралашади. Инсон хукуклари ва ижтимоий адолат тамойиллари ижтимоий иш учун асос хисобланади.

Ижтимоий иш қўллаб-қувватлаш, химоя килиш, тузатиш ва реабилитация килиш воситасида кийинчиликларни енгib ўтишда уларга ёрдам беради. Буташис кўйиш учун юборилган хукуқбузарликларни тузатиш ва назорат килиш билан боғлиқ патронаж, ижтимоий ёрдам, ижтимоий таъминот, ижтимоий таълим фаолиятидир.

Касбий фаолият сифатида ижтимоий иш уч соҳани ўз ичига камраб олади. Биринчидан, бу шахсий ва оиласий даражалардаги ижтимоий терапиядир. Иккинчидан, бу турли таснифдаги гурух билан олиб бориладиган ижтимоий фаолиятдир. Ва, учинчидан, бу жамоада, яшаш жойида олиб бориладиган ижтимоий фаолиятдир.

Индивидни ижтимоий мослаштириш ва ҳаётга қайта тайёрлаш, унинг ҳаётида рўй берәётган низоларни ҳал қилиш якка тартибда ишлашнинг асосий максади хисобланади. Мисол учун, оиласада боланинг жисмоний ва руҳий камолоти ота-оналарнинг ижтимоий-маданий ва моддий мақомига, уларнинг болаларга кераклича эътибор беришга кодирлиги ёки қодир эмаслигига, мазкур оила қаерда яшашига, таълим ресурсларининг қулайлигига боғлиқ. Барча санаб ўтилган холатларда конунларда мустаҳкамланган кондалардан фойдаланиш учун уларнинг ота-оналарига ҳам малакали ёрдамчиларнинг кўмаги зарур. Ижтимоий иш эълон қилинган хукукларни амалиётга татбик қилиниши учун керак бўлган ижтимоий механизм хисобланади. Ижтимоий ходим кийинчиликларни аниклаши, мижозни қўллаб-қувватлашга қратилган ижтимоий ресурслар манбаларига мурожаат қилишда оиласа ва индивидга ёрдам бериши мумкин.

Ижтимоий ёрдам ва кўмак зарур бўлган гурухлар ёшига қараб болалар, ёшлар, кекса фукароларга таснифланиши мумкин. Бошқа тасниф гендер, маданий ёки ўхшаш муаммолар бўйича амалга оширилади, яъни диний гурухлар, ёлғиз ота-оналар, ёлғиз оналар бирлашмаси, собик алкоголиклар ёки гиёхвандлар гурухлари. Кўпинча ижтимоий ходимлар ижтимоий иллатга айланган ёки хатто жиноий хусусиятга эга бўлган гурухлар – болалар ёки ўсмиirlар жиноятчилиги, дарбадарлик, уюшган фохишабозлик, аксилижтимоий йўналишли гурухлар билан ишлашига тўғри келади.

Яшаш жойи бўйича ва жамоаларда фаолият олиб бориш ижтимоий ходим фаолиятининг мухим соҳаси хисобланади. У одамлар зич бўлиб яшайдиган жойларда ижтимоий хизматлар тармоғини кенгайтиришга, ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлашга, қулай ижтимоий-руҳий иклим яратишга, шунингдек, турли маҳаллий ташабbusлар, ўзаро ёрдам берувчи гурухларни ташкил этишга қаратилган. Бу соҳада Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий ташкилоти – маҳалланинг улкан салоҳиятидан ва имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий иш турли-туман кўринишларга эга. Кўп сонли касбий гурухларни, масалан, бошқарув даражасидаги ижтимоий соҳа ходимларини, оила, бола тарбияси ва камолоти билан шуғулланадиган мутахассисларни улар орасидан ажратиб кўрсатиш мумкин. Сўнгра бу – шахс ва гурух билан психотерапевтик ва психологик методларда ишлашга ихтинослашган ижтимоий ходимлар; ижтимоий хизматлар ва агентликлар, етимхоналар, интернатлар ходимлари; тиббий муассасалар тизимидағи, ижтимоий ходимлар; ногиронлар билан ишлайдиган мутахассислар. Ва бу ижтимоий ходимлар касбий фаолияти турларининг тўлиқ рўйхати эмас, уни яна давом эттириш мумкин.

Шундай килиб, ижтимоий ишнинг мазмун-моҳиятини индивидлар, оиласлар, гурухларнинг ижтимоий хуқуқларини рўёбга чиқаришда ва тўлақонли ижтимоий фаолият кўрсатишга тўскинилк киладиган жисмоний, руҳий, интеллектуал, ижтимоий ва бошқа қийинчиликларни ҳал қилишда уларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият сифатида таърифлаш мумкин. Ижтимоий ишнинг мазмун-моҳиятини фаолиятнинг ўзига хос тури, инсон ҳаётининг маданий, ижтимоий ва моддий даражасини таъминлаш максадида унга давлат томонидан ва нодавлат кўмак бериш, инсонга, оиласга ёки шахслар гурухига якка тартибда ёрдам бериш сифатида таърифлаш мумкин¹.

Турли мамлакатларда ижтимоий ходимларни иш билан таъминлаш соҳасига турлича ёндашувлар мавжуд. Бир катор мамлакатларда, масалан, Швецияда – бу касб ижтимоий ҳимоя ва соғликни саклашни бирлаштирадиган соҳага тааллукли. Ирландияда эса ижтимоий ходимлар (social workers) соғликни саклаш тизимиға мансуб. Улар касалхоналарда, тураг жойларидағи саломатлик марказларида ишлайди, кишиларни руҳий қўллаб-кувватлайди. Ижтимоий таъминот соҳасида одамларга ёрдам берувчилар (welfare workers) ижтимоий ҳимоя килиш соҳасида ишлайди. Бундан ташқари, Ирландияда ёшлар билан ишлайдиган мутахассислар (youth workers) мавжуд.

Ушбу мутахассислар, у ёки бу даражада бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, кўнгиллиларни ва турли хукуматга карашли бўлмаган ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этади. АҚШда ижтимоий ходим ижтимоий хизматлар бўлимларидан ташқари тиббиёт муассасаларида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Мижозни ҳам даволаш жарабёнида, ҳам уйига қайтаришга тайёрлашда етарлича тиббий ва руҳий қўллаб-кувватлаш унинг вазифаси хисобланади. Россияда ижтимоий ходимлар ижтимоий таъминот, таълим (ижтимоий педагоглар), иш билан таъминлаш хизмати, армияда фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам ижтимоий ходимлар шунга ўхшаш соҳаларда фаолият олиб боради.

Молиялаштириш манбаи ижтимоий иш дастурларидаги асосий тафовутлардан биридир. Ушбу тамойил бўйича дастурни иккита шаклга ажратиш мумкин. Булар соликлар хисобига фаолият кўрсатадиган давлат шакли ҳамда ва ихтиёрий хайр-эҳсонларга асосланган хусусий шакл. Бироқ кўпчилик хусусий хизматлар давлат қарзисиз фаолият кўрсата олмайди. Фарbdаги

¹ Словарь-справочник по социальной работе. – М.: Юристъ, 1997. – С. 324.

кўплаб хусусий агентниклар давлат институтлари томонидан бериладиган пуллар, гонорарлар, хизматлар эвазига тушадиган пуллар, черков улушлари ва бошқа омонатлар, мерос қилингандай пуллар, йиллик ренталар, омонатлар фоизлари сингари молиялаштиришнинг турларини биректириш хисобига фаолият олиб боради.

Ижтимоий дастурларнинг давлат томонидан кўллаб-куватланиши нормал ходиса. Жамиятнинг бир қисми бўлган ижтимоий муассасалар унинг кўмаги-сиз унумли ва самарали фаолият кўрсата олмайди. Ижтимоий муаммолар жамият ҳаётий фаолиятининг натижасидир, уларни хал килиш, сарф-харажатларни коплаш керак.

Ижтимоий иш фан сифатида. Ижтимоий иш назарияси жамият, инсон маданияти ва ижтимоий муаммолар тўғрисидаги илмий билимнинг умумий соҳасига тааллукли. У инсон фаолиятининг ижтимоий соҳасини ўз ичига олади, у тўғрисида объектив билимлар ишлаб чиқилишига кўмаклашади. Унинг доимий ривожланиб бориши назария сифатида ижтимоий ишнинг ўзига хос хусусияти хисобланади. Янги фаннинг карор топиши жамиятнинг ижтимоий тараққиёти ва жамият тараққиётининг янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий боскичида шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасидаги илмий-назарий тадқикотларга эҳтиёж пайдо бўлишига кўмаклашди.

Ўзининг негизида ижтимоий (жамоатчилик) фан хисобланган ижтимоий иш техник ва табиий фанлар билан узвий боғлиқ. Унинг доирасида ўтказиладиган тадқикотлар кўпинча социология ва антропология, тиббиёт ва психология, фалсафа ва педагогика, хуқуқшунослик ва сиёсатшунослик, иқтисодиёт ва диншунослик билан назарий ва методик муносабатда бўлиб, фанлараро боғликлек хусусиятига эга.

Илмий билишнинг исталган соҳасида бўлганидек, ижтимоий ишда унинг мафкуравий аппарати асосини ташкил этадиган мухим тушунча – категориялар мавжуд. Бошқа ижтимоий фанлар билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий иш кенг, бирок ижтимоий иш таъсири остида уларнинг категориялии аппаратидан фойдаланади. Ижтимоий муносабатлар, ижтимоий муаммо ва ижтимоий хавф-хатар, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий фаолият, ижтимоийлашув, ижтимоий вазият ва ижтимоий саломатлик, руҳий-ижтимоий фаолият, оиласи мажаро, ижтимоий мақом ва ижтимоий ёш сингари тушунчалар унга тааллуклидир.

Шу билан бирга, ижтимоий иш ўзининг хусусий тоифаларига эга. Булар: ижтимоий иш ва ижтимоий ходим, ижтимоий терапия ва ижтимоий коррекция, ижтимоий иш мижози, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, мақсадли ижтимоий ёрдам ва ижтимоий кўллаб-куватлаш, ижтимоий химоя ва ижтимоий реабилитация.

Ижтимоий саломатлик тушунчаси ижтимоий иш назариясининг асосий категорияларидан бири хисобланади, ижтимоий гурухлар, социум, оила, индивид унинг субъекти ҳисобланади. Ижтимоий саломатликни ижтимоий мақом, фаровонлик, қулайлик ва хавфсизлик меъёри билан боғлашади. Чунки

ижтимоий маком рухий, иктисолий, оилавий, касбий ва бошқа макомли мезонларни ўз ичига олса, ижтимоий саломатлик хам кўп омилли тизим хисобланади, унинг таҳлили фанлараро хусусиятга эга. Соционопатология тушунчаси ижтимоий саломатликнинг акси хисобланади, яъни ижтимоий касалликлар, қашшоқлик, очлик, ишсизлик, муросасизлик, зўравонлик, маргиналлик ва чегарарадаги вазиятлар.

Ижтимоий ишнинг конунийлиги ижтимоий иш назариясининг муҳим элементи хисобланади. Ҳозирги вактда МДХ мамлакатларида ижтимоий ишни илм-фан сифатида шакллантириш ва баён этишининг умумэътироф этилган меъёрлари хали яратилмаган, унинг илмий аппарати карор топиш ва расмийлашиш босқичида турибди. Бирок ҳозирданок илм-фан ижтимоий ишдаги ходисалар ва жараёнлар мазмун-моҳияти ўртасида мустахкам, тақрорланадиган, холисона такозо этиладиган алоқаларни акс эттирадиган конунийликни тадқик килмоқда, деб айтиш мумкин.

Махсус адабиётда ижтимоий иш конунийлигини уч гурухга бўлиш таклиф этилади: 1) ижтимоий иш – одамларнинг эҳтиёжига, аник вазият талабига, кишиларнинг ижтимоий саломатлиги сакланиши ва реабилитациясига қўмаклашадиган, ижтимоий муносабатларнинг янгиланишига мувофик жамиятда юз берадиган жараёнларга таъсир қиласидаган ўзига хос фаолият тури; 2) индивиднинг шаклланиши ижтимоий ластурга қўра юз беради – ижтимоий мухитнинг таъсири остида ва индивиднинг ўзини ўзи камол топтиришида муайян фаоллиги шароитида юз беради; 3) ижтимоий хизматларни шакллантириш ва истеъмол килиш манбалари жамият эҳтиёжи билан изохланади ва унинг камолоти тенденцияларини акс эттиради.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати билан жамиятдаги ижтимоий ишнинг мазмун-моҳияти ўртасидаги ўзаро алоқа асосий конуният сифатида ажратиб олинади. Каебий фаолият сифатида ижтимоий ишнинг шаклланиши ижтимоий сиёсатни ахолининг катта гурухлари, синфлар, ҳаражатлардан қийналиб хаёт кечираётган индивидга, оиласа ёрдам беринига йўналтириши билан боғлиқ.

Ушбу конуният муносабати билан ижтимоий ривожланиш максадлари билан ижтимоий иш даражаси ўртасида ўзаро алоқа юзага келади. Кўрсатиб ўтилган максадлар асос бўлувчи давлат ҳужжатларида, ижтимоий хизматлар фаолиятида шаклланади. Бу эса ушбу ривожланишининг йўналтирилганлигидан далолат беради.

Ижтимоий ишнинг ижтимоий сиёсат, ижтимоий жараёнлар билан нисбатини тадқик килиш, шунингдек, шахснинг муқобил камол топиши учун жамиятнинг масъулнити билан боғлиқ муаммолар ижтимоий иш муаммолари сирасига киради.

Куйидагилар илмий фан сифатида ижтимоий ишнинг маҳсус муаммолари хисобланади: ижтимоий иш тузилмасида мотивация, девиация, деликвенция, депривация, аномия ва нотипик ривожланиш, ижтимоий ишнинг муаммолари, омиллари ва хавф-хатар гурухлари, можароси, йўналишлари ва концепцияси, ўз жонига касд килиш, жамоада ишлаш, ижтимоий иш методлари ва

технологияларининг ўзаро муносабати, ижтимоий иш одоб-ахлохи, ижтимоий коррекция, ижтимоий терапия.

Ижтимоий иш методологияси профессионал жиҳатдан таъсир этиш предметини, обьектни ўрганишини назарда тутади. Бунда мижоздан ташқари, ижтимоий ходим ҳам иштирок этади, шунингдек унинг доирасида ижтимоий ходим ва мижоз ўзаро муносабатда бўладиган ижтимоий контекстни, ижтимоий иш тузилмасини ва тармок фаолияти тамойилларини ўрганишини назарда тутади¹.

Ижтимоий саломатликни тиклаш, мақомни барқарорлаштириш, имкониятлар ва ресурслар намоён бўлиши шартларини ўзгартириш, мижознинг ўзини ўзи назорат килиш даражасини, муаммоларни мустакил равишда ҳал килиш кобилиятини ошириш, ўз кадр-киммати туйғусини тиклаш ва ўзини ўзи хурмат килишига эришиш ижтимоий иш методологиясининг максади хисобланади.

Ижтимоий иш ўқув фани сифатида. Ижтимоий ишни ўқитиш жараёни турли мамлакатларда бир-биридан кескин фарқ килиши мумкин бўлган таълимнинг миллий тизимлари ўзига хослигини акс эгтиради. Ижтимоий ходимларни ўқитиш ишида барча тафсилотлари бўйича ягона намуна йўқ. Бироқ аниқ бир социумда қийин хаётий вазиятга тушиб колган кишига маҳсус билимларсиз малакали ёрдам кўрсатиш мушкул эканлигини тушуниш мавжуд. Ижтимоий иш кўникмаларига ўқитиш бўлғуси мутахассисларни ижтимоий жарабёнларнинг илмий таҳлили ва ижтимоий-сиёсий вазият таҳлили методологияси билан куроллантириш имконини берибина колмай, балки муқобил ҳолат ёки хулқ-атвор ташқарисидаги, жамият нормаларидан ташқаридаги гурухни ёки алоҳида шахсни ундан ажратиб олиш имконини хам беради.

Ижтимоий иш ўқув фани сифатида ўқув мақсадларини кўзлаб илм-фан асосларини ўқув юрти мутахассислигига татбикан тизимлаштириб баён килишини ўзида ифода этади. Ижтимоий ишга ўқитилаётан талабалар ижтимоий ходим билан мижоз, эҳтиёжманд одамлар билан жамият ўргасидаги воситачиликни таъминлайдиган турли назарий билимлар ва технологияларни эгаллаб олишлари лозим бўлади.

Ушбу соҳадаги таълим тизими ўзида назарий ва амалий қисмларнинг ўйғунлигини ифода этиши керак. Ижтимоий иш бўйича мутахассис тайёрлашнинг асосий талабларига мувофик бўлган билимларни эгаллаш, амалий кўникма ва малака ортириш таълимнинг асосий мақсади хисобланади. Университетда базавий тайёргарликдан ўтган тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотли мутахассис ижтимоий иш бўйича мутахассис хисобланади.

Фарб мамлакатларида ижтимоий иш соҳасида мутахассислар тайёрлашга мавжуд ёндашувларнинг кўпчилиги бундай иш, масалан, диний ва дунёвий асосларни, васийлик ва хайрияни бирга кўшиб олиб боришни, давлат хизматлари ёки хусусий ижтимоий хизматлар устуворлигини ўз ичига

¹ Социальная работа. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. С. 81–82.

оладиган ижтимоий-мадданий анъаналар ва тарихий шарт-шаронитларнинг ўзига хослигига мувофик ташкил этилишини кўрсатади. Бундай тайёрлаш изчили, максал ва ваколатлар соҳаси аник белгиланган холда турли шаклларда (курслар, коллажлар, университетлар) ва турли босқичларда амалга оширилади.

АҚШда ижтимоий ходимларни тайёрлаш уч босқичда амалга оширилади. Ўзларини ижтимоий ходимлар деб атайдиган ходимларнинг кўпчилиги ёки бакалавр дипломига эга бўлган ижтимоий ишга ихтиесослашган тўрт йил ўқитиладиган университет дипломига ёки ижтимоий иш бўйича мастер дипломига эга. Бакалавр дипломига эга бўлган битирувчи универсал мутахассисега айланади – у ижтимоий муаммоларнинг кенг кўлами билан ишлайди. Мастер (магистр) даражаси бакалавр дастури бўйича тўрт йиллик дастлабки университет таълимидан кейин, икки йиллик амалий тайёргарлик, маъруза ўкини ва тажриба ишлардан кейин берилади. Бундан ташкари, мастер ёки магистр даражаси индивидлар ёки гурухлар билан клиник ишланида чукурлаштирилган ихтиесослашганликни, микрорайон хаётини ташкил этишни, ижтимоий сиёсатни шакллантиришни, менежментни, супервайзерликни, яъни ижтимоий иш ёки ўқитиш самаралорлигини назорат килишни назарда тутади.

Докторлик даражаси мастер даражасини олгандан кейин икки йил тайёргарликни талаб килади. Колумбия ва Вашингтон университетлари бунга мисол бўлиши мумкин. Ушбу университетларда ижтимоий ходимлар магистратурада ўқитилади. Ҳар йили икки нафар ўзбекистонлик талаба Social Work Fellowship дастури бўйича тўрт йил давомида магистратурада ўкиши эътиборлидир. Ўқитиш давомида амалий ишга асосий ургу берилади. Ўкув хафтасининг икки куни олий ўкув юртига тўғри келади, қолган уч тўлик кун ижтимоий агентликлардаги амалиётта ажратилади. Бундан ташкари, ҳар хил мутахассисликлар бўйича илғор курслар, шунингдек, маҳаллий коллажларда техник (ёрдамчи) ходим тайёрлаш бўйича икки йиллик дастур мавжуд.

Куйидагилар АҚШда ижтимоий иш соҳасидаги таълимнинг асосий тамойиллари хисобланади: мижознинг ўз тақдирини ўзи белгилишини хурмат килиши, ҳар бир мижознинг кадр-киммати ва кадрлилигига ишониш, мижознинг табиий кобилияларини тасдиқлаш, мижозни унинг ўзига хослиига ва ноёблигига ишонтириш, мижозларга ўз камолоти ва инсон сифатида ўзини ўзи рӯёбга чиқариши (даромад, таълим ва хоказолар) учун курашиш имконини берадиган шарт-шаронитларни химоя килиш, мижозга ўзининг ижобий саъй-харакатларини аниқлаш ва йўналтириш имконини берадиган ўзгаришларга кандай кўмаклашишини тушуниш, унга ёрдам бериш учун мижознинг атрофидагилардан фойдаланиш.

Ижтимоий ходим мижоз билан якка гартибда иш олиб боришга (гиёхванд моддалар кабул килиш, депрессия, алкоголизм) эътиборни қаратиш ўрнига уни мухитнинг устунлик китувчи маданияти, карашлари ва сиёсий кадрият-

лари билан бирга кўриши керак¹. Дастурлар ва курсларнинг турли-туманлиги айнан мана шунга хизмат килади.

Масалан Японияда ҳам кўилаб дастурлар мавжуд. Булар: маҳаллий колледжа икки йиллик таълим, коллеж ёки университетда тўрт йиллик машғулотлар ва университетда икки йиллик аспирантура.

Европада университетда бериладиган таълим билан бирга ҳукумат, диний, дунёвий ва сиёсий ташкилотлар раҳнамолигидаги ижтимоий иш ўкув юртлари кенг тарқалган модель хисобланади. Ижтимоий иш соҳасида мутахассисларни ўқитишининг Еврона модели Америка моделидан жiddий фарқ килади. Бу ўкув ва амалиётда тарихан шаклланган анъаналар билан изохланади. Ижтимоий ходимларни қасбга тайёрлашнинг илк дастурлари даствлаб Амстердамда, сўнгра Берлин ва Лондонда пайдо бўлди. Ижтимоий иш карор топишсида етакчилик роли черковга, шунингдек, бир неча ўн йиллаб фаолият олиб борган ҳар хил филантропик ташкилотларга тегишли эди. Бундан ташкири, Европада қадимий университетлар оркали қасбга тайёрлаш тизими аллакачон юзага келган эди.

Яқин вактиларгача ижтимоий иш мактаблари Европа китъасида ҳукумат, диний, дунёвий ва сиёсий ташкилотлар василигидаги хусусий ўкув юртлари сифатида фаолият олиб борар эди. Бу ҳозир ҳам Австрия, Бельгия, Дания, Франция, Греция, Италия, Нидерландия, Норвегия, Португалия ва Швейцариядаги тарқалган модель хисобланади. Гарчи ижтимоий иш мактаблари ушбу мамлакатларда олий таълим доирасида мавжуд бўлса-да ва кўпинча кабул килинча университетлардаги каби шартлар талаб килинса-да, уларни тенглаштириб бўлмайди. Уч-тўрт йил давом этадиган ўқитиши тор техник, ихтиослашган тайёргарлик деб аталади. Университетлар эса кенг гуманитар таълим беради.

Буюк Британиядаги ҳам ижтимоий ходимлар тайёрлаш турли усуулда олиб борилади. Университетларда, политехникумларда ва илгор таълим тизимига эга бўлган колледжларда таълим берилади. Замонавий дастурлар тўрт йиллик бакалавриат курсларини, йиллик аспирантурани, битирувчилар учун икки йиллик курсни, университетни битирмаган шахслар учун икки йиллик ва тўрт йиллик курсларни назарда тутади. Битирувчиларга малака даражалари, дипломлар ва сертификатлар берилади.

Россияда олий ва ўрта маҳсус билим юртлари учун ижтимоий ходим мутахассислиги 1991 йилдан бошлаб беш-олтида олий ўкув юртларида танлов асосида жорий этилди. Киска даврда ижтимоий ходимлар тайёрлайдиган олий ўкув юртлари тармоғи кенгайди – энди уларнинг сони Россияда етмишдан ортикни ташкия этади. Яна ўнга ўрта маҳсус ўкув юртида ижтимоий иш бўйича мутахассис тайёрланади. Умуман мамлакат бўйича ижтимоий ходимлар тайёрлашнинг бир нечта даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин.

¹ Русин Т. Профессия социального работника. Гендерный калейдоскоп китоби. М.: Академия. - С. 513.

Булар:

- курслар, мактаблар, лицейларда курсни ўқитиши ёки касб-хунарли бўлгунча тайёргарлик. Ўрта маълумотли битирувчилар беморлар, кариялар, ёлғиз кишиларга хизмат кўрсатиш бўлимларининг ижтимоий ходимлари сафини тўлдиради;
- ўрта маҳсус ўкув юртларида ўқитиши. Уларни тамомлагач, беморлар, ёлғиз кишилар, кексаларга хизмат кўрсатиш бўлимлари бригадирлари, ижтимоий педагоглар бўлиб ишлаш мумкин;
- университетлар, академиялар, соҳа олий ўкув юртларида (педагогик, тиббий) кундузги, кечки ва сиртки бўлимларда (ўқиши муддати уч йилдан олти йилгача), факультетларда (олий маълумотлилар бир йилдан уч йилгача ўқитилади) ўқитиши.

Профессионал олий таълимга келсак, ушбу мамлакатда уч боскич ажралиб туради. Булар: бакалаврлар (4 йил), мутахассислар (5 йил) ва магистрлар (6 йил) тайёрлаш. Ижтимоий ходимнинг профессионал макоми расман тасдиқлангандан кейинги киска даврда Россияда олий таълим тизимида ижтимоий соҳа учун, шу жумладан, ижтимоий соҳа органлари ва муассасалари учун кадрлар тайёрлаш билан шуғулланадиган ихтисослашган университетлар, академиялар, институтлар, коллежлар тармоғи кенгайиб бориши кузатилмокда.

Йигирманчи йилларда ташкил этилган Халқаро ижтимоий фаолият ўюшмаси (LASSW) ўқитиши ишида муҳим ташкилий ўринн тутади. Ижтимоий ишга ўқитиши миллий дастурларига эксперт баҳо бериш унинг функцияларидан бири хисобланади. Унинг хузурида ташкил этилган ижтимоий иш мактаби халқаро кўмитаси (ILSSW) БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан яқин ҳамкорлик килади. ХМТ Женевада ижтимоий ишга ўқитишига таалукли барча хужжатларни сақлайдиган маълумотнома-ахборот марказига эга.

Бозор иктисолиётнига асосланган давлатларнинг жаҳон тажрибаси аҳолини ижтимоий ҳимоя киладиган маҳсус ва ижтимоий тузилмаларсиз, аҳолининг алоҳида гурухларига ва катламларига ижтимоий ёрдам беришнинг аниқ амал киладиган механизмисиз демократик, ҳуқуқий давлатни шакллантириш мумкин эмаслигидан далолат беради. Айнан шу сабабли бир неча мамлакатларда ижтимоий муаммолар нафақат ижтимоий иш назариялари ва мактаблари доирасида, балки амалий социология, ижтимоий психология, иктисолий социология, ижтимоий мухандислик, ижтимоий педагогика воситалари доирасида ҳам фаол ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда «Ижтимоий иш» йўналиши «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»га киритилган. 2004 йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида, 2005 йилдан бошлаб эса Самарқанд ва Фарғона давлат университетларида «ижтимоий иш» йўналиши бўйича юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш бошланди.

Давлат таълим стандартига мувофик таълим фанлари даврлари белгиланади, ҳар бир талаба олий таълимнинг биринчи боскичида (бакалавриат) уларни ўрганиши керак.

Булар куйидаги фанлардир: гуманитар ва ижтимоий-иктисодий, математик ва табиий, умумкасбий маҳсус фанлар.

Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блоки миллий мустакиллик ғояси ва демократия мағкурасини, илмий дунёкарашни, юксак маънавият ва маданиятни, демократик, хукукий тафаккурни шакллантиради; соғлом турмуш тарзи, одамнинг одамга, жамиятга, атроф мухитга муносабатини тартибга соладиган ахлокий ва хукукий нормалар тўғрисида тўлиқ тасаввур беради.

Математика ва табиий илмий фанлар блоки бўйича кўйиладиган талаблар математик таҳлил асосларини, социология ва ижтимоий ишдаги энг оддий тизимлар ва жараёнларнинг математик моделларини, ҳисоблаш техникаси имкониятларини дастурлаштириш ва улардан фойдаланиш технологиясини, табиатдаги динамик ва статистик конуниятлар, билишдаги эмпирик ва назарий билимлар нисбати, табиатни асрарининг экологик тамоилиларини эгаллаб олишни назарда тутади.

Умумкасбий фанлар цикли бўйича бакалавр куйидагиларни билиши керак:

- ҳар хил ижтимоий мухитда ижтимоий иш хусусияти;
- фаолиятнинг мамлакатимиз ва хориждаги илғор тажрибаси;
- асосий руҳий функциялар ва уларнинг физиологик механизмлари;
- ижтимоийлашув жараёнида шахсни шакллантириш омиллари, ижтимоий хулқ-атвор, ижтимоий умумийликлар, ижтимоий гурухларни тартибга солишнинг асосий конуниятлари ва шакллари;
- педагогик фаолият шакллари, воситалари, методлари;
- тарбиявий ишлар шакллари ва методлари;
- оналиқ ва болаликни муҳофаза килишни, вояга етмаганлар, пенсионерлар, ногиронларнинг хукуқларини тартибга солувчи оила, меҳнат, уй-жой конунчилиги нормалари;
- жиноят, хукукий ва фуқаролик хукуклари асослари;
- васийлик, ҳомийлик, фарзандликка олиш, ота-оналиқ хукукларидан маҳрум килиш, маҳсус ўқув-тарбия муассасаларига йўллашни ташкил этиш тартиби;
- тиббий-ижтимоий ишларни, санитария маърифатини ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб килиш;
- бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш методлари.

Маҳсус фанлар цикли бўйича бакалавр ижтимоий ишнинг торрок йўналишларидағи илмий тадқиқотлар методларини билиши керак.

Ўқитиши жараёнида ижтимоий ишнинг бўлғуси мутахassisларини амалда тайёрлашга алоҳида эътибор каратилади. Биринчи курсдан бошлаб талаба танишув, ўқув, ишлаб чиқариш ва диплом олишдан олдинги амалиётни ўташи керак. Ҳозирги вактда Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада талабалар амалиё-

тини ўтказишнинг янги модели ишлаб чиқилган ва ўқитиш тизимиға татбик этилган¹.

Умуман олганда, ижтимоий иш бўйича мутахассис назарий билим олиб ва амалий кўниkmага эга бўлиб, ижтимоий иш соҳасида ташкилий-бошкарув, илмий-педагогик ва амалий иш олиб бора олиши керак.

Ижтимоий иш назариясини ўқув фани сифатида такомиллаштириш ва ривожлантириш унинг хаёт ва амалиёт билан алоқасини мустахкамлаш демакдир.

Ўзбекистонда «Болалар манфаатловини таъминлаш» дастури мамлакатда ижтимоий ишнинг академик ривожланишига фаол кўмаклашди.

Жумладан, 2005–2007 йилларда ижтимоий ишни ривожлантириш лойиҳалари доирасида Тошкент давлат маданият институти, Ўзбекистон Миллий университети, Самарканд ва Фарғона давлат университетлари ўқитувчилари ижтимоий иш бўйича тренингларда таҳсил олди ва уларга ўқитиш методлари бўйича таълим берилди.

2007 йилда кенг кўламли тадбир – Ўзбекистон Республикасида илк марта ижтимоий ишга кайта тайёрлаш курсларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши икки йиллик тайёрлов якуни бўлди. Курслар Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ва Ўзбекистондаги UNICEF кўмагида Ижтимоий иш бўйича миллий жамоа томонидан Тошкент давлат маданият институтининг малака ошириш факультети базасида ўтказилди².

Болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимиға киритилган хизматлар ва ташкилотларнинг кадрлар салоҳиятини яхшилаш кайта тайёрлаш курслари нинг мақсади хисобланади. «Ижтимоий иш» касбининг ривожланиши ва ижтимоий ходимлар сонининг кўпайиши Ўзбекистон Республикасида болаларни ижтимоий химоя қилиш соҳасида ўтказиладиган асосий ислоҳотларни амалга ошириш ва ночор ёки кийин ахволда колган болалар ва оиласарнинг ҳолатини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради³.

Ижтимоий ишни институтлаштириши. Ижтимоий ишни институтлаштириш деганда кенг маънода жамиятда янги ижтимоий институт шаклланиши жараёнини тушунмок керак. Ижтимоий ишни институтлаштириш жамиятни ислоҳ қилишга, инсонпарварлик анъаналарини саклаб қолишга, маънавият-

¹ Бекмуров М.Б. Олий маълумотли ижтимоий ходимларни тайёрлашда таълим муассасаларининг роли / «Болаларни ижтимоий кўллаб-кувватлаш шаклларини ривожлантиришда инклузив таълим ва замонавий тенденциялар» Халқаро форуми материаллари. 2008 йил 28–29 октябрь. – Тошкент: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2008. – 125–126-бет.

² Ким Л. Болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимида кадрлар масалаларини хал қилиш йўлида «Болаларни ижтимоий кўллаб-кувватлаш шаклларини ривожлантиришда инклузив таълим ва замонавий тенденциялар» Халқаро форуми материаллари. 2008 йил 28–29 октябрь.

– Тошкент: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2008. – 139-б.

³ Ўша жойда. – 143-бет.

нинг тикланишига асосланган. Ижтимоий ишни институтлаштириш – демократик ривожланишнинг мажбурий кисми, унинг қайта тузилиши, ижтимоий муносабатларни инсонпарварлаштириш, бутун аҳолининг ижтимоий саломатлигини тиклашдир.

Ижтимоий ишни ижтимоий институтнинг алоҳида типига айлантириш жамиятнинг тарихий ривожланиши, унинг ижтимоий тузилмаси ва ижтимоий кичик тизим функциялари ўзгариши билан изохланади.

Уруғ-аймоқчилик муносабатлари хукмонлик қилган даврда ижтимоий муносабатлар диний маросим хусусиятига эга ёди. Анъанавий маданият жамият аъзоларидан уруг жамоаси нормалари ва қадриятларига мувофик ижтимоий тартибни саклашга қаратилган сайй-харакатларни талаб қиласди. Жамиятнинг кейинги тараққиётида ижтимоийлашув ва ижтимоий қўллаб-куватлаш функцияларини оила, маҳсус институтлар, шу жумладан, ижтимоий иш институти ўз зиммасига олади¹.

Ижтимоий ҳаётнинг тубдан ўзгариши натижасида маданий феноменларнинг конуний ўзгариши юз беради. Айнан мана шу ижтимоий ишнинг ҳаётга тўлиқ мослаша олмаган одамларга оқилона ва максадли ёрдам бериш билан боғлиқ қасб сифатида пайдо бўлиши билан изохланади. Боз устига мазкур иш нафакат эҳтиёжмандларнинг моддий фаровонлигини яхшилашга, яъни хайрия тадбирларини ўтказишга, балки одамларнинг ижтимоий иштироки соҳасини кенгайтиришга, уларнинг фаол ижтимоийлашувига ва ўзгариб бораётган турмуш шаронтларига мослашишига йўналитирилган. Шундай қилиб, ҳозирги замон ижтимоий ишини умуман олганда жамиятнинг мослашмаган аъзоларини жамият ҳаётида иштирок этишга жалб этиб, уларни ижтимоийлаштириш нұктан назаридан маданий ваколатли фуқароларнинг оқилона альтруизми сифатида ифодалаш мумкин².

Ижтимоий иш институтига фаолиятнинг икки асосий йўналишини назарда тутадиган кенг ижтимоий-маданий нұктан назардан караш зарур. Биринчи йўналиш ижтимоий таъминотга, жамиятнинг эҳтиёжманд аъзоларига молиявий ва моддий ёрдам кўрсатишга асосланган. Иккинчи йўналиш – ижтимоий-маданий хусусиятга эга бўлган муаммоларни ёки соғлик билан боғлиқ муаммоларни хал қилишда муҳтож одамларга ёрдам кўрсатишга асосланган. Нима бўлганда ҳам қўйилган максадларни рўёбга чиқаришнинг ижтимоий самарадорлиги жамиятда ижтимоий ходимнинг институционал макомига боғлиқ. Ижтимоий ходим қўпинча давлат, жамоат макомига ва аралаш макомга эга бўлиши мумкин. Давлат макоми жамиятнинг ёрдамга ва давлат томонидан ажратиладиган ресурсларга муҳтож бўлган аъзоларининг муайян сони устидан марказлаштирилган тартибда назорат қилиш имкониятини назарда тутади.

¹ Социальная работа: методология, теория, технология: Учебное пособие: В 2-х ч. Ч. 1. – Саратов: Изд-во Новолжского межрегионального учебного центра, 1998. – С.12.

² Теория социальной работы. – М.: Юристъ, 1998. – С. 193.

Кўрсатиладиган хизматлар сифати нуктаи назаридан эҳтиёжмандларга ёрдам берадиган жамоат ташкилотлари анча кўп. Бу ҳолатда шунчаки молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилибгина колмай, балки эҳтиёжмандлар ижтимоийлаштирилади, мослаштириш, жамият ҳаётига жалб қилиш йўллари изланади. Давлат тузилмалари бош ролни ўйнайдиган вариантдан фаркли равишда бу ўринда маҳаллий ҳамжамиятларнинг маргинал гурухлари устидан тўғридан-тўғри назорати олиб борилади. Бироқ ижтимоий ёрдам ва қўллаб-куватлаш устидан назорат қилиш шакллари салбий жиҳатларга эга. Тегишли назоратсиз, маҳсус рағбатлантиришларсиз жамоат ташкилотлари фаолияти мунтазам хусусиятга эга бўлмайди.

Хозирги замон шароитларида, мутахассисларнинг фикрича, ижтимоий ишни ташкил этишнинг аралаш типларига устунлик бериш максадга мувофиқдир. Бунда амалий ташкилий ишлар ҳокимият тузилмаларига тегишли бўлади ёки уларнинг фаол иштирокида амалга оширилади¹.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов муносиб турмуш шароитларини яратишда, ёрдамга мухтоҷ ногиронлар ва етимлар, ноҷорлар, бокувчисидан айрилганлар, ёлғиз ва кекса кишиларга ғамхўрлик қилишда давлат ва жамоат тузилмаларини ҳамкорликка чакирар экан, айнан мана шуни назарда тутган эди. Хозирга вактда Ўзбекистонда давлат тузилмалари жамиятнинг ҳаётга яхши мослаша олмаган аъзоларини ижтимоийлаштириш имкониятларига эга. «Бироқ, – дейди Ислом Каримов, ор-номусли ва виждонли исталган ўзинга тўқ инсон қўшнисининг ахволи оғирлигини била туриб, кичик ёрдам билан кифояланиб қолмайди. У мухтоҷларга муносиб моддий ва маънавий ёрдам кўрсатади. Бу унинг инсоний бурчидир. Айнан шундай ёндашув бизнинг асл миллий қадриятларимизга мос келади»².

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва бошқа норматив хужжатларида аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини амалга оширишнинг асосий тамойиллари таърифлаб берилган. Улар орасида ижтимоий хизмат кўрсатиш ва унинг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш соҳасида инсон ва фуқаро ҳуқукларига риоя қилиш сингари тамойиллар санаб ўтилади. Сўнгра ижтимоий хизматлардан фойдаланишда фуқаролар учун тенг имкониятлар, ижтимоий хизматнинг қулайлиги ва мақсадга йўналтирилганлиги, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий қўллаб-куватлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилади. Кейин эса оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг муҳим тамойиллари, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ёрдам бериш бўйича жамоатчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-куватлаш таърифланган.

¹ Теория социальной работы. - М.: Юристъ, 1998. - С. 195.

² И. Каримов. Конституция – мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқукий асосидир // Халқ сўзи. 2003 йил 6 декабрь.

Амалий вазифалар

1. Ижтимоий ишга таъриф беришнинг таклиф этилган вариантларининг кайси бири тўғри эканини асослаб беринг ёки хато эканини исботлаб беринг:
- Ижтимоий иш – бу касб;
- Ижтимоий иш – бу фундаментал фан;
- Ижтимоий иш – бу амалий фан;
- Ижтимоий иш – ўрта даражадаги тармок назарияси;
- Ижтимоий иш – ўқув фани;
- Ижтимоий иш – бу ижтимоий фаолиятнинг ўзига хос шакли.
2. Нима учун ижтимоий иш фаолиятнинг алоҳида тури хисобланади?
3. Нима учун ижтимоий ишни фан сифатида таърифлаш мумкин?
4. Ижтимоий ишнинг бошқа илмий ва ўқув фанлари билан ўзаро алокаси нима билан изохланади?
5. Ижтимоий иш обьектини фан сифатида таърифлаб беринг.
6. Ижтимоий иш предметини фан сифатида таърифлаб беринг.
7. Ижтимоий иш методларини фан сифатида таърифлаб беринг
8. Ижтимоий ишнинг ўқув фани сифагида, методологиясининг ўзига хос хусусиятлари мавжудми?
9. Ижтимоий иш ҳар бир элементининг мазмун-моҳиятини таърифлаб беринг.

3-МАВЗУ. ИЖТИМОИЙ ИШ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ

Ижтимоий ишнинг тизимли таҳлили ва тизимли ёндашув. Ижтимоий иш обьекти ва субъекти. Ижтимоий иши предмети. Асосий мақсади. Ижтимоий ишнинг мазмун-моҳияти ва воситалари. Ижтимоий ишнинг асосий тартиблари. Вазифалари. Ижтимоий иши даражалари. Курснинг асосий тушучичалари.

Ижтимоий ишнинг тизимли таҳлили ва тизимли ёндашув. Фаолиятнинг эътироф этилган тури сифатида ижтимоий иш хусусиятини чукуррок тушуниш учун уни яқин алокада бўлган элементларнинг бутун тизими сифатида қараш зарур. Жамиятга бундай ёндашиш тизимли ёндашиш деб аталади. Жамиятни ташкил этадиган элементлар ўртасидаги тартибли ўзаро алоқа тизимли ёндашувнинг асосий тушунчаси хисобланади. Тизимли таҳлилда, биринчи навбатда, ижтимоий сайди-харакатлар барча элементларнинг харакатларини ягона, яхлит тарзда интеграциялаш ва мувофиқлаштириш имкониятларига эътибор берилади. Тизимнинг ҳар бир элементи зарур хисобланади ва бир-бири билан алокада бўлади.

Ижтимоий тизим – бу яхлит хосила. Одамлар, уларнинг алокалари, муносабатлари ва ўзаро ҳамкорлиги унинг асосий элементи хисобланади. Ижтимоий ўзаро муносабатларнинг ўзига хослиги кишиларнинг бир-бирларига таъсирини ифодалашдан иборат. Ижтимоий муносабатлар жараёни-

да бир кишининг онги, қизиқишилари, хулки бошқа кишига таъсир қиласи ва аксинча бўлиши мумкин, яъни бошқа индивид хам ҳудди шундай таъсир ўтказиши юз беради.

Шу билан бирга инсонга ва у яшаётган мухитга хос бўлган кимматли жиҳатлар ва белгилар тизимини аникламай туриб, унинг хулқ-авторини тўғри тушуниш мумкин эмас. Инсоннинг ҳар қандай эҳтиёжи, бу биологик ёки маънавий эҳтиёж бўладими, жамиятда қабул қилинган маданий меъёрлар ва стандартларнинг у томонидан ўзлаштириб олинниши натижаси хисобланади. Ижтимоий тизимнинг барча таркибий қисмлари хисобга олинмаса, унинг таҳлили тўлиқ бўлмайди.

Ижтимоий иш ўзида яхлит, очик тизимни ифодалайди. Очик тизим сифатида ижтимоий иш жамиятнинг бошқа тизимлари – иқтисодий, сиёсий, маданий тизимлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қиласи, ахборот айирбошлиди. Ижтимоий иш тизимининг динамик хусусияти у ёки бу маданий-тарихий шароитларда ривожланиш жараёни хусусиятлари билан bogлиқ, статистик хусусияти эса унинг тузилмасини ва даражаларини белгилаб беради¹.

Ижтимоий ишда тизимли ёндашувни қўллаш тўрт кетма-кет босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда тизимли ёндашув соҳаси белгилаб олинади. Иккинчи босқичда зарур тадқиқотлар (тизимли-тузилмавий таҳлил) олиб борилади. Учинчи босқичда муайян ижтимоий муаммоларнинг кўп вариантили ечимлари – ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий хавф-хатар типи, ижтимоий девиациялар хусусияти ишлаб чиқилади, ижтимоий иш соҳасидаги ҳар бир вазифани ҳал килишининг макбул варианти аникланади. Тўртинчи босқичда замонавий технологиялар ва хусусий методлар ёрдамида ижтимоий иш соҳасидаги вазифалар комплексининг аник ечими ҳал килинади.

Хорижий адабиётларда ижтимоий ишга тизимли ёндашиш етакчи ўринни эгаллайди. Жумладан, Американинг «Ижтимоий иш энциклопедияси»да тизим тушунчасига алохида тушунтириш берилади: «Ижтимоий хизмат кўрсатишнинг амалий тизими ҳозирги қисмли ва номукобил тизимдан жиддий равишда фарқ килиши керак. Янги тизим принципиал жиҳатлар каторида тавсифланиши керак. Балансилик ва яхлитлик тизимнинг тангликларни самарали сенгиб ўтиш имконини берадиган зарур хусусиятларидир»².

Россиялик талқиқотчиларнинг асарларида хам умуман ижтимоий ишнинг, хам ижтимоий хизмат кўрсатишнинг алохида турлари, шакллари ва методларининг тизимли хусусияти қайд этилади. Тизимлилик тамойили, уларнинг фикрича, маълумотларнинг катта базасидан фойдаланиш, ижтимоий иш учун зарур бўлган фанлараро алокадорлик хусусиятига эга ахборотни тартибга солиш, ижтимоий мавжуд бўлишни инсон тизими томонидан бажариладиган

¹ Социальная работа. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. – С. 66.

² Социальная работа. – М.: Юристъ. 1998. – С. 151.

вазифалар йиғиндиси сиғатида караши, муаммоли вазиятни баҳолаңда роль тушунчасини қўллаш имконини беради.¹

Тизим факат элементлар йиғиндиси бўлмаганлиги учун унда мақсади, тизим хосил қиласидан қисем албатта бўлиши зарур. *Фаолиятниң етакчи мақсади*, яъни ҳаётий мухим муаммоларни ҳал қилишда мижозга ёрдам кўрсатиш ижтимоий иш тизими учун шундай қисем хисобланади. Ижтимоий иш тизимида куйидаги миллий, минтақавий, муниципал, махаллий даражаларни ажратиб кўрсатиш қабул қилинган.

Давлат ва жамият муассасалари ва ташкилотлари миллий даражани ташкил этади, улар умуммиллий миёсда мижознинг ҳаётий мухим муаммоларини ҳал қилиш учун шарт-шаронтларни белгилаб беради ва яратади. Минтақавий даража минтақанинг ўзига хослиги, унинг табиий-иклим, иктисолий, демографик ва бошқа кўрсаткичлари билан белгиланади. Муниципал даража шаҳар даражасида ижтимоий химояни бошқаришининг турли соҳалари ўзаро ҳамкорлигини аке этиради. Махаллий даража аниқ олинган кичик бир жамиятнинг хусусиятлари ва унинг ижтимоий-маданий ўзига хослиги билан боғлиқ².

Ижтимоий иш тизимиининг асосий характеристикувчиси инсон хисобланади. Шу сабабли тизимнинг барча элементларидан у ёки бу маданий мухитнинг ажралмас қисеми сиғатида инсонни ўрганиши учун фойдаланиш керак. Бу унинг камол топишини ва характерли муаммоларини белилаб беради.

Ижтимоий иш тизимида бир канча таркибий элементлар ўзаро муносабатда бўлади. Булар – *объект, субъект, модият, бошқарув, функциялар ва мақсадлар*.

Объект ва субъект ижтимоий иш назарияси ва амалиёти тизимининг мухим қисмлари. Шу сабабли объект ва субъект тушунчаларининг киска фалсафий-социологик талкинини келтирамиз. Мазкур терминлар билиш ва борликнинг ягона муносабатини таевирлайдиган муайян икки томондама алоқани таҳлил қилишда қўлланилади. Ушбу муайян муносабатда билим ортираётган томон ёки фаолият *субъект* деб агалади.

Барча одамлар ушбу сўзнинг кенг маъносида ижтимоий ишнинг *объекти* хисобланади. Бу ахолининг барча катламлари ва туроҳларининг ҳаёт фаолияти, кўп жиҳатдан жамиятнинг ривожланиши даражаси, ижтимоий соҳанинг ҳолати, ижтимоий сиёсатнинг мазмуни, уни амалга ошириш имкониятлари билан белгиланадиган шарт-шаронтларга боғликлиги билан изоҳланади.

Тор маънода қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган ва ўзганинг ёрдамига мухтоҷ бўлган инсонлар *ижтимоий иш объекти* хисобланади. Булар: пенсionерлар, ногиронлар, оғир касалликка чалинганлар, ёш болалар. Қийин ҳаётий вазият деганда индивид, онла, туроҳ, жамиятнинг нормал ижтимоий

¹ Социальная работа: методология, теория, технология. Саратов, 1998. С. 66-67.

² Социальная работа. Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. С. 67-68.

ҳаёт кечиришини бузадиган ёки бузиш хавфини туғдирадиган вазият тушунилади.

Кўриниб турибдики, муаммоларга дуч келган инсон ижтимоий иш объектига айланмокда. Ижтимоий иш назариясида замонавий ижтимоий иш мижозларининг ҳар хил типологиялари мавжуд. Одатда улар куйидаги устувор асосларни хисобга олган ҳолда таснифланади: ҳаётий муаммоларни мустақил равишда ҳал қилиш имконини бермайдиган соғликнинг ҳолати (ногиронлар, руҳан заиф одамлар, руҳий зарбага учраган, ўз жонига қасд қилишга мойил одамлар); пенсионерлар, кийин ҳаётий вазиятга тушиб колган кекса кишилар (ёлғиз кишилар, ногиронлар); экстремал ижтимоий шароитларда хизмат қилиш ва меҳнат қилиш (Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, фронт ортида меҳнат қилганлар ҳамда уруш вактида ва тинч вактда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг бевалари ва оналари); оиласлар турли тоифаларининг нохуш ҳолати (даромаднинг пастлиги, ишсизлик, тўлиқ бўлмаган оиласлар, етим болалар, ота-оналаридан маҳрум бўлган болалар, нокулай руҳий мухитда яшаётган оиласлар ва бошқалар); ҳар хил шакллар ва турлардаги девиант хулқ-атвор (девиант хулқ-атворли болалар ва ўсмирлар, тошбағир муносабат ва зўравонликни бошидан кечираётган болалар ва аёллар, озодликдан маҳрум этиш жойларидан кайтган шахслар, алкоголни сунистъемол киладиган, гиёхванд моддалар кабул киладиган шахсларнинг оиласи).

Аёллар ва болалар анъанага кўра ижтимоий иш мижозларининг алоҳида тоифаларига ажратилади, ахолининг ушбу тоифалари ёрдамнинг маҳсус турларига ва турли ташкилотлар ходимларининг қўмагига муҳтоҷ.

Ижтимоий иши субъекти эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш бўйича барча вазифаларни бажаради. Ижтимоий иш олиб борадиган ва уни қасб сифатида ёки жамоатчилик асосида бошқарадиган кишилар ва ташкилотлар субъектга киради. Улар орасида асосан ижтимоий ишни ташкил этиш билан шуғулланадиганлар (уларни ташкилотчилар ёки бошқарувчилар деб аташ мумкин), бевосита ижтимоий ёрдам кўрсатадиганлар ҳам бор. Уларни шартли равишида амалий ижтимоий ходимлар деб аташ мумкин.

Куйидагилар ижтимоий иш субъектлари хисобланади: турли даражалардаги конунчилик, ижро этувчи ва суд хокимиятида давлат ва унинг барча тузилмалари. Ушбу тузилмада Ўзбекистонда Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, шунингдек, турли даражалардаги ижро этувчи бошқарув органлари алоҳида роль ўйнайди; турли ижтимоий хизматлар – оиласларга ва болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатадиган худудий марказлар, ижтимоий-реабилитация марказлари; ота-оналар васийлигисиз қолган болаларга ёрдам кўрсатадиган марказлар, имкониятлари чекланган болалар ва ўсмирлар учун реабилитация марказлари, болалар ва ўсмирлар учун болалар уйлари, ахолига руҳий-педагогик ёрдам кўрсатиш марказлари, давлат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар, олий ўқув юртлари ва уларнинг бўлинмалари маъмуриятлари, жамоатчилик, жайрия ташкилотлари – касаба уюшма-

лари, жамғармалар, махаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), хусусий ижтимоий хизматлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар).

«Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамоатчилик хайрия жамғармалари, *Болалар жамғармаси*, *Ногиронлар жамиятни* Ўзбекистонда нодавлат хайрия ташкилотлари хисобланади.

Ва, ниҳоят, амалий ижтимоий иш билан касб сифатида ёки жамоатчилик асосларида (кўнгиллилар) шуғулланадиган кишилар ижтимоий ишнинг бош субъекти хисобланади (ижтимоий терапевт, ижтимоий геронтолог, ижтимоий эколог, ижтимоий педагог). Кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамга ижтимоий ходимнинг мижоз ва унинг аҳамиятли ижтимоий муҳити билан ўзаро муносабатлари асос қилиб олинади.

Ижтимоий ўзаро алоқа тизимида инсон ўрнининг кўриб чиқилиши ижтимоий ишнинг предмети соҳасини аниқлаш имконини беради. Мижозга ижтимоий ёрдам кўрсатаётib, ижтимоий ходим унинг ижтимоий ахволига дуч келади. Ижтимоий ахвол – муаммони ҳал этишга тегишли бўлган барча алоқалар билан биргаликда индивидуал ёки гурухли олиб бориладиган ижтимоий ишнинг аник бир мижози муаммосининг аник ҳолати.

Мижознинг ижтимоий ҳолати *ижтимоий иш предмети* хисобланади. Бунда ижтимоий ходим ўз сайди-харакатларини ишга солади. Мижознинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш, ҳолатини енгиллаштириш фаолиятининг мақсади хисобланади.

Ижтимоий ҳолатни ўрганиш мазкур мижознинг ижтимоий муаммоси билан бевосита боғлиқ ўзаро муносабатларни ва уларнинг ҳал қилинишига таъсир қилиши мумкинлигини аниқлаш имконини берадиган методологик восита бўлиб хизмат килади. Ижтимоий вазият тушунчаси индивиднинг дунё билан умумий глобал алоқаларини рад этмаган ҳолда унинг ўзига хос шароитларда, биринчи навбатда, унинг муаммоларини ҳал қилишга бевосита таъсир киладиган омилларни аниқлаш имконини беради. Ушбу якин алоқаларнинг таҳлили индивидни у ёки бу хатти-харакатларга ундейдиган руҳий, оиласиий, гурухли, тиббий ва бошқа муаммоларини аниқлайди, ҳаётий нуктаи назарларни ўзгартириш учун баркарор мотивация яратиш мақсадида унинг шахсидаги таянчни топишга ёрдам беради¹.

Ўз мижозларининг эҳтиёжларини кондириш ижтимоий ходимнинг энг умумий мақсадлари хисобланади. Бунга мижозларнинг мустақиллик даражасини, уларнинг юзага келган муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини ошириш, мижозлар учун қонун бўйича улар эга бўлишлари керак шарт-шароитларни яратиш орқали эришилади. Бундан ташқари, жамиятга кишиларни мослаштиришга ёки қайта мослаштиришга кўмаклашиш, мижознинг ижтимоий ходим ёрдамига муҳтож бўлишига барҳам берадиган натижага эришиш ушбу мақсадларга киради.

Шундай қилиб, шахснинг ижтимоий мақомини тиклаш, жамиятга ижтимоий мослашганлигини таъминлаш, моддий мустақилликка эришиш

¹ Социальная работа. – М.: Юристъ, 1998. – С. 2.

ижтимоий ишнинг мақсади хисобланади. Субъектнинг бутун фаолияти ушбу мақсадга бўйсунади, унга мувофик моҳият юзага келади, бошқарув ташкил этилади, ишлани воситалари, шакллари ва методлари саралаб олинади.

Ижтимоий ишнинг мазмун-моҳияти ва воситалари *тизимнинг маҷбурий қисми ҳисобланади*. Ижтимоий ишнинг мазмун-моҳияти бевосита фаолият функцияларидан келиб чиқади. Функцияга уни яхтит фаолият сифатида ташкил этишида, индивидлар, ижтимоий гурӯҳлар, қатламлар ва синфларнинг мақсадлари ва манфаатларини рӯёбга чиқаршида ижтимоий ишнинг алоҳида субъектлари бажарадиган роль сифатида қараш зарур. Олимларнинг кўпчилиги ижтимоий иш функцияларининг қуйидаги рўйхатидан фойдаланади: ахборот, ташхис қўйиш, прогнозлаштириш, ташкилий, руҳий-педагогик, профилактик, амалий, бошқарув функциялари. Ушбу функцияларни батағ силрек кўриб чиқамиз.

Ахборот функцияси объект тўғрисида маълумотлар тўплашдан, жинс-ёш хусусиятларини, саломатликнинг холатини, турмуш шароитларини, яшаш учун барча зарур нарсалар билан ўзини таъминлаш қобилиятини, моддий таъминланганликни, кўшиналарни, руҳият ва характер хусусиятларини аниқлашдан иборат. *Ташхис қўйши функцияси* – бу «ижтимоий» ташхис қўйиш учун олинган ахборотдан фойдаланиш, ижтимоий ходимнинг алоҳида шахс ёки кишилар гурухининг ўзига хос хусусиятларини, кичик мухитнинг таъсир этиши даражасини ўрганишидир. *Прогнозлаштириши функцияси* – бу жамиятнинг барча ижтимоий институтлари ижтимоий ишнинг объектларга таъсирини прогноз килиши, ушбу объектларнинг ижтимоий хулқ-атвори моделларини ишлаб чиқишидир. *Ташкилий функция* – корхоналарда ва ташкилотларда, шунингдек, яшаш жойларида ижтимоий хизматларни ташкил этишга кўмаклашиш, жамоатчиликни фаолиятга жалб килиши, ижтимоий хизматлар фаолиятини аҳолига ҳар хил турдаги ёрдамлар ва ижтимоий хизматлар кўрсатишга йўналтиришидир.

Руҳий-педагогик функция – маслаҳат бериш ва шахслараро муносабатларни тузатиш, барча эҳтиёжманларни ижтимоий мослаштириш ва кайта мослаштиришга ёрдам бериш, одамларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини аниклашидир. *Профилактик функция* – одамлар хулқ-атвори ёки фаолиятининг салбий оқибатлари олдини олиш ва улардан огохлантириш, салбий рецидивлардан, чегарадаги муаммоларнинг кайтарилишидан, тажовузнинг авж олиниидан огохлантириш бўйича дастурларни амалга ошириш. *Амалий функция* – аҳолининг заниф химояланган қатламларини, хаётдан умидини узган одамларни, аҳолининг турли тоифаларини, жумладан, ногиронлар, кекса кишилар, ёш оиласларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш. *Бошқарув функцияси* – қарорларни ишлаб чикиш ва кабул килиш, хисобга олиш ва назорат килиш, мувофиқлаштириш, ташкилий ва моддий-молиявий таъминлаш, кадрлар тайёрлаш.

Бошқарувсиз ижтимоий иш олиб бориш мумкин эмас. Россиянинг «Ижтимоий иш бўйича луғат-маълумотномаси»да ижтимоий ишни бошқариши

икки хил талқин қилинади. Биринчидан, объектни исталган йўналишда мақсадга йўналтирилган тарзда ўзгартириш учун ижтимоий иш олиб борувчи ташкилотлар ва хизматларга таъсир кўрсатиш сифатида талқин қилинади. Иккинчидан, ижтимоий хизматларга раҳбарлик қиласиган органлар фаолияти соҳаси сифатида талқин қилинади¹. Ижтимоий ишни бошқараш ижтимоий бошқарувнинг бир тури хисобланади. У объект ҳолатини баҳолаш, режалаштириш, карорларни ишлаб чикиш ва кабул қилишни, хисобга олиш ва назоратни ташкил этиш ва моддий-техник таъминлашни, ижтимоий иш кадрларини танлаш, тайёрлаш ва тарбиялашни ўз ичига олади.

Ижтимоий маълум *воситалар* ёрдамида иш олиб борилади. Воситаларга ҳам ижтимоий институтлар сифатида, ҳам фаолият мақсадларига эришишга ёрдам берадиган предметлар, асбоб-ускуналар, хатти-харакатлар сифатида каралиши мумкин. Ижтимоий иш функцияларининг турли-туманлиги воситаларнинг турли-туманлигини келтириб чикаради. Уларни санаб ўтишнинг деярли имкони йўқ. Ижтимоий ходим воситалари хазинаси қанчалик бой бўлса, унинг фаолияти шунчалик муваффакиятли бўлади.²

Ижтимоий ишнинг асосий тамойиллари. Ҳар бир фаннинг тамойиллари унинг муҳим кисми хисобланади. Ижтимоий иш фаолиятнинг оммабоп тури хисобланишидан ва фан сифатида бир катор бошка фанлар билан боғлиқлигидан келиб чикиб, ижтимоий ишнинг асосий тамойилларини бир қанча гурухларга ажратиш мумкин.

Умумфалсафий тамойиллар биринчи гурухни ташкил қиласи. Куйидагилар уларга таалукли: детерминизм, акс эттириш, ривожланиш. Ижтимоий фанларнинг қуйидаги умумий тамойиллари иккичи гурухга киради: тарихийлик, ижтимоий ўзаро боғликлиқ, ижтимоий аҳамиятга эгалик. Ижтимоий ишнинг турли жиҳатларини қамраб оладиган қуйидаги тамойиллари учинчи гурухга киради: ижтимоий-сиёсий, ташкилий, руҳий-педагогик ва бошқалар.

Ижтимоий ишнинг минтақавий хусусиятларини қўшиб олиб борган холда давлат ёндашувининг ягоналигини, унинг мазмун-моҳияти ва методларининг демократизмни, шахс ёки гурухлар хаёт фаолиятининг аник шарт-шароитларини хисобга олишни, ижтимоий ходим фаолиятининг конунийлиги ва адолатлилигини асосий ижтимоий-сиёсий тамойилларга киритиш мумкин. Ташкилий тамойиллар орасида кадрларнинг ижтимоий-технологик хабардорлиги, ижрони назорат қилиш ва текшириш, хуқуқ ва мажбуриятлар, ваколатлар ва жавобгарик бирлиги тамойили ажралиб туради.

Руҳий-педагогик тамойиллар ижтимоий хизматлар мижозларига руҳий-педагогик таъсир воситаларини танлашга қўйиладиган талабларни, исталган ижтимоий-технологик тартиб-таомилларни бажаришда шахсий хусусиятларни хисобга олиш зарурлигини акс эттиради. Ижтимоий иш тамойиллари маданиятнинг умуминсоний универсаллари, инсон қадриятларининг устуворлиги, инсонпарварлик фалсафаси асосига курилади. Улар ахолига ижтимоий

¹ Словарь-справочник по социальной работе. – М.: Юристъ, 1998. – С. 374.

² Основы социальной работы. – М.: Инфра – М, 1997. – С. 21.

хизматлар кўрсатиши соҳасида фаолиятнинг асосий коидаларини белгилаб беради. Улардан превентивлик ва маҳфийлик, альтруизм ва аттракция, билимга асосланганлик ва профессионализм, модаллик ва бағрикенглик, воситачилик ва комплекслилик, шахсий ёндашув ва жамоада ишлаш, раҳмдиллик ва инсонпарварликни айтиб ўтиш мумкин.

Ижтимоий ишинг ахлоқий тамойиллари маданиятнинг умумисоний универсаллари, инсон қадриятларининг устуверлиги, инсонпарварлик фалсафаси асосига курилади. Уларга батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ахлоқий тамойиллар ёки *ижтимоий ишинг бешта мезони*: инсон қадр-қиммати ва қадрияти; *ижтимоий адолат*; *инсонпарварликка хизмат қилиши*; *яхлитлик*; *билишга асосланганлик*. Жумладан, инсон қадр-қиммати ва қадриятининг ахлоқий тамойили хар бир инсоннинг ноёблигини, ижтимоий фаровонлик хукукини, ўзини рӯёбга чикаришни, ўз хаётини ўзи назорат килишини англатади.

Ижтимоий адолат тамойили ресурсларни адолатли таксимлаш, хизматлар ва имтиёзлардан тенг фойдаланиш, индивидуумлар, оиласлар, гурухлар ва жамоаларнинг хукук ва мажбуриятларини эътироф этиш, конун билан химоя қилиш, ижтимоий ривожланиш сифатида каралади.

Инсонпарварликка хизмат қилишининг ахлоқий тамойили қўйидагиларни назарда тутади: шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш; одамларнинг имкониятларини ривожлантиришга кўмаклашиш; адолатли жамият яратилишига хисса кўшиш.

Яхлитлик тўғрилик; ишончлилик; очик-ошкоралик; холислик.

Шахсий ёндашув, аттракция (ишонч), модаллик (эпчилик билан ҳаракат қилиш), перманентлик (узлуксизлик), билимга асосланганлик, воситачилик, бағрикенглик сингари тамойиллар ҳам мухимдир.

Шахсий ёндашув шахс сифатида инсонга эътиборни қаратади, мижоз билан руҳий алоқа ўрнатишни, мулокот меъёрлари коидаларига риоя килишни, мижозни ҳурмат қилишни ва унга эътибор қаратишни, шахсий муаммоларни хал қилиш йўлларини фаол излашга уни жалб қилишни талаб қиласди. Шахсий ёндашув мижозга ишонган ҳолда аттракция тамойили билан кесишади. Айнан мана шу тамойилларга риоя килган ижтимоий ходим мижознинг ишончини ва ҳурматини козониши, уни ўзаро тушунишга ва ҳамкорликка мойил қилиши мумкин.

Модаллик тамойили муайян минтакани, шахснинг ўзига хослигини, унинг жинси, ёши, ҳарактери, маданияти, урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда эпчилик билан ёндашишни назарда тутади. Парманентлик тамойили ижтимоий ишда узлуксизлик, тузатувчи, терепевтик ва қўллаб-кувватловчи сайди-харакатларни тўхтатмасликни талаб қиласди Ижтимоий ишда билимга, ўкув ва профессионализмга, қўллаб-кувватлашнинг профессионал ва нопрофессионал шаклларини кўшиб олиб боришга, шу жумладан, *зарар етказмаслик* рефлексиясига асосланади.

Воситачилик тамойили комплексда, тизимда, жамоада иш олиб бориш билан боғлиқ. Бу ижтимоий иш назариясининг ўзининг мультидисциплина-¹лиги, турли гуманитар ва табиий фанлар натижаларининг ижтимоий иш оқимиға қўшилиши билан изоҳланади.

Ижтимоий ишнинг асосий тамойилларидан бири бўлган бағрикенглик тамойили индивидлар, гурухлар ва ижтимоий жамаолар ўртасидаги маданий, диний, ирқий тафовутларнинг қонунийлигини эътироф этишни, ташки кўриниш, хулқ-авторнинг, қадриятли йўналишларнинг ўхшаш эмаслигига сабр билан муносабатда бўлишни англатади.

Қўллаб-куватлаш стратегиясини амалга ошириш мақсадида, дастлабки боскичда, ижтимоий ходим томонидан мижозга қўрсатиладиган ихтисослаштирилган хизматлар (унга босим ўтказмасдан) *ижтимоий иш вазифаларига* киради. Қўйидагилар асосий вазифалар ҳисобланади: ижтимоий ва шахсий муаммоли вазиятларга ташхис қўйиш; четга чиқишлиар профилактикаси; янги шароитларга ижтимоий мослашиш; ижтимоий реабилитация; ижтимоий терапия ва коррекция; ижтимоий хизмат ва ёрдам қўрсатиш; комплекс ижтимоий маслаҳат бериш; ижтимоий назорат, васийлик ва бошкалар.

Ижтимоий иш унинг асосий тамойилларини аниклади. Ижтимоий ходим қўйидаги қоидани ёдда сақлайди: *мижоз ҳар доим ҳақ*. Ҳар қандай одам ижтимоий қуляйликлардан фойдаланиш хукукига эга. У ижтимоий хизматларнинг малакали илмий-методик таъминланишини, мутахассиснинг тест синовидан ўтишини, яхши педагогларда таҳсил олишини, профессионалнинг реабилитациясидан ўтишини, аник ишлаб чиқилган технологиялар бўйича хизмат қўрсатилишини хоҳлайди².

Ижтимоий иш даражалари. Ижтимоий фаолият тури сифатида караладиган ижтимоий иш турли даражалар ва соҳалар билан ифодаланади. Ижтимоий иш даражаларини аниклашнинг асослари турлича бўлиши мумкин. Россиялик тадқиқотчилар томонидан қўламлиликка караб федерал, минтақавий, маҳаллий ва якка тартибдаги даражалар ажратиб қўрсатилади³.

Федерал даражанинг мазмун-моҳияти давлатнинг қонунчилик ва ижтимоий сиёсати, мамлакат қўламида ахолини ижтимоий ҳимоя қилишни бошқариш билан белгиланади. Минтақавий даражада федерал даражанинг ҳосиласидир ҳамда федерал аҳамиятга эга бўлган қонунлар ёки норматив хужжатларни амалга оширилишида, уларни мамлакатнинг у ёки бу субъектларининг ўзига хос хусусиятларига мослаштиришда ўз ифодасини топади. Минтақавий даражада ижтимоий иш аниқроқ хусусият касб этади ва бевосита тор маъносига тақдим этилади. Ижтимоий ишнинг маҳаллий даражаси аник обьектларга аниқ йўналтирилганлик билан белгиланади ва ҳар хил ижтимоий хизматлар, касбга ўқитилган ижтимоий ходимлар ва кўнгиллилар томонидан

¹ Социальная работа: методология, теория, технологии. – Саратов, 1998. – С. 65.

² Социальная работа: методология, теория, технологии. – Саратов, 1998. - С. 69.

³ Социальная работа: теория и практика. – М.: Инфра-М, 2002. С. 21.

амалга оширилади. Якка тартибдаги даража – бу мижознинг сўрови асосида у билан ишлаш, якка тартибда инлаш техникаси ва методларини қўллашдир.

Курснинг асосий тушунчалари. Ҳар бир фаннинг тушунча аппарати унинг мухим кисми хисобланади. У умумлаштирилган шаклда мазкур фан ўрганаётган ходисаларни, шунингдек улар ўргасидаги алокаларни акс эттириш имконини беради. Ижтимоий ишнинг фанлараро хусусияти курснинг тушунча-тоифали аппаратида ўз ифодасини топади. Ижтимоий ишнинг кўплаб тушунчалари ва тоифалари социология ва психологиядан олинган.

Ижтимоий иш тушунчаси ва тоифаларини уч гурухга ажратиш мумкин. Ижтимоий иш назарияси учун ўзига хос бўлмаган тушунчалар ва тоифалар биринчи гурухга киради, чунки улардан бошқа фанлар хам фойдаланади. *Ижтимоий муносабатлар, ижтимоий фаолият, ижтимоий ташув, шахс, ижтимоий сиёсат, ижтимоий бошқарув* уларга тааллукли.

Устун даражада ижтимоий иш назариясига тааллукли бўлган, бироқ билимнинг бошқа соҳалари томонидан хам фойдаланиладиган тушунчалар ва тоифалар, масалан *руҳий-ижтимоий иш, ижтимоий реабилитация, оиласий келишимовчиликлар* иккинчи гурухни ташкил килади.

Ижтимоий иш категориялари бўлган куйидаги категориилар учинчи гурухни ташкил килади: *ижтимоий ходим, ижтимоий хизмат кўрсатни, аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам, ижтимоий қўллаб-қувватлаш*. «Ижтимоий иш асослари» курси учун мухим бўлган баъзи тушунчалар ва тоифаларни кўриб чиқамиз.

Ахолини *ижтимоий ҳимоя қилиши* деганда жамият ва унинг турли тузилмалари томонидан амалга ошириладиган макбул турмуш шарт-шароитларини таъминлайдиган, эҳтиёжларни кондирадиган ва инсоннинг хаёт таъминотини ва фаолиятини қўллаб-кувватлайдиган бир канча тадбирлар тушунилади.

Ижтимоий таъминот инсоннинг фаровонлинини қўллаб-кувватлашга ёки яхшилашга қаратилиган ижтимоий ташкилий фаолият хисобланади. Бу жуда кенг тушунча бўлиб, у бир катор қасбларга, шу жумладан, ижтимоий ишга дахлдор, бироқ у билан чекланиб колмайди. Ушбу қасблар соғликни саклаш, таълим, дам олишни ташкил этиш, ижтимоий хавфсизликка алокадор.

Ижтимоий хизмат кўрсатни мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб колган фукароларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш, уларга ижтимоий-маиший, ижтимоий-тиббий, руҳий-педагогик, ижтимоий-хукукий хизматлар кўрсатиш ва ёрдам бериш сифатида талқин килинади. Аник йўналтирилганлик, кулагайлик, ихтиёрийлик, махфийлик, профилактик йўналганлик ижтимоий хизмат кўрсатишнинг асосий тамойиллари хисобланади.

Ижтимоий иш инсоннинг маданий, ижтимоий ва моддий турмуш даражасини таъминлаш мақсадида унга давлат томонидан ва нодавлат йўналишда ёрдам беришга, инсонга, оиласага ёки гурухга якка тартибда ёрдам беришга йўналтирилган профессионал фаолиятнинг ўзига хос тuri сифатида каралиши мумкин. *Ижтимоий ходим* – бу ўзининг лавозими ва қасб бурчи

оркали инсон, оила ёки гурухга улар муммоларини енгиб ўтишларида ижтимоий ёрдам берадиган инсондир.

Ижтимоий реабилитация деганда организм функцияларининг кескин бузилиши туфайли согликка зиён етиши, ижтимоий мақомнинг ўзгариши, девиант хулк-автор натижасида бузилган ёки индивид томонидан йўқотилган ижтимоий алокалар ва муносабатларни тиклашга каратилган бир канча чора-тадбирлар тушунилади.

Ижтимоий хизматлар мураккаб вазиятни енгиб ўтиш ёки юмшатиш мақсадида ахолини ижтимоий ҳимоя килиш, унга қўмаклашиш, уни қўллаб-кувватлаш бўйича муайян функцияларни бажарадиган давлат ва нодавлат бошкарув органлари, тузилмалар ва ихтисослашган муассасалар мажмуидан иборат.

Аниқ ўйналтирилган ижтимоий ёрдам курснинг муҳим тоифаси ҳисобланади. У ҳаётдаги муаммоларни хал этиш учун алоҳида шахсларга ёки ахолининг алоҳида гурухларига ёрдам бериш, уларнинг ижтимоий мақомини ва тўлаконли ҳаётий фаолиятини қўллаб-кувватлашга чора-тадбирлар тизими сифатида тушунилади. Ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимининг мижози ўта муҳтоҷ бўлганда пул билан ёрдам бериш, натура оркали таъминлаш, мурувват ёрдами, ҳар хил хизматлар ва имтиёзлар, ёрдамнинг бошка турлари аниқ ўйналтирилган ёрдамнинг асосий турлари ва шакллари ҳисобланади.

Умумий оилавий ёки жон бошига ўртacha тўғри келадиган даромаднинг паст даражаси, ҳаёт кечириш учун маблағларнинг йўқлиги, ёлғизлик ва ўзига ўзи хизмат кўрсатишга қодир эмаслик, табиий оғатлар, ҳалокатлар, миллатлараро низолар натижасида моддий зарар кўриш ёки жисмоний шикастланиш ижтимоий ёрдам бериш мезонлари бўлиши мумкин. Ижтимоий ишнинг қонунийлиги энг муҳим, баркарор алокалар ижтимоий ишнинг муҳим таркибий кисми ҳисобланади. Назарияда ҳам, амалиётда ҳам ижтимоий ишнинг самарадорлиги ушбу алокаларни билишга боғлик.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ижтимоий ишнинг қонунийлиги ахолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимининг карор топиши ва амал килиши тенденцияси ўртacha акс этиши оркали тақдим этилган¹. Жумладан, давлатнинг ижтимоий сиёсати билан жасамиятдаги ижтимоий ишнинг мазмунмоҳияти ўртасидаги ўзаро алоқа асосий қонуният сифатида ажратиб кўрсатилади. Ижтимоий иш маҳсус қасбий фаолият сифатида жорий этилгандан кейин у ахолининг катта гурухларига ёрдам беришдан мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб колган шахсларга, оиласарга ёрдам беришга йўналтиришга асосланади.

Ахолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли ижтимоий кафолатлари ва чора-тадбирларини таъминлаш Ўзбекистондаги бозор ислохотларининг барча босқичларида муфассал устуворлик ҳисобланади. Мустакиллик йилларида реал иктисодий вазият, ресурслар ва имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда ахолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги механизми яратилди. Ислоҳ

¹ Теория социальной работы. -- М.: Юристъ, 1998. С. 45.

килишнинг турли босқичларида ижтимоий сиёсатнинг ўз концепциясига амал килинди. Бозор иқтисодиётiga ўтиш ислоҳотлари чуқурлашган сари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш устуворликлари ўзгарди, тўғридан-тўғри пул тўловлари ва билвосита хизматлар шаклида давлат ислоҳотининг турли усуслари ва йўлларидан фойдаланилди. Аҳолини аниқ тарзда ҳимоя қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича катта иш олиб борилди.

Ижтимоий ҳимоя мақсадлари билан ижтимоий шининг ривожланиши даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ижтимоий ишнинг бошқа конунияти хисобланади. Жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш, унинг Ўзбекистондаги самарадорлигини ошириш камтъминланганликка барҳам бериш вазифасини ҳал қилиш, аҳолининг заиф катламларини, хусусан, юзага келган ҳолатлар туфайли энг ижтимоий муҳофаза муктоҷ қатламини, жумладан, ногиронлар, ёлғиз оналар, кекса кишиларни давлат томонидан қўллаб-кувватлашни кучайтириш билан боғлиқ ҳолда ҳал этилди. Ҳалк менталитети ва турмуш тарзини хисобга олганда энг ижтимоий ҳимояланмаган онлаларга маҳалла қўмиталари орқали муайян ёрдам бериш энг мақбул шакл сифатида тақдим қилинади. Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, бундай ёндашув аҳоли орасида кўп асрлик илдиз отган ва аҳолининг ижтимоий заиф катламларини қўллаб-кувватлаш учун мўлжалланган маблагларнинг энг аниқ тарзда тақсимланишини таъминлайди¹.

Ижтимоий иш мақсадларини амалга ошириш самарадорлиги ҳам юкорида айтиб ўтилган конуниятларга ва ҳали шакллантирилмаган конуниятларга боғлиқ. Ҳар кандай ҳолатда ҳам ижтимоий иш конуниятлари объектив хусусиятга эга, кишиларнинг иродаси ва хоҳиш-истагидан катъи назар ўзини намоён этади. Ижтимоий ходим мижоз билан ҳамкорлигининг пировард натижасидан ўзаро манфаатдорлиги ижтимоий иш билан шуғулланадиган мутахассис ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

Амалий машғулотлар

1. Ижтимоий ишнинг обьекти нима?
2. Ижтимоий иш субъекти нима?
3. Нима учун ижтимоий ишни яхлит тизим сифатида қараш мумкин?
4. Ижтимоий ходим фаолиятининг асосий йўналишларини очиб беринг.
5. Ижтимоий иш предмети ва обьектини таърифлаб беринг.
6. Ижтимоий иш тамоилларининг асосий гурухларини айтиб беринг.
7. Ижтимоий иш тамоилларини таърифлаб беринг.

¹ И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

4-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ ИШ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДЛАРИ

Ижтимоий иш назарияси. Ижтимоий йўналтирилган моделлар. Психологик йўналтирилган моделлар. Комплекс йўналтирилган моделлар. Ижтимоий ишининг фанлараро хусусияти. Ижтимоий иш методлари.

Ижтимоий ишнинг асосий моделлари унинг турли хил мактаблари эволюциясини, ижтимоий иш мазмун-моҳиятида ва шаклларидағи ўзгаришларни акс эттиради. Ҳар бир модель назарий коидаларга эга, инсон ва жамият тўғрисидаги турдаги фанлар билан боғлиқ, ижтимоий ишнинг муайян мазмунига эга.

Ижтимоий ишга багишланган адабиётларда¹ унинг замонавий моделларини ижтимоий йўналтирилган, психик йўналтирилган ва комплекс йўналтирилган моделларга бўлиш анъанага айланган.

Унга энг кучли таъсир қилган ва таъсир кўрсататган турдош фанларга нисбатан ижтимоий иш соҳасидаги назарий ёндашувларнинг таҳлили бундай таснифлашнинг асоси ҳисобланади.

Ижтимоий йўналтирилган моделлар социологик концепциялар билан узвий боғлиқ, ижтимоий ривожланиш қонуниятларини билишга, жамиятни таркибий тузишга, унинг ижтимоий институтарининг ўзаро алоқаларига таянади.

Замонавий ижтимоий йўналтирилган моделлар орасида қуйидагилар кўпроқ танилди: экология назарияси («ҳаёт модели»); ижтимоий-радикал модель; тизимли модель.

Ижтимоий ишда ҳаёт модели категорияси экология тизимлари назариясининг асосий тушунчасига айланди. Ҳаёт модели одамларни борликнинг кўп киррали шарт-шароитларига доимий равишда мослашиб борадиган ҳаёт фаолиятининг субъектлари сифатида карайди, ҳаётни тизимлар (кишилар, уларнинг бирлашмалари) ўз муҳити билан яхши мувозанатни саклашга ҳаракат килишлари керак. Ушбу нуқтаи назардан одамларнинг мослашувчанлик қобилиятларини кучайтириш, шунингдек уларнинг муҳитига таъсир килиш ижтимоий ишнинг бош мақсади ҳисобланади. Тизимли экологик ёндашиш аҳолини ижтимоий таъминлаш ва қўллаб-куватлаш тизими фаолиятини ташкил этишда кенг кўламда намоён бўлади.

Ижтимоий ишни назарий асослашнинг *ижтимоий-радикал модель* асосида инсон ҳуқуки учун ҳаракат қилиш ётади. Мазкур ёндашув доирасида қуйидаги коидалар эълон қилинади. Биринчидан, баъзи гурухлар (масалан, ёшлар, аёллар) *ижтимоий эксплуатация* қилинадиган гурухлар ҳисобланади. Иккинчидан, ҳукмрон иктисодий ва ижтимоий гурухларнинг манфаатлари ушбу гурухларни маргиналлаштиради ва уларнинг ҳаётни имкониятларини камайтиради. Учинчидан, ижтимоий институтлар ўз шакли, конунлари ва

¹ Теория и методология социальной работы. Учеб. пособ. для высш. учеб. завед. / Пол. ред. С.И.Григорьева – М.: Наука. – 1994; Ромм М.В., Ромм Т.А. Теория социальной работы. — Новосибирск, 1999; Социальная работа: Учеб. пособие/ Под общ. ред. В.И. Курбатова – Ростов н/Д: Феникс, 2003.

бошқарни асосларини ўзгартирмагунинг қадар барча одамлар учун имкониятларнинг тенглигига эришиб бўлмайди.

Ижтимоий ишнинг катъий модели турли ижтимоий гурухлар вакиллари онгини химоя килиши ва ривожлантириши модели сифатида қурилади, унинг «ваколатлар бериш», ижтимоий адвокатура сингари шакллари асосланади. Ҳимоя килиши ва «ваколатлар бериш» технологияси жабрланган, юз ўгирилган гурухларга кирадиган мижозларнинг ижтимоий қобиляйтларини ривожлантиришга қаратилган, боз устига хокимият тузилмаларининг таъсирини, синфий мансубликни хисобга олишига урғу берилади.

Тизимили модель. Қийин ҳаёт шаронтига тушиб колган одамлар ижтимоий тизимнинг ўзига хос элементлари хисобланади. Бинобарин, инсонни ижтимоий химоя килиши ва қўллаб-қувватлаш муаммосини ҳал килиш асосан тизимларни такомиллаштиришга ва ислоҳ килишига асосланиши керак. Мазкур нуктаи назардан ижтимоий ходимнинг вазифалари икки гурухга бўлинади: бир томондан, улар одамларнинг муаммоларини ҳал килишда уларга ёрдам беришга кодир бўлган ташкилотлар ва идоралар фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ, бошқа томондан, ўзини ўзи тартибга соладиган тизим сифатида инсон салоҳиятини фаоллаштириши хакида сўз бормоқда.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, тизимлар назариясида иккита катта йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: асосан мижозга ёрдам беришга йўналтирилган функционализм ҳамда ижтимоий ходим ва мижоз ўртасида юзага келадиган ва мижознинг шахсий камол топишига кўмаклашадиган ижобий муносабатларга муҳим роль ўйнайдиган конструктивизм¹. Бунда ижтимоий иш яхлит тизим сифатида каралади. Унинг элементлари автоном мавжуд бўлгани ҳолда бирмунча яхлитликни хосил қиласи. Мижознинг ижтимоий мухити шундай элементлардан бири хисобланади. Шу сабабли тизимлар назариясида экология модели деб номланган ижтимоий иш модели ажратиб кўрсатилади.

Ижтимоий ишнинг *психологик йўналтирилган модель* психологик билимларга, инсоннинг психологик мақоми ва камол топиши конуннатлари хисобга олинишига таянади. Ушибу гурух орасида психодинамик модель ва когнитив-бихевиорал моделни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ижтимоий ишда *психодинамик модель* З. Фрейднинг классик психоанализ назарияси гояларига бориб такалади. Бунда гап психика тузилмаси тўғрисида, боланинг руҳий камол топиши тўғрисида, руҳий қасалликлар ва уларни даволаш тўғрисида боради. Психоанализ назарияси якка тартибда ижтимоий иш олиб боришнинг мижозни индивидуаллаштириш, юзага келган муаммоларни баҳолани, унга ташхис қўйинш, ёрдамнинг терапевтик технологияларидан фойдаланиши сингари тамойилларига асос солди ва якка тартибдаги холатларни (*casework*) кўриб чиқишининг асосига айланди.

¹ Гюни Странл Хатчинсон, Сив Олтедал. Модели в социальной работе: из разных источков -- к одному полю деятельности / Под редакцией Р. И. Даниловой. - Архангельск: Изд-во Архангельской государственной медицинской академии, 1999.

Ижтимоий ишнинг психодинамик модели, биринчидан, мижознинг ички дунёсига таъсир этиш воситасида унинг хулқ-атвори, карашлари, муносабатларини тузатишга ёрдам беради. Иккинчидан, мижознинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини, унинг ижтимоий-иерархик гурухлар тизимидағи мақомини, асосийси алоқа килинадиган гурухдаги муносабатлар динамикасини, мижознинг яшаш мухитини хисобга олади. Учинчидан, аник ёрдам бериш жараённида фойдали бўлиб чиқади.

Ижтимоий хизматлардан унга эҳтиёж сезадиган барчанинг фойдаланиши ижтимоий ишнинг *когнитив-бихевиоринат* моделининг асосий тамойиларидан бири хисобланади. Ушбу модель инсоннинг қузатиладиган хулқ-атворига, унинг ижтимоий мухитга нисбатан фаоллигига эътиборни каратадиган ўрганиш назариясига асосланади. Ушбу назария нуктаи назаридан инсонни ўргатиш йўли билан исталган тажрибани амалга ошириш мумкин.

Ижтимоий ходим олдида халос бўлиш керак бўлган хулқ-атворни аниқлаш, хоҳланган янги хулқ-атворни аниқлаш ва инсон хулқ-атворини шакллантирадиган, уни мустаҳкамлаш имконини берадиган режимларини аниқлаш вазифаси туради. Мослашиш ёки ижтимоий хоҳланган хулқ-атворга риоя килганда инсон «яхши ҳаётга» эриша оладиган мухит яратилган тақдирда ушбу вазифаларни бажариш мумкин¹. Таъсир кўрсатиш эса шартшароитларни ўзгаришишга, саъй-харакатнинг янги шаклларини ўрганишга ва тажрибани тушунишга йўналтирилиши керак. Ҳам ижтимоий ходим, ҳам мижоз учун батафсил ишлаб чиқилган саъй-харакатлар тизими ёрдамида технологик жихатдан бунга эришиш мумкин.

Ижтимоий ишнинг комплекс *йўналитирилган* моделлари биопсихо-ижтимоий мавжудот сифатида инсонни химоя килиш ва унинг ҳаётий кучларини кўллаб-куватлаш муаммоларини яхлит кўришга каратилади. Психологик ва социологик билимнинг интеграцияси асосига курилган ролли модел ушбу моделга мисол бўла олади (Я. Морено, Ж.Г. Мид). Ушбу ёндашув, энг аввало, шахсни тушунишга асосланади, мижозни ўтган тажрибани хисобга олган ҳолда ўзини кандай тутиш ва камол топишга ўргатади, ҳаётдаги ўз ўрни тўғрисида тасаввур уйғогади.

Кучли жиҳатлар ва ресурслар билан таъминлаш назарияси модели ўзгаришишга ва ўз ресурсларини фаоллаштиришишга ёрдам бериш учун инсоннинг кучли томонларидан фойдаланади, ижтимоий ходимга ҳамкор ролини беради, мижоз ва ижтимоий ходим ўртасидаги тўсикни камайтириш имконини беради, мижозлар ишлатадиган стигматизирланган терминологиядан фойдаланишнинг олдини олади.

Ижтимоий ишга назарий ёнлашиш билан амалиёт ўртасидаги тафовутга қарамай, энг аввало, турли моделларнинг умумий хусусиятларини аниқлайди. Ижтимоий ишнинг у ёки бу назарий пойдевори ижтимоий иш мазмун-моҳиятига таъсир кўрсатади, ишончли ижобий натижалар бериши мумкин. Ижтимоий ходим ўз шахси ва амалиётининг ўзига хосликларини хисобга

¹ Хъелл Л., Зиглер Д. Теории личности – СПб: Нигер, 2000, С. 358.

олган ҳолда ўзи амалга оширадиган ишга бошқалардан кўра қўпроқ қайси ёндашувлар мос келишини яхши билиши кераклиги бунинг асосий шарти хисобланади.

Ижтимоий иш методлари. Методлар ижтимоий иш олиб бориш имконини берадиган қоидаларнинг тизимлаштирилган тўпламини ўз ичига олади. Куйидагилар ижтимоий химоя килиш тизимида ижтимоий ишнинг асосий методлари хисобланади: якка тартибда иш олиб бориш, гуруҳ билан ва жамоа (*маҳалла*)да иш олиб бориш.

Ижтимоий ишнинг якка тартибдаги методи М. Ричмонд томонидан таклиф этилган ва XX аср бошида руҳий таҳлилнинг ривожи билан узвий боғлик. Унинг моҳияти таянч бўлиш ва мижозни муаммони тушунишга ва ҳаётий вазиятга бардошли бўлишга ундаш асосида муаммоларни ҳал килишдан иборат. Мижозни ижтимоий вазиятга мослаштиришга асосий урғу берилади.

Куйидагилар *ижтимоий иш методлари* хисобланади: **шахсий ва оиласий шароитларда ижтимоий терапия** (шахсни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация килиш, уни курсаб турган мухит нуктаи назаридан можароли вазиятларни ҳал килиш). Якка тартибдаги иш методи айникса, истиқболни аниклашда, реалликка мослашишда, руҳий зарбаларни енгигиб ўтишда, коммутатив билимларни кўллашда, ўзини англаш соҳасини кенгайтириш ёхуд гурухнинг самарали ижодий фаолиятига жалб килиш хисобига эришиш мумкин.

Мижознинг жисмоний ва маънавий кучларини ривожлантириш, ижтимоий хулк-атворни шакллантириш учун унга ёрдам бериш ижтимоий иш гуруҳни методининг максади хисобланади. Ушбу максадга умумий аҳамиятли максадларга эришишда гурух фаолиятини ва гурух аъзоларининг ижтимоий фаолигини ташкил этиш ёхуд интенсив мулокотда бўлиш орқали шахсий тажриба ва ўзини ўзи англаш соҳасини кенгайтириш ёхуд гурухнинг самарали ижодий фаолиятига жалб килиш хисобига эришиш мумкин.

Турли (ёши, жинси, кизикишлари бўйича) гурух билан ижтимоий иш олиб бориш. Гурухли ижтимоий иш методини амалга ошириш гурухнинг максадлари ва вазифаларига боғлик. Ижтимоий иш амалиётида турли гурухлар ажратиб кўрсатилади. Масалан, ўқувларни тиклаётган гурухлар, таълим гурухлари, ўзига ўзи ёрдам берадиган гурухлар ижтимоий-маданий гурухлар категориясини ташкил этади. Бундан ташкири, терапевтик гурухлар мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти турли муаммоларни ҳал килишга каратилган.

Жамоа бўлиб ижтимоий иш олиб бориш методи ижтимоий хизматлар ёки ижтимоий ходимнинг маҳаллий, минтақавий ёки умумдавлат даражасида турли ижтимоий гурухлар ва ташкилотларнинг вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик килишга асосланган. Жамоада, яшаш жойида ишлаш маҳаллада кулагай ижтимоий-руҳий ижтимоий хизматлар тармоғини ташкил этишни, жамоа алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро ёрдам гурухларини ташкил этишни назарда тулади.

Маҳаллий жамоада ижтимоий алоқаларни ривожланириш, ахолининг фаровонлигини ошириш билан боғлик ижтимоий муаммоларни ишлаб чиқиши жамоада ижтимоий фаолият олиб боришнинг устувор вазифалари хисоби-

ланади. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши асосий максадга эришишга, хусусан, жамоанинг камол топишини фаоллаштиришга ва унинг хаётий фаолияти моделларини яхшилашга қаратилган.

Сервиснинг кулайлиги, фаол ҳамкорлик, янги ташаббусларни қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш, харакатчалик жамоада фаолият олиб боришнинг асосий тамойиллари хисобланади. Жамоада фаолият олиб бориш методини рўёбга чиқариш шакллари ҳар хил. Масалан, Швецияда бу ижтимоий режалаштириш, Буюк Британияда истикомат қилувчилар уюшмасини ташкил этиш, Ўзбекистонда ижтимоий ўзини ўзи бошқариш шакли бўлган маҳалла фаолиятидир.

Мамлакат фукароларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш ва ижтимоий химоя қилишда нодавлат сектор, шу жумладан, ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари (маҳаллалар) тобора салмокли ўрин тутмоқда. Маҳалла одамларнинг ижтимоий эҳтиёжларига чакконлик билан ва тезкор муносабат билдиради. Куйидагилар Ўзбекистондаги ижтимоий ишнинг мухим кисми хисобланади: нопрофессионал ижтимоий иш билан шуғулланадиган кадрлар ва ташкилотлар мавжудлиги; мамлакатнинг бир канча олий ўкув юргларида ижтимоий ходимлар тайёрланиши; ижтимоий ишни институтлаштирилганлиги.

Амалий вазифалар

1. Ижтимоий ишнинг ижтимоий йўналтирилган назариялари хусусиятларини айтиб беринг.

2. Ижтимоий ишнинг кайси назариялари ижтимоий йўналтирилган назарияларга тааллукли. Жавобингизни асослаб беринг:

- психодинамик;
- ижтимоий-педагогик;
- тизимли;
- ролли;
- когнитив;
- бихевиористик;
- ижтимоий-радикал.

5-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ ИШНИНГ СОЦИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ижтимоий ишнинг фангараро алоқадорлик хусусияти. Назарий социология ва ижтимоий иш. Позитив йўналии. Функционализм. Бихевиоризм. Рамзий штеракционизм. Девиациянинг социологик концепцияси. Таълим муаммолари нуқтаи назаридан социология ва ижтимоий иш. Социологик таидқиқотлар ижтимоий ишни билиш воситаси сифатида.

Ижтимоий шининг фанлараро хусусияти. Ижтимоий иш – илмий таъминлашда фанлараро хусусиятга эга бўлган касб. Бу, мижозга ёрдам бериш максадида ижтимоий ходим бошқа мутахассислар – врач, педагог, психолог, социолог билан ҳамкорлик қилиш тармоғини шакллантириш демакдир. Бошқа томондан, ижтимоий ходим профессионал базавий тайёргарлик туфайли кўплаб касбларнинг асосий қўнималари ва малакаларини эгаллаб олган универсал мутахассис хисобланади.

Инсон ва жамият муаммоларини ўрганишда фанлараро алоқадорлик ижтимоий ишнин бошқа ижтимоий фанлар билан, хусусан, социология билан ўзаро ҳамкорлигига айникса яққол намоён бўлади. Ижтимоий иш ва социология ўртасида умуумийлик у ўз назарияларигагина эмас, балки социология фани классикларининг жамият ва инсон тўғрисидаги асос бўлувчи ғояларига таянишидан иборат. Социология ҳам ижтимоий ходимни касбий-назарий тайёрлашда, ҳам унинг амалий фаолиятида мухим ўрин тутади. Умуман жамиятни, ижтимоий муносабатларнинг барча турларини ўрганар экан, социология ижтимоий ходимларга жамият ва ижтимоий заиф химояланган гурухлар ўзида нимани ифода этишини тушуниш имконини беради.

Мазкур муаммо бўйича эълон килинган адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш социологиянинг ижтимоий ишга таъсирининг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаш имконини беради. Булар: методологик, назарий, таълим ва амалий йўналишлар¹.

Назарий социология ва ижтимоий иш. Социология ва ижтимоий иш ўртасидаги ўзаро якин алоқа икки илмий фаннинг обьекти ва ўрганиш предметини, уларнинг функциялари ва вазифаларини кўриб чиқишда назарий жиҳатдан яққол намоён бўлади. Жумладан, қўнчилик олимлар умуман жамиятни, ижтимоий муносабатларнинг барча турларини ўрганар экан, социология, энг аввало, ижтимоий жараёнларнинг ижтимоий жиҳатларини, ижтимоий ходимларни, сўзнинг тор маъносида ижтимоий муносабатларни тадқик қилишга сафарбар этилганига эътиборни қартиши бежиз эмас. Ушбу ижтимоий муносабатлар одамларнинг ҳаёт фаолияти билан бевосита боғлик. Одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар табиатини, одамларнинг ўзаро бир-бирларига мослашиши конунларини тушунишга интилиш социологик билиш учун хосдир. Сўз ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос «пойдевор қўювчиларини» ўрганиш ҳақида бормокда, сўнгра улардан алоҳида ижтимоий тузилмалар тузилади.

Социология у ёки бу кичик тизим ичida юз бераётган жараёнларни (оила социологияси, ёшлар социологияси, девиант хулқ-атвор социологияси ва хоказоларни) уларнинг умуман жамият билан алоқаси нуктаи назаридан ўрганади. Бошқача айтганда, хусусий ижтимоий ходисаларни жамиятга

¹ Основы социальной работы. – М.: Инфра-М, 1997; Навленок П.Д. Социологические методы и техника изучения проблем социальной работы. – М., 1995; Социология для социальной работы. – М.: Магистр-Пресс, 2002; Теория и методология социальной работы. – М.: Наука, 1994; Теория социальной работы. – М.: Юристъ, 1998 и др.

тегишли деб хисоблаш юз беради. Америкалик социолог Т. Парсонс социологик ёндашувнинг ушбу ўзига хослигига эътиборни қаратиб, социология бошқа фанлардан фарқли ўлароқ ижтимоий тизимлар, умуман жамиятнинг «интеграцияга алоқадор тузилмаларини ва жараёнларини ўрганади» деб қайд этади¹.

Мана шу туфайли жамият, аникроғи, интеграцияга урғу бериш социологик таҳлилда алоҳида ижтимоий жараёнларда юз берадиган мазмуннинг белгиловчиси сифатида намоён бўлади. Агар социолог оиласи ўрганаётган бўлса, оиласи барпо бўлиши, унинг камол топиши, мавжуд бўлиши, мустахкамланиши, бузилишига олиб келадиган ижтимоий онг ва хулк-атворнинг барча жиҳатлари уни қизиқтиради. Шу максадда одатда оила қуришга интилаётган ёшларнинг мотивлари, йўл-йўриклиари, кадриятли йўналишлари, истаклари ҳамда оиласи эр-хотин муносабатининг барча мураккаб жиҳатлари ўрганилади. Ижтимоий мавжуд бўлиши субъектив ёки объектив сабабларга кўра мураккаблашган ёки бузилган, оила сифатида мавжуд бўлиши эса хавф остида колган оиласи ижтимоий ишнинг асосий объектлари хисобланади. Ёшларни ўрганар экан, социолог ижтимоийлашувнинг хусусиятлари, онг ва хулк-атвор, изчилик ва катта авлод билан ўзаро муносабат жараёни сингари жиҳатларни ажратиб кўрсатади. Ижтимоий ходимни ёшларнинг хукукларини, меҳнат ва иш билан таъминлаш соҳасидаги кафолатларни таъминлаш, хаётий йўлнинг олдиндан белгиланганлигига асосланган ижтимоийлашувнинг анъанавий шакллари бузилиши қизиқтиради.

Юкорида таъкидланганидек, доимий ёрдамга мухтоҷ бўлган, кийин хаётий вазиятга тушиб колган барча кишилар ижтимоий иш обьекти хисобланади. Ҳатто кенг талқин қилинганда ҳам ижтимоий иш обьекти социология обьектидан фарқ қиласи, чунки ижтимоий ҳимояга, қўллабкуватлаш ва ёрдамга мухтоҷ обьект ҳакида сўз бормоқда.

Ёндашувлардаги тафовутга қарамай, социологиянинг ижтимоий иш билан алоқаси яккол кўриниб турибди, бу эса биринчисининг иккинчисига нисбатан методологик аҳамияти ҳакида сўз юритиш имконини беради. Ушбу жиҳат ҳар икки фан томонидан ўрганилаётган ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти ва контекстини таҳлил қилишда айниқса яккол намоён бўлади. Социология ҳам, ижтимоий иш ҳам барча нарсани одамлар манфаатлари, уларнинг эҳтиёжлари, орзу-истаклари, нималарга устунилк берини ва қайфиятлари нуктаи назаридан ўрганади. Социолог ва ижтимоий ходим сиёsat ёки таълим, демография ёки геронтология муаммоларига ижтимоий мавжудот сифатида одамларнинг манфаатлари, уларнинг мотивлари ва орзу-истаклари призмаси орқали назар ташлайди.

Шундай килиб, фан сифатида ижтимоий иш ва социология обьектларининг мос келиши ва мос келмаслиги кузатилади. Агар ижтимоий иш торрок

¹ Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. – М.: 1972. – С. 364.

маънода олиб қаралса ва агар у ёки бу фан объектлари ахоли гурухларини ўрганиш хисобга олинган ҳолда қиёсланса, социология анча кенгдир¹.

Ушбу фанларнинг предметини талкин килишда ҳам иккала фанни тушунишдаги тафовутлар кузатилади. Ушбу фарқланиш асосан бу тафовут социология ва ижтимоий иш конуниятларига таъриф беришдан иборат. Социология фан сифатида ижтимоий иш конуниятларига нисбатан фундаменталрок бўлган конуниятларни ўрганади.

Социология фани конуниятларининг фундаментал ҳусусияти ҳар хил социологик концепциялар, мактаблар ва оқимларда яққол намоён бўлмоқда. Бу жихатдан назарий социология ижтимоий ишга нисбатан методология хисобланади. Бундан ташкари, ижтимоий ишда назарий билимларнинг катта кисми социологик назариялардан келиб чиқкан.

О. Конт, Ж.С. Милл ва Г. Спенсер асос соглан социологиядаги классик позитивистик йўналиши оdatda ижтимоий ишда энг кенг тарқалган ва эътиборли йўналишлар сирасига киради. Жамият тўғрисида мавхум мулоҳазалардан воч кечиш, табиий-илмий назариялар сингари ишончли ва ахамиятли бўлиши керак бўлган «ижобий» ижтимоий назарияни яратишга интилиш социологияда позитивизмнинг асосий максади хисобланади². Шу муносабат билан классик позитивизм қурук мухокамага асосланган назариябозликка кузатиш методларини, ижтимоий жараёнлар таҳлилиниң қиёсий тарихий-социологик методини карши қўйишга интилади.

Тадқикот амалиёти сифатида ижтимоий ишда позитивистик ёндашув ҳозирги вактда социономларнинг ижтимоий ишнинг у ёки бу концепцияларига амал килишга эмас, балки ишончли, аник билимга таянишга интилишида намоён бўлмоқда. Бу маънода позитив социология ижтимоий иш назарияси ва амалиётининг эмпирик асосларидан бирини ташкил қиласди. Позитив социология имкониятларининг чекланганлиги эса ижтимоий ёрдамга муҳтож мижозлар билан руҳий-ижтимоий ва тизимли-функционал иш олиб бориш асосларини тушуниш учун назарий асосларнинг етарли эмаслигига намоён бўлади³.

Социология бугунги кунда ижтимоий ишнинг кўпроқ асосан тузилмавий ижтимоий иш деб аталадиган назарияларига интилади. Ижтимоий иш замонавий назарияларининг катта кисми функционализм, ижтимоий низо, бихивеоризм, рамзий интеракционизмнинг социологик концепцияларидан келиб чиқкан.

Функционализм ва унинг турлари социологияда классик социологик парадигмалар сирасига киради. Социолог-функционалистлар, энг аввало, америкалик социолог Роберт Мертон умуман жамият ва унинг алоҳида қисмлари узвий алоқага эга бўлиб, бу уларнинг функциялари билан мустахкамланади, деган нуктаи назарни илгари суради. Бошқача сўзлар билан

¹ Основы социальной работы. – М.: Инфра-М, 1997. – С. 53.

² Современная западная социология. – М.: Политиздат, 1990. – С. 265.

³ Теория и методология социальной работы. – М.: Наука, 1994. – С. 116.

айтганда, жамиятда барча нарса бир-бири билан узвий боглиқ ва чамбарчас алоқадор. Функционалистлар айнан мана шу сабабли социологик ҳолатларнинг ички мазмуни ҳақида мушоҳада юритиш ўрнига ҳолатлар ва объектлар билан боғлиқ реал, кузатиладиган ва текшириладиган оқибатларни шунчаки кўриб чикиш керак, деб ҳисоблайди. Функциялар уларда, оқибатларда ўзини намоён қиласди.

Функционал таҳлил факат стандартлаштирилган объектларни кўриб чиқишига асосланади. Такрорланадиган ва намунавий ижтимоий ҳодисалар (ижтимоий роллар, институтлашган объектлар, ижтимоий жараёнлар, ижтимоий назорат воситалари, ижтимоий тузилмалар ва хоказолар), яъни муайян барқарорликда такрорланадиган ва тизимли кўриб чикишига олиб келадиган ҳодисалар кўриб чиқишининг функционал объектига айланиши мумкин.

Бу жиҳатдан ижтимоий иш, биринчидан, ўзига хос тарзда социумнинг унга хос бўлган тарзда яхлитлигини, бардошлилигини таъминлайдиган ижтимоий акл муносабатлари умумийрок тизимининг бир қисми сифатида каралади. Иккинчидан, ижтимоий ишнинг ўзи умумий тизим сифатида жамият билан ўзаро алоқага эга бўлибгина колмай, балки ўзининг ички ривожланиш мантифига, мазкур аниқ ҳолатда муайян яхлитликка эга бўлган ижтимоий алоқаларнинг тегишли муассасалари тизими сифатида тасаввур қилинади.

Гарчи ижтимоий ишда фан сифатида ижтимоий муаммоларни аниқлашнинг самарали методларини ва ҳал қилиш технологияларини, экспертларнинг ижтимоий баҳоси тартиб-таомилини ишлаб чикиш, ижтимоий ишнинг мавжуд шакллари, методлари таҳлили ва унинг ташкилий тузилмасини лойиҳалаштириш сингари амалий вазифалар мавжуд бўлмаса ҳам юқоридагиларнинг барчаси ижтимоий иш назарияси учун муҳим муаммолардир.

Социологияда *функционал ёндашувнинг* ўзига хослиги умуман жамият ва унинг алоҳида қисмлари ўзаро мустаҳкам алоқадорликда эканлигига, бу уларнинг функциялари билан мустаҳкамланишидан иборат. «Функционаллик» тушунчаси.

Мертон томонидан социологик таҳлилнинг бош ифодаси сифатида каралади. Бунда у функционал таҳлилнинг учта асосий постулатини ажратиб кўрсатади. Булар: 1) жамиятнинг функционал бирлиги постулати (барча функцияларнинг уйғунлиги); 2) универсаллик постулати (барча ижтимоий ҳодисалар функционал ҳисобланади); 3) мажбурийлик постулати (барча функциялар зарур).

Америкалик социолог Р. Мертон мазкур тизимнинг ўзини ўзи тартибга солишига ёки унинг мухитга мослашишишига хизмат киладиган кузатиладиган оқибатларни функциялар деб ҳисоблаш зарур деб таъкидлайди. Бир вактнинг ўзида ушбу тизимнинг ўзини ўзи тартибга солишини ёки унинг мухитга мослашишини заифлаштирадиган кузатиладиган оқибатларни дисфункция деб ҳисоблаш керак.

Функционализмнинг якъол ва латент (яширин) функциялар, уларнинг англанганлиги ва англанмаганлиги ҳақидаги қоидалари, алоҳида тизимлар-

нинг яхлитлиги ва бардошлилиги муаммоллари таҳлили ижтимоий иш учун мухим хисобланади. Функционализм баъзан ижтимоий ходим дуч келадиган катта хажмдаги ахборотда таянч нуктани тонишга ёрдам берадиган методологик коидалар ва назарий кўрсатмалар тўпламини таклиф қилади. Функционализмнинг соддалиги ва аниклиги, исбот қилувчанлиги у ёки бу ижтимоий ходисанинг ташхисини аник белгилаш имконини беради.

Албатта, функционал таҳлилнинг умумий аҳамиятини мутлаклаштирилак керак. Бирок функционализм тушунчасининг мазмуни методологик асослардан иборат. Бу ҳам амалий, ҳам назарий нуктаи назардан мухимdir. Жумладан, ижтимоий иш муассасалари ва ижтимоий ходимлар функцияларини кўриб чиқаётib тадқикотчи функционализм ғояларига суюниб ролларни, функционал мажбуриятларни ва аник шарт-шароитларда уларни амалга ошириш имкониятларини тизимлашириши мумкин.

Тузилмавий функционализм ижтимоий иш назариясида катта аҳамиятга эга. Америкалик социолог Т. Парсонснинг жамиятнинг тизимли курилиши тамойили тузилмавий функционализм шаклланишига асос бўлди. Парсонснинг фикрича, ижтимоий тизим ўзини ўзи қўллаб-кувватлаши ва ўзини ўзи тартибга солиш қобилияти туфайли баркарордир, буни ўз навбатида, ижтимоий функцияларнинг ривожланиши ва такомиллашиши тақозо этади.

Ижтимоий тизимлар интеграцияси ва баркарорлиги табиати, ижтимоий ўзаро муносабатлар, ижтимоий тузилма, ижтимоий сайди-харакатлар Т. Парсонснинг «Ижтимоий тизим» деб номланган асосий китоби диккат марказида туради. Парсонга кўра, ижтимоий тенглилка уларнинг барчаси учун умумий бўлган ва асосий куч ролини ўйнайдиган, ижтимоий тузум ва ижтимоий тизим функцияси бирлигини сафарбар қиладиган норматив-маданий стандартлар оркали ҳатти-харакатлар мотивлари интеграцияси, ролларнинг уйғуллантирилиши оркали эришилади.

Парсонснинг назарий постулатлари ҳам катта, ҳам кичик ижтимоий тизимнинг асосий кулфати сифатида ижтимоий патология ва дезинтеграцияга карши огохлантиришини ўзида ифодалайди. Уларнинг барчаси куйидаги тўрт асосий функциялар тўпламига, яъни мослашиш, максадга эришиш, интеграция, намунани саклаб қолишига (AGIL) эга. Ушбу умумий тузилмавий-функционал тармок Парсонс томонидан барча ижтимоий ходисаларга, шу жумладан, микро- ва макродаражада, яъни алоҳида шахслар, кичик ҳамжамиятлар, жамоалар, умуман жамият даражасида боғлиқ қилиб қўйилади.

Ижтимоий иш соҳасида тадқикот олиб бориш учун бу мухим аҳамиятга эга, чунки гуруҳдаги инсонни белгилаш, оила сингари кичик гурухларни тадқиқ қилиш имконини берибгина қолмай, балки ижтимоий ишни унинг ташкилий, тузилмавий хусусиятлари, шунингдек ижтимоий терапия билан шуғулланадиган ижтимоий ходимларнинг муайян гурухлари билан биргаликда кўриб чиқиш имконини беради.

Социологияда жамиятни ва инсоннинг ижтимоий аҳамиятли хулк-авторини тушунтириш учун хайвонлар хулк-авторини татбик қилиш сифатида

тушуниладиган бихевиористик йўналиш ижтимоий ишда шахсни объектив кузатиш методи билан боғлик. Ижтимоий ишда мижознинг ижтимоий хулки муаммолари ва аниқ қайд қилинадиган, уни аниқ изохловчи омиллар бихевиоризм учун таҳлил обьектига айланмоқда.

Замонавий бихевиоризмнинг кўзга кўринган вакили А.У. Старат бихевиоризм инсон ва жамиятни ўрганувчи барча фанлар бирлигини таъминлашга кодир ва хулк-автор, ўрганиш, шахс, ижтимоий интеракциянинг биологик механизmlари назариясини ўз ичига олган билимларнинг етти даражаси иерархик тизимини ифодалайди деб хисоблайди¹.

Бихевиоризмнинг ижтимоий ишга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан инсонни ўрганишнинг холисона методларига йўналтирилганлиги, жалб этувчанлиги хамда инсон хулк-автори ва ўзаро муносабатларининг кўплаб реал жиҳатлари у томонидан очиб берилганлиги билан изохланади. Бихевиоризм ижтимоий муаммоларни таҳлил қилишда, ижтимоий вазиятнинг омиллари ўртасида узил-кесил боғликлик аникланадиган ижтимоий жараёнларни моделлаштиришда анча маҳсулдор бўлиб чиқмоқда. Бундан ташқари, эмпирик ижтимоий ишда аниқ шарт-шароитларда кириш ва чиқишда ахборот изоморф корреляцияланган ҳолда инсонга «қора қутича» сифатида ёндашишга йўл қўйилади.

Рамзий интеракционизм одатда ижтимоий бихевиоризм варианти сифатида таснифланади. Социологияда ушбу йўналишнинг асосчиси американский социолог Ж.Г. Мид ўзининг назарий мулоҳазаларида жамиятни кишиларнинг хулк-автори тамойилларини кўриб чиқиш йўли билангина тушунтириш мумкин, деб хисоблайди. «Рамзий» термини ушбу социологик мактаб харакат қиласиган шахслар («актёрлар») ўзаро муносабатга – интеракцияга киришганда маъно юклаган «мазмун»га ургу беришини билдиради. Исталган саъй-харакат ёки хулк-автор иш кўрадиган субъект ўз хатти-харакатига юклайдиган мазмун асосидагина юз беради. Устига барча ушбу аҳамиятли жиҳатлар умумий ижтимоий рамзлардан келиб чиқади.

Жамият қуриладиган кўрсатиб ўтилган рамзлар факт одамларнинг ўзаро ҳамкорлигига туғилади. Инсон доимо «кўзгуга» қарайди, бошқа кишилар ва уларнинг мазкур одам ҳақидаги фикрлари мана шундай «кўзгу» вазифасини бажаради.

Саъй-харакатлар жараённида одамлар доимо турлича талкин қиласиган, ўзлари учун рамзларнинг маъноларини тушунтирадилар, уларни ўзларига чамалаб кўрадилар. Бу жараён инсоннинг ўзига хослигини яратади ҳамда ўзаро муносабатларнинг асоси бўлиб хизмат қиласи. Агар икки одам бирор нарсани ҳар хил тушунса, у ҳолда улар ўртасида асл муносабат юз берётган воқеалар маъносини бир хил тушунган тақдирдагина ўрнатилиши мумкин.

Рамзий интеракционизмнинг назарий конструкциялари айникса Буюк Британияда машхур ва жамоаларда ижтимоий иш олиб бориш амалиётида кенг қўлланилади.

¹ Современная американская социология. – М.: Изд-во МГУ, 1994. – С.106.

Назарий йўналишлар орасида ижтимоий дезорганизация жараёни сифатида *девиациянинг социологик таъкини* мухим ўринни эгаллади. XIX-аср охири – XX-аср бошларида Э. Дюргейм ўзига замондош бўлган саноати ривожланган жамият аъзоларида жамоа туйғуси йўколганини, шунингдек унда индивидуализм ва лезинтеграция ўсганини кайд этган эди. Дюргейм томонидан амалга оширилган катта статистик материални умумлаштиришга ва бутун бир социологик методикалари тўпламидан фойдаланишга асосланган ўз жонига касд килишни тадқикот этиши унга ижтимоий хамдардлик ва унинг аномалияси, айтайлик *аномия* сингари феноменни ифодалаб бериш имконини берди. Бунда у хулк-авторни руҳий бошкариш заифлашиши, асосий ижтимоий институтларнинг самарасиз фаолияти, ижтимоий низолар билан ифодалана-диган холатни тушунган эди. Кейинчалик аномия назариясини Р. Мертон ривожлантириди.

Анъанавий алоқаларнинг бузилиш жараёни 1887 йилда социологияда *таътилий мактабнинг* кўзга кўринган вакилларидан бири Ф. Теннис томонидан тахлил қилинди. У жамиятни ижтимоий хамкорлик сифатида кўриб чиқиб, ижтимоий жараёнларнинг турли жихатларини тахлил килди (хокимлик ва бўйсуниш, мусобакалашиш, низо, расм-русум ва хоказо). Унинг фикрича, жамоа кариндошлиқ ва дўстлик ришталарини ўз ичига олади, рационал эмас, балки оқилона ироданинг бирлиги билан ифодаланади. Жамиятга индивидларнинг механик алоқаси, рационал ирода, ўзбошимчалик хосдир.

Социологик фикрлаш тарихига киска назар ташлаш ижтимоий ишнинг замонавий назарияларининг катта кисми у ёки бу хусусиятга эга бўлган социологик концепциялардан хосил бўлгани ҳакидаги хуносага келиш имконини беради. Социологиянинг назарий концепциялари янги шароитларда ижтимоий ишнинг турли концепцияларини замонавий англаш, синов амалиётини баҳолаш, ижтимоий ходимларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш муаммолари учун тобора мухимрок роль ўйнамокда. Социологияга йўналтирилган назариялар ва ижтимоий ишнинг моделлари, самарадорликни баҳолаш амалиёти тўғрисида китобнинг тегишли бўлимларида сўз юритилади.

Таълим муаммолари нуқтаи назаридан социология ва ижтимоий иш.

Ижтимоий ишнинг социология билан алоқаси таълим дастурлари нуқтаи назаридан кузатилади. Узоқ йиллар социология АҚШ ва Англияда ижтимоий иш билан бир хил деб карапди. Бирок илмий фан сифатида эмас, балки амалий фаолият сифатида бир хил деб карапди, амалий социология йўналишларидан бири хисобланди. АҚШнинг кўпчилик йирик университетларida социология факультетларида ижтимоий ходимлар тайёрланди. Факат 60-йиллар охирида фаолиятнинг икки соҳаси узил-кесил иккига ажралди¹.

Хозирги вактда, юкорида таъкидланганидек, ижтимоий иш деганда профессионал соҳа тушунилади. Ушбу соҳада социологик ва психологик тамойиллар ёрдамида ижтимоий ва шахсий нохушликни англатадиган муаммолар ҳал қилинади. Икки фаннинг бўлинишига карамай, ижтимоий иш

¹ Кравченко А. И. Социология: справочное пособие. – М.: Московский лицей, 1996. – С.111.

ва социология ўртасида доимо алокалар давом этади. Социологиянинг кўпчилик факультетлари ижтимоий иш бўлимини очади ва ижтимоий фаолият бўйича курсларни киритади.

Ўзбекистонда «Ижтимоий иш назарияси» олий ўкув юртларида социологларни тайёрлаш тизимида мухим фанлардан бири ҳисобланади. Мазкур ўкув фанини ўрганиш бўлғуси социологларни ижтимоий жараёнларнинг илмий таҳлили хамда методологияси билан қуроллантириш, ахолига ижтимоий ёрдам қўрсатадиган хизматларнинг энг мақбул ташкилий тузилмалари, фаолиятининг мазмун-моҳияти, шакллари ва методларини мақбул танлаш имконини беради.

Ўзбекистон миллий университети социологларига бир неча йил мобайнида ўқитадиган ўкув курсининг мақсади талабаларга ижтимоий ишнинг назарий асослари тўғрисидаги билимларни беришдан, ёрдамга мухтож бўлган фуқароларнинг турли тоифалари билан ижтимоий ишни ташкил этишнинг амалий малакаси ва кўникмасини сингдиришдан иборат.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон миллий университети ижтимоий-сиёсий фанлар факультетининг социология кафедраси базасида хамда Тошкент давлат маданият институтида «ижтимоий иш» мутахассислигини очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Таъкидлаш лозимки, ижтимоий иш бўйича курсни ишлаб чиқиши ва синовдан ўтказиш лойиҳаси иштирокчиларининг кўпчилиги янги мутахассислик очилишида ташаббус қўрсатган олий ўкув юртлари ўқитувчилари ҳисобланади.

Ижтимоий ходимларни умумий тайёрлаш доирасида бошқа социология фанлари давлат таълим стандартлари базавий ўкув режасида «ижтимоий иш» мутахассислиги бўйича тақдим этилган. Социология ўкув фани сифатида умумкасбий фанлар туркумига киритилади. Социология бир нечта маҳсус, факультетив курслар сифатида тақдим этилади. Булар: ёшлар социологияси, оила социологияси, жиноят социологияси, турмуш социологияси ва бошқалар. Бундан ташқари, «Ижтимоий иш менежменти», «Конфликтология» ва «Маданият социологияси» сингари умумкасбий ўкув фанларида ҳам социологик мазмун мавжуд.

Ижтимоий иш бўйича таълим дастурларида инсон ва жамият ҳаётини тизимли кўришга мойил бўлган социологик назариялар (функционализм, тузилмавий-функционал таҳлил ва бошқалар) устунлик қилади. Социология ва ижтимоий иш назарияси билиш ва мазмун жиҳатидан бир-бирига якін бўлганлиги учун таълим-ўқитиши жиҳатидан ҳам боғлиқдир. Ушбу фанлар ахборотнинг умумий монографик, тарихий, статистик, демографик, социологик, фалсафий, ҳуқуқий манбаларидан, илмий ва илмий-методик асарлардан, шунингдек ахборот тўплаш ва уни қайта ишлаш методларининг катта кисмидан фойдаланади¹.

Социологик тадқиқотлар ижтимоий ишини билиш воситаси сифатида. Ижтимоий ишга алоҳида, хусусий ижтимоий жараёнлар, ижтимоий ишнинг

¹ Теория и методология социальной работы. – М.: Наука, 1994. – С.122.

алохига турлари, ижтимоий турхулар ва улар ривожланиши конуниятлари ҳакида билимлар берадиган маҳсус социологик назариялар (ёки ўрта даражадаги назариялар) хар хил ижтимоий фанлар вакилларининг ўзаро бир-бирини тушуниши ва якинлашишини кучайтиришда мухим йўналиш хисобланади.

Эмпирик тадқиқотлар социологик билимнинг алохига даражаси хисобланади. Ижтимоий ходим эмпирик социологик тадқиқотлар доирасида ишлаб чиқиладиган билимлар, тавсияларга ва ижтимоий лойихаларга таянади.

Замонавий социологиянинг хар хил вариантларда қўлланиладиган турли туман эмпирик методлари мавжуд. Қўйидагилар асосий методлар хисобланади: ахборотнинг (хужжатнинг) ёзма манбалари тахлили; кузатиш; сўров методлари. Ижтимоий ишга татбикан ушбу методлар ҳам комплекс ҳолда, ҳам турлича ролларда бўлиши мумкин. Ҳужжатлар (шахсий кундаликлар, мактублар, таржимаи ҳоллар) тахлили кузатишлар (стандартлаштирилган ёки киритилган) билан қўшиб олиб борилиши мумкин. Жумладан, ҳавф-хатар турхига мансуб вакиллардан бўлган мижозларнинг ижтимоий таржимаи холини ёзишда одатда социологияда доимо қўлланадиган интервью, сўровномалар, архив хужжатлари, таржимаи ҳоллар маълумотларидан ва ахборот тўплашнинг бошка манбалари ва методларидан фойдаланилади. Ижтимоий иш муаммоларига доир тадқиқотларда кўпинча шу йўлдан борилади.

Киритилган кузатиш методи ўзида тадқиқотчини ўрганилаётган инсоннинг табиий йўл-йўриклари оламига чукур кириб бориш усулини ифодалайди. Бунда маҳсус экспериментал шарт-шароитлар яратилмайди, балки атрофдаги оламни идрок қилиш учун обьектнинг табиий йўл-йўриклари билан бирга унинг кундалик ҳаётини тахлил қилиш учун фойдаланилади. Кузатиш методидан фойдаланганда тадқиқотчининг ўзига, унинг ўзи ўрганаётган одамлар билан алоқа ўрнатиш кобилиятига, тинглаш ва эшлиш кобилиятига, унинг коммуникатив маълумотларига катта аҳамият берилади.

«Кейс-стади» (case study) сифатли тадқиқот олиб боришнинг кенг таркалган методи хисобланади. Бу термин инглиз тилидан таржима қиласанда ҳолатни ўрганишни англатади. Машхур англиялик «кэйс-стади» тадқиқотчиси Роберт Йен унга стратегия сифатида қўйидаги таърифини беради: бу «эмпирик тадқиқот бўлиб, реал мавжудлиги нуктаи назаридан маълум феноменини ўрганади, феномен ва нуктаи назар ўртасидаги чегаралар аник эмас ва ахборотнинг кўплаб турли-туман манбаларидан фойдаланади»¹.

Келтирилган таъриф, биринчидан, исталган ижтимоий феномен реал мавжуд контекстда ўрганилишини англатди. Иккинчидан, ахборот манбаларининг кўплиги фойдаланилаётган методларнинг кўплигини англатади. Булар: кузатиш, интервью, хужжатлар ва ёзувлардан фойдаланиш. «Кейс-стади»да сўровномалар, стандарт тестлар, ижтимоий йўл-йўрикларни ўлчаш шкала-лари, ҳаёт тарихи, ролли ва имитацион ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий ходимлар кўпинча сўров методидан фойдаланади (интервью шаклидаги). Бу одамларнинг субъектив дунёси, хусусан, мотивлари, йўл-

¹ Jin R.K. Case-study Research: Design and Methods. Sage Publication Inc. USA, 1989. – P.50.

йўриклари, йўналишлари ва мойилликлари тўгрисида ахборот олишнинг энг кенг тарқалган усули хисобланади. Сўров ҳам алоҳида шахсларнинг, ҳам ижтимоий гурухларнинг деярли исталган субъектив ҳолатини аниқлаш учун чексиз ҳаётий вазиятларни моделлаштириш имконини беради. Унинг кузатиш методидан (табиий шароитларда хулк-авторнинг узқ кайд этилиши зарурати), шу жумладан киритилган кузатишдан, хужжатларни таҳлил қилиш методидан (билим, ҳужжат муаллифининг бовоситаланган фикридан) устунлиги айнан мана шундан изборат.

Ҳар қандай ҳолатда профессионал тайёргарликда, айниқса соф социология фанларинигина эмас, балки жамиятшунослик, статистика, информатиканинг бошқа соҳаларини ҳам ўз ичига оладиган ижтимоий ишда жиддий профессионал тайёргарликни талаб қиласиган эмпирик методларни эгаллаш зарур.

Сифатли эмпирик тадқикотлар олиб боришида мукобил гипотезаларни шакллантириш жараёни, уларни ўтказиш учун зарур маълумотларни ва синов ўтказиш коидаларини излаш сифатида социологик тадқикот дастурларини ишлаб чиқиши мухим роль ўйнайди. Даструрда концептуал коидалар белгилангандан ва у ёки бу вазифаларни ҳал қилиш йўллари ва усуллари аниқлангандан кейин тадқикот методикасини ишлаб чиқишига, сўровнома саволларини тузишга киришиш керак. Бирок амалиётда кўпинча, аксинча иш кўрилади: иш методикадан, хусусан сўровномалар тузишдан бошланади, сўнгра бъязи бир назарий англаб етиши боскичидан ўтилади – бунинг учун олинган материаллар доирасида саволлар ва хатти-харакатлар зарур, яъни бирламчи социологик ахборот, респондентлар жавоблари таҳлили тизими ишлаб чиқилади¹.

Янги маҳсус «Ижтимоий иш социологияси» курсини ўрганиш социология ва ижтимоий иш соҳасидаги замонавий мутахассис учун мухим нарсага айланди. У ижтимоий соҳа ва бошқарув муассасаларида ишлайдиганлар ҳамда ахолининг ижтимоий маърифатпарварлигини ошириш учун ҳам мухимdir.

Социологиянинг ижтимоий иш назарияси билан ўзаро алокасини таҳлил қилиш ижтимоий иш соҳаси мутахассисига, ушбу фаолиятни бошқаришда унга яқин бўлган социологик назарияларга таяниши кераклиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Бундан ташкари, турли муассасаларда оиласа ёрдам бериш, соғликни саклаш, таълим, иш билан таъминлаш соҳасида ишлаш сингари мухим йўналишлар бўйича ижтимоий ёрдам ташкилотчилари ишининг ўзига хослиги ижтимоий ишда ва социологияда тадқикотлар маълумотларидан комплекс фойдаланишни талаб қиласи.

¹ Фаниева М. Жамоатчилик фикрини ўрганиш механизмини такомилаштириш муаммолари // Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Ижтимоий фикр, 2003. – 52-б.

«ИЖТИМОЙ ИШ АСОСЛАРИ» МАВЗУСИ БҮЙИЧА МУРАББИЙЛАР УЧУН МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

«Ижтимоий ишга кириш» мавзуси

Семинарнинг мақсади:

- Ўзбекистон жамияти ривожланишининг хозирги босқичида ижтимоий иш муаммоларининг долзарблигини ёритиш;
- Хайр-эхсоннинг ижтимоий ишдан фарқ қиладиган хусусиятларини кўриб чикиш;
- Сўзнинг кенг ва тор маъносида ижтимоий иш таърифини бериш;
- курснинг мазмуни ва тузилмасини ёритиш.

Бу мавзу биринчи мавзу, шу сабабли янги ўкув предметига ва умуман ижтимоий ишга кизиқиши үйғотиш унинг **вазифасига** киради.

Асосий тушунчалар. Хайр-эхсон, миллий-давлат манфаатлари, жамият, ислоҳ килиш, бирдамлик, ижтимоий иш, ижтимоий таъминот, филантропия.

Машғулот тури: маъруза

Машғулотнинг бошланиши. Ўқув курси ёки тренингнинг мақсад ва вазифаларини қисқача таништириш. Мураббийни гурӯх билан таништириш. Гурӯхни ташкил этиш, гурӯх билан ишлаш коидаларини қабул қилиш.

Шахсий камол топиш учун машқлар. «Танишув» машқи.

Муҳокама. Машғулотдан сўнг рефлексия. Машқни амалий қўллаш бўйича маълумот бериш.

Ахборот блоки.

1. Барчага керак бўлган фан (ёки «Ижтимоий иш» нима учун керак).
2. Ижтимоий ишнинг келиб чикиши тарихидан.
3. Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ижтимоий муаммоларнинг кескинлашиши.
4. Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларни ҳал килиш тажрибаси.

Амалиёт. «Танишув» машқи (ролли ўйин), «Қоғозлардаги саволлар» машғулоти.

Муҳокама. Машғулотдан сўнг рефлексия, мазкур машғулотни амалда қўллаш тўғрисида ахборот бериш. Саволларга жавоблар.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ижтимоий иш нима учун керак?
2. Ижтимоий иш диний хайр-эхсондан нимаси билан ажралиб туради?
3. Нима учун бугунги кунда ижтимоий ишнинг аҳамияти ортиб бормоқда?
4. Ижтимоий ишга бўлган эҳтиёж, унинг аҳамияти нималардан иборат?

Ишни яқунлаш. Якун чикариш, кейинги ишга истаклар билдириш: кейинги мавзу; машғулот тури; машғулот ўтказиш учун талаб қилинадиган материал.

Вазифалар ва машқлар

Кўйидаги мавзу бўйича кичик асар, эссе ёзиш:

1. «Ижтимоий иш» семинаридан нималарни кутмоқдасиз?
2. Сиз шахсан ўз ҳаётингизда ижтимоий ёрдам ва қўллаб-кувватлашнинг кайси турларига дуч келганлигинизни айтиб беринг.
3. Махаллангизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қандай ишлар олиб борилади?

«Ижтимоий ишни ривожлантириш» мавзуси

Машғулотнинг мақсади: ижтимоий ишнинг келиб чиқиши ва ривожланниш жараённини тадқиқ қилишнинг кўйидаги асосий йўналишларини ёритиб бериш: хронологик, миллий, муаммоли, шахслантирилган.

Машғулотнинг тури: муаммоли маъруза.

Асосий тушунчалар. Аник йўналтирилганлик, ялпи фаровон давлат, мухожирлар, професионаллаштириш, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам, ижтимоий ташхис, ижтимоий хизмат кўрсатиш, ижтимоий муаммолар, ижтимоий иш.

Ишнинг бошланиши. Саломлашиш ва иш мухитини яратиш, гурухларни жипслаштириш, шахсий ўзаро муносабатларни ва хошиш-истакларни аниклаш. Семинарнинг мақсади ва вазифаларини ифодалаш.

1. Хронологик йўналиш социология ривожланишининг макон-замонда умумий кечишини очиб беради. Ижтимоий ишнинг ривожланиши тарихий йўлини даврлаштириш, даврлаштиришни асослаш марказий масалалар ҳисобланади.

2. Миллий йўналиш ижтимоий ишнинг ҳар хил мактабларини, ушбу мактабларнинг тарихи, анъаналари ва миллий ўзига хос хусусиятларида илдиз отган омилларни очиб беради.

3. Муаммоли йўналиш ижтимоий ишни ижтимоий амалиёт илгари суралиган муайян ижтимоий муаммоларни ривожлантириш ва ҳал этиш нуктаи назаридан караш ҳамда ижтимоий ишнинг тарихан мавжуд бўлиши, уни хайрия ишидан касбга айлантиришнинг асосий хусусиятларини очиб бериш имконини беради.

4. Шахслантирилган йўналиш олимларни биографик таҳлил килиш, уларни ўз ўтмишдошларига таққослагандага қандай янгилик берганликлари тўғрисидаги маълумотлар оркали ижтимоий ишнинг ғоялари ва тушунчалари шаклланиши жараёнини кўрсатиб бериш имконини беради.

Шахсий улғайиш учун машқ. «Энг муҳими» машки. Талабаларга ижтимоий иш келиб чикишининг энг муҳим тарихий шарт-шарпоитларини таърифлаб бериш таклиф килинади. **Машқнинг мақсади** талабаларни танқидий фикрлашга фаол жалб килишдан иборат.

Мухокама. Машқдан сўнг рефлексия, мавзунинг асосий муаммоларини аниклаш.

Ахборот блоки:

- Ижтимоий ишни фаолият тури сифатида келиб чикишининг тарихий асосларини ёритиб бериш;
- Ижтимоий ишнинг касб сифатида Фарбий Европада ва Америкада қарор топишини ўрганиш;
- XX асрда ижтимоий ишнинг ривожланишини очиб бериш;
- Ўзбекистонда ижтимоий ишнинг қарор топиши жараёнини таҳлил килиш.

Амалиёт.

1. Ижтимоий иш классиклари асаларидан иккита парча ўқиши. Ушбу муаллифлар томонидан ижтимоий иш методини тушунишдаги тафовутларни аниклашни таклиф килиши.

2. Бирор-бир ижтимоий хизмат фаолияти тўғрисида газеталардан парча ўқиши. Маколанинг ижобий ва салбий томонларини, муаммоларни аниклаш.

Мухокама. Машқдан сўнг рефлексия.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ижтимоий иш назариясини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж нима билан изоҳланади?

2. Ижтимоий иш ривожланишининг асосий тарихий босқичларини айтиб беринг.

3. XIX асрнинг иккинчи ярим йиллигига инсон ижтимоий ва индивидуал ҳаётининг қайси реалликлари профессионал ижтимоий ходимларни оммавий тайёрлаш кенг тармок отишига, аҳолини ижтимоий химоя қилиш, «заиф» ижтимоий гурухларни қўллаб-қувватлаш муаммоларини илмий тадқик қилишни кенгайтиришга олиб келди?

4. Мэри Ричмонд ижтимоий ишдаги қайси йўналишнинг вакили хисобланади?
5. «Умумий ижтимоий фаровонликка асосланган жамият» концепцияси ўзида нимани ифода этади?
6. АҚШда ижтимоий ёрдам ва ҳимоя тизимининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
7. Россияда ижтимоий иш карор топиши тарихи ҳақида нималарни биласиз?
8. Ўзбекистонда ижтимоий ёрдам ривожланишининг замонавий боскичи қандай хусусиятларга эга?

1. Ишни якунлаш. **Семинарнинг якунини чиқариш.** Уй вазифаси.

Кичик грухлардаги амалий машғулотларнинг бирида ортирилган тажриба билан танишиш ва ахолига ижтимоий ёрдам кўрсатадиган туман хизмати моделини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Максад: ахолини ижтимоий ҳимоя килиш хизматининг назарий моделини ишлаб чиқиш.

Семинар қатнашчилари куйидаги топширикни бажаради: ахолини ижтимоий ҳимоя килиш туман хизматининг амалдаги моделини таърифлаш ва таҳлил килиш (идоравий бўйсуниш, максадлари, вазифалари, тузилмаси, моҳияти, иш шакллари ва методлари; кадрлар билан таъминлаш, меҳнатта ҳак тўлаш, хужжатлаштириш ва бошқалар); ахолини ижтимоий ҳимоя килиш тизимини такомиллаштириш бўйича назарий муаллифлик модели ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва таърифлаш.

«Ижтимоий ишнинг моҳияти ва ўзига хослиги» мавзуси

Машғулотнинг мақсади: профессионал фаолият ва фаннинг принципиал жиҳатдан янги тури сифатида ижтимоий ишнинг моҳиятини мухокама килиш ва уни институтлаштириш асосларини кўриб чиқиши.

Асосий тушунчалар. Давлат таълим стандарти, девиация, деликвент, ижтимоий депривация, ижтимоий институт, институтлаштириш, ижтимоий ишнинг қонуниятлари, ижтимоий иш категориялари, кластер танлов, мижоз, ижтимоий иш методологияси, фан, касб, ижтимоий хизматлар, ижтимоий ходим, ижтимоий ишни бошқариш.

Ишнинг бошланиши. Саломлашиш ва иш мухитини яратиш, грухни жипслаштириш, машғулот моҳиятини тушунтириб бериш, муаммони ифодалалаш, у ёки бу методдан фойдаланиб, кичик грухларни ташкил этиш.

Машқ. Кичик грухлардаги семинар қатнашчиларига ижтимоий ишнинг виртуал тасвирини катта қоғозда тасвирлаб беришни таклиф қилиш. Расм-

ларни осиб қўйиш ва маъruzачилар гурухидан саралаб олинганлардан улар хақида сўзлаб беришни сўраш.

Семинар катнашчиларидан ижтимоий ходим касби ҳакидаги ўз фикрини айтиб беришни, касбни таърифлаб беришга ҳаракат килишни сўраш. Уларни ўкув тахтасига ёзиш.

Ахборот блоки. Ижтимоий ходим касби таърифини ўқиб бериш. Касбларга ажратишни таҳлил қилишга турлича ёндашувларни кўриб чиқиш. Профессионаллашувни ижобий жараён сифатида кўриб чиқиш.

Мухокама. Семинар катнашчиларидан матнда ажратиб кўрсатилган ижтимоий ходим касби белгиларини аниклашни илтимос қилиш. Аудиториянинг хусусиятига нима мос келганини аниклаш.

Мухокамадан сўнг мураббий иштирокчилар айтмаган белгиларни рўйхатга киритади ва уларнинг маъносини тушунтириб беради. Мураббий иштирокчиларга тўрт-бешта энг мухим белгилар билан кифояланиб, дафтарда ҳар бир белги учун расм чизишни таклиф килади («пиктограмма» методикаси).

Машқ.

1. Ҳар бир кичик гурӯх уч дақиқа ичида янги ижтимоий «фанни» ўйлаб топсин. Бу заарли одатлар ҳакидаги «одатшунослик» фани ёки шкафлар ҳакидаги «шкафшунослик» фани бўлиши мумкин. Иштирокчилардан улар ўйлаб топган фан конуниятларини айтиб беришни сўраш.

2. Кластер. Ижтимоий ишнинг фан сифатидаги ўзига хос белгиларини айтиб беришни иштирокчилардан илтимос қилиш.

Ахборот блоки. Фанни аниклаш. Ижтимоий ишнинг фан сифатидаги конуниятлари. Ижтимоий иш фанлар тизимида. Ижтимоий фаолият ўкув фани сифатида. Ижтимоий ишни институтлаштириш.

Мухокама. Алоқаларни аниклаш, бўйсунувчи, категорияли шархлаш. Рефлексия.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Нима учун ижтимоий иш фаолиятнинг алоҳида тури хисобланади?
2. Ижтимоий ишга бўлган эҳтиёж, унинг аҳамияти нималардан иборат?
3. Ижтимоий ходим фаолиятининг асосий йўналишларини очиб беринг.
4. Ижтимоий ишнинг ҳар бир элементига (қисмига) мазмунли таъриф беринг.
5. Ижтимоий ишнинг илмий машғулот соҳаси сифатида юзага келишининг асосий омиллари ва шартлари нималардан иборат?

Ишни якунлаш. Машғулот якунини чиқариш. Кейинги машғулот учун кириш шархи, машғулот тури, машғулот ўтказиш учун талаб этиладиган материаллар.

Үй вазифаси. Ижтимоий ходим касал, одамови, кўрқок болалар тарбия-ланаётган оиласларга қандай ёрдам кўрсатиши мумкинлиги ҳақида эссе ёзиш.

«Ижтимоий иш касб сифатида» мавзуси бўйича амалий машғулотларнинг бирида шахар ижтимоий хизматлари вакиллари, ижтимоий соҳа раҳбарлари билан учрашув ва сухбат ўтказиш тавсия этилади.

«Ижтимоий иш объекти ва предмети» мавзуси

Машғулотнинг мақсади: тизимли таҳлилнинг асосий категориялари билан танишиш; ижтимоий ишни тизим сифатида ўрганиш; ижтимоий ишнинг обьекти, субъекти, предмети, асосий мақсади, мазмуни ва асосий тамойилларини муҳокама қилиш.

Асосий тушунчалар. Ижтимоийликнинг ўзаро алокаси, ижтимоий иш конуниятлари, тамойиллари, ижтимоий иш предмети, обьекти, ижтимоий ишда тизимли таҳлил ва ёндашиш, ижтимоий ишнинг мазмуни ва воситалари, ижтимоий тизим, ижтимоий иш субъекти, ижтимоий иш даражалари.

Ишнинг бошланиши. Саломлашиш ва иш мұхитини яратиш, гурухларни жипслаштириш, машғулот мөһиятини тушунтириб бериш, муаммоларни ифодалалаш, у ёки бу методдан фойдаланиб, кичик гурухларни ташкил этиш.

Ақлий хужум.

1.Иштирокчилардан дастлаб якка тартибда, сўнгра гурух бўлиб тизимли таҳлил ҳақида, шунингдек ижтимоий тизимни ҳосил қиласидиган қисмлар ҳақида нималарни билишини ёзиб беришини сўраш.

2.Ўқув таҳтасига тизимли таҳлилга тегишли барча нарсани билдирадиган б/бх (билим, билишни хоҳлайман) жадвалини ёзиш.

Ахборот блоки. Ёзилганларни тушуниб олиш, саволлар тузиш, ифодалаш. Мураббийнинг янги ахбороти.

Рефлексия (чиғал ёзиш).

Амалий машғулот.

1. Ижтимоий иш тақдимоти.

Ижтимоий иш тўғрисида матнлар таҳлили:

- Гуруҳда ажратилган матнни ўқиш;
- Ҳошияларга белги кўйиш:
 - «+» қўшиламан
 - «?» аниклаштиришни талаб қиласиди

- «-» қўшилмайман
«!» аччиқланиш
- Гурух нуткларини тайёрлаш
2. Иштирокчиларга жадвални тўлдиришни таклиф килиш: чап устунда «ижтимоий иш» касби ихтисослиги, ўнг устунда ушбу ихтисосликнинг инсонга қўядиган талаблари ёзилади.

Хар бир гурух иштирокчилари ўқитувчи билан биргаликда ушбу мавзу билан боғлиқ барча масалаларни мухокама килиб, жадвални тўлдиради. Шундан сўнг хар бир гурух икки талабани танлаб олади, уларга мос келадиган ихтисосликни аниклайди, ушбу ихтисосликнинг ўзига хосликларини таърифлаб беради, ушбу ихтисосликнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаб беради, танлаган талабаларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди ва ихтисослик тўғри танланганини исботлайди.

Ахборот блоки. Ижтимоий иш обьекти ва субъекти. Ижтимоий иш предмети. Ижтимоий ишнинг аник ва латент функциялари. Профессионал танлаш. Ижтимоий ишнинг асосий тамойиллари.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тизимли ёндашувнинг моҳияти нимадан иборат?
2. Ижтимоий ишнинг тизимли белгилари нималардан иборат?
3. «Ижтимоий иш мижози» терминининг маъноси нима?
4. «Ижтимоий иш обьекти» тушунчасига нима киради?
5. Ижтимоий иш предмети нима?
6. Ижтимоий иш тамойилларининг асосий гурухларини айтинг.
7. Ижтимоий иш тамойилларини таърифлаб беринг.
8. «Ижтимоий иш асослари» курсининг мухим тушунчаларининг ўзига хослиги нимада?
9. Ижтимоий ходим учун қандай кўнимкалар зарур?

Ишни якунлаш. Машғулот якунини чиқариш. Кейинги машғулот учун кириш шархи, машғулот тури, машғулот ўтказиш учун талаб этилган материаллар.

Амалий машғулотларнинг бирида «Ижтимоий иш тамойилларини қанчалик тушунаман» машқини бажариш тавсия этилади.

Иштирокчилар 4–5 кишилик гурухларга бўлинади ва биргаликда ижтимоий иш тамойилларини рамзий тасвирлаб берадиган расмларни яратади. Хар бир гурух ўзи қилган иш натижаларини, жумладан, нафакат тушунтиришлар ва изохларга чизилган расмларни, балки бирор-бир тамойилни тасвирлайдиган кичик сахна асарини бошқа гурухларга тақдим этади. Қолган гурухлар сахнада кайси тамойил акс этганини топишлари керак.

«Ижтимоий ишнинг социологик асослари» мавзуси

Машғулотнинг мақсади: ижтимоий ишнинг фанлараро хусусиятини кўриб чикиш; назарияда, таълим, шунингдек амалий тадқикотлар нуқтаи назаридан социология ва ижтимоий ишнинг ўзаро алокаси.

Асосий тушунчалар. Сўровнома, аномия, бихивернизам, девиант хулк, интервью, метод, методика, методология, кузатиш, сўров, позитивизм, социологик тадқикот дастури, функционализм.

Ишнинг бошланиши. Саломлашиш ва иш муҳитини яратиш, гурухларни жипелаштириш, машғулот мазмунини тушунтириб бериш, муаммоларни ифодалаш, у ёки бу методикадан фойдаланиб, кичик гурухлар ташкил этиш.

Чигал ёзди машқи. Турли рангдаги карточкалар (ёпишкок нарсалар) тарқатиш, чапда ўтиргандан кўз, юз ифодасини тасвирлаб беришини сўраш. Сўнгра карточкаларни алмашиш.

«График ташкилотчи» машқи. «Сизнингча, ижтимоий ишда социологиянинг ўрни нима билан ифодаланади?» деган саволни гурухга бериш. Ҳар бир талаба ўз гурухида фикр билдириши керак. Сўнгра ҳар бир гурух аъзоларидан бири социология ва ижтимоий иш ўзаро ҳамкорлигининг асосий соҳаларини тасвирлаб берадиган схемани ўкув тахтасига ёзади.

Ахборот блоки. Ўқитувчи ижтимоий ишни ташкил этишда социологиянинг ролини асослаб беради; социологиянинг ижтимоий ходимларни тайёрлашга ва қайта тайёрлашга, уларнинг малакасини оширишига таъсирини кўриб чиқади; ижтимоий муаммо бўйича эмпирик тадқикотлар тайёрлаш ва ўтказиш методикасининг ўзига хосликларига тўхталиб ўтади.

Амалий машғулот. Гурух аъзолари ўртасида ижтимоий ишнинг социологик методларини тақсимлаб бериш. Унинг хусусиятлари ва амалга ошириш коидалари тўғрисида қисқача хабар тайёрлаш. Сўзлаб бераётган вактда ушбу методларни ўз гурухида «ижро этиш» мумкин. Натижада гурух аъзоларини куйидаги турли ижтимоий кўрсаткичлар бўйича таснифлаш мумкин: ижтимоий келиб чикиши, оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган даромад, врачга мурожаатлар сони, касалликлар хусусияти ва хоказолар; гурухнинг ҳар бир аъзоси уйкуга, ўқишига, бўш вактга, ишга, овқатланишга ва бошқа нарсага сарфлайдиган ўртacha вактни хисоблаш.

Мухокама. Машқдан кейин рефлексия, амалда қўллаш тўғрисида, юз бериши мумкин бўлган кийинчиликлар ва машқ тизими тўғрисида ахборот бериш.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Фан сифатида социология ва ижтимоий иш обьектлари ва предметларини тақкосланг?
2. Ижтимоий ишнинг социологияга қандай таъсир бор деб ўйлайсиз?
3. Аҳолини ижтимоий химоя килишнинг амалий вазифаларини ҳал қилиш учун социология ва ижтимоий иш соҳасидаги билимларнинг бир-бирига туташиб кетишининг асосий мазмуни нималардан иборат?
4. Ижтимоий иш бўйича мутахассисни социологик тайёрлашга қўйилган талаблар нималардан иборат?
5. Ижтимоий иш муаммосини ўрганиш учун қандай методологик ва методик усусларни ўрганиш максадга мувофик?
6. Ижтимоий иш муаммоларининг сизга маълум бўлган социологик тадқикотларини таҳлил килинг.

Ўй вазифаси. Иш билан таъминлаш муаммоси бозор иктисадиётида бозор ислоҳотларини амалга ошираётган Ўзбекистон учун етарлича долзарбдир. Ҳар қандай ижтимоий институт сингари бозор ижобий ва салбий жихатларга эга. Бозор – ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи воситалардан биридир ва товар ишлаб чиқариш мавжуд экан бозорсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Бирок бозор иктисадиётига ўтиш ишсизлик даражасининг ўсишига, тенгсизликка, жамиятда табакаланишнинг кучайишига олиб келди.

Иштирокчиларга қўйидаги саволларга жавоб бериб, кичик тадқикот ўтказишни таклиф қилиш:

7. Ҳозирги босқичда Ўзбекистонда иш билан таъминлашнинг асосий ижтимоий-иктисадий муаммолари нималардан иборат? Ишсизлик нима ва унинг асосий шакллари нималардан иборат? Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий ўйналишлари нималарда намоён бўлади? Ишсизликни камайтириши учун маҳаллий ҳокимият органлари, корхоналар ва муассасалар раҳбарлари нималар қўлланти? Иш билан таъминлаш хизмати тизими ва вазифалари нималардан иборат? Сиз яшаётган ерда иш билан таъминлаш хизматларининг ўзига хослиги нималардан иборат?

Ишни яқунлаш. Иш куни якунини чиқариш. Ўтилган босқич рефлексияси ва кейинги ишларга тилаклар билдириш.

ҚўЛЛАНМАНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Аниқ ўйналирилган ижтимоий ёрдам – хаётдаги кийинчиликларнинг олдини олиш ёки юмшатиш учун муҳтож шахсларга ёки аҳоли гурухларига уларнинг ижтимоий макомини ва тўлақонли хаёт фаолиятини қўллаб-кувватлаш учун ёрдам беришга доир чора-тадбирлар тизими.

Сўровнома – сўровноманинг ўзидаги кўрсатилган қоидаларга кўра сўраклаётганлар томонидан мустакил равишда тўлдириладиган сўров вараги.

Аномия – хулқ-атворнинг қадриятли-норматив тартибга солувчилари амал килиши заифлашган, бу эса ижтимоий тартибсизликка, ижтимоий институтлар нормал фаолиятининг бузилишига, ижтимоий кескинликнинг ўсишига олиб келадиган ижтимоий тизим ҳолати.

Камбагаллик – инсон даромадларининг энг паст даражадан кам ҳолати.

Хайр-эҳсон – шафқатга ва бошқаларга яхшилик килиш хоҳишига асосланган ночорларга беғараз моддий ёрдам. Хусусий шахслар, ташкилотлар ва давлат томонидан кўрсатилиши мумкин.

Ижтимоий ўзаро муносабатлар – одамларнинг бир-бирлари онгига ва хулқ-атворига ўзаро таъсири жараёни бўлиб, унда ўзаро келишилган сайд-харакат олиб борилади, шу туфайли ижтимоий гурух (ташкилотлар) нормал фаолият олиб бора олади.

Ялти фаровонлик давлати – (ижтимоий давлат, инглизчада – welfare state) – ҳар бир фуқаронинг муносабати ҳаёт кечиришини таъминлашга, ижтимоий химоя килишга интиладиган давлат.

Девиант (меъёрдан четга чиқадиган хулқ-атвор) – жамиятда (ижтимоий гурухда) қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва коидаларига мос келмайдиган ижтимоий хулқ-атвор типи. Одатда, девиант хулқ-атвор гурухга етказиладиган зарар даражасига қараб расмий ёки норасмий санкциялар шаклида гурух томонидан назорат қилинади.

Девиация – гурух меъёрларидан четга чиқадиган хулқ сифатида қараладиган ва яккаланишга, даволашга, тузатишга ёки қоида бузувчини жазолашга олиб келадиган хулқ-атвор.

Деликвент – меъёрдан четга чиқадиган хулқ-атвори энг ёмон намоён бўлишидан жиноий жазога олиб келадиган субъект.

Ижтимоий депривация (лотинчадан – йўкотиш, бирор нарсадан маҳрум бўлиш) – шахс ёки гурух томонидан асосий ҳаётий эҳтиёжларни қондириш имкониятларидан маҳрум бўлишнинг ёки бундай имкониятлар қискаришининг хис этилиши, англиниши.

Интервью – тадқикот дастурида назарда тутилган саволларга жавоб олиш аниқ бўлган мақсадни кўзлаган сухбат.

Муҳожирлар – бир давлатнинг бошқа давлат худудига доимий яшаш учун ёки узок вактга кўчиб ўтган фуқаролари.

Ижтимоий институт – одамларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишнинг барқарор юзага келган тарихий шакллари. Жамият ўзида ижтимоий институтлар тизимини ифодалайди. Жамиятда барча мавжуд муносабатлар ушбу тизимда ўз аксини топади.

Институтлаштириши – хатти-харакатларнинг барқарор қадриятли-норматив намуналари шакллантириладиган жараён. Унинг воситасида ижтимоий гурухлар фаолияти интеграциялашади ва мувофиқлаштирилади.

Кластер танлов – аҳоли гурухларини муайян белгиларга кўра таснифлашусули.

Мижоз – ижтимоий ходим хизматларига мурожаат киладиган киши.

Колледж – олий ёки ўрта ўқув юрти, илмий муассаса, Буюк Британия, АҚШ ва баъзи бошқа мамлакатларда коллежлар кўпинча олий ўқув юрти сифатида университетлар таркибида киради.

Метод – маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг асосий усули.

Алоҳида ҳолатни ўрганиши усули – алоҳида олинган бир, бирор қавиллари бўлган обьектида бирор-бир ижтимоий ҳодисани чуқур тадқиқ килиш.

Методика – метод билан баглиқ маҳсус усуллар мажмуи, шу жумладан хусусий операциялар, уларнинг изчилиги ва ўзаро алокаси.

Методология – ижтимоий жараёнларни ўрганишнинг умумилмий воситалари.

Қузатиш – тадқиқотчи томонидан юз берган воқеалар ва шарт-шароитларни тўғридан-тўғри ва бевосита рўйхатдан ўтказиш йўли билан бирламчи ижтимоий ахборотни тўплаш методи.

Сўров – одамларнинг аниқ бир гурухига саволлар билан мурожаат килиш воситасида бирламчи ахборотни тўплаш методи.

Социологик тадқиқот дастури – тартиб-таомил қондадарини, шунингдек гипотезани текшириш учун операцияларнинг мантикий изчилигини кўрсатган ҳолда мўлжалланаётган иш ва тадқиқот гипотезаларининг асосий мақсадларига мувофик назарий-методик асосларни (умумий концепция) баён килиш.

Предмет, объект – ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам тизими амал қилишининг асосий тенденцияларини акс эттирувчи конуниятлар, тамойиллар ва концепциялар тизими ижтимоий иш назарияси ва амалиёти предмети ҳисобланади. Ахолининг заиф ҳимоя килинган катламлари ижтимоий иш обьекти ҳисобланади.

Касб – техник ва интеллектуал даражаси юкорилиги билан тавсифланадиган ўрта синф қавиллари машғулоти.

Ижтимоий тизим – норматив йўналишга эга бўлган кўплаб актёрларнинг (иштирок этувчи шахсларнинг), яъни умумий нормалар ва қадриятлар асосида иш юритадиган актёрларнинг ижтимоий ўзаро муносабати тизими. Ижтимоий тизим унда тузилма-позициялар ўртасида уларга хос бўлган ролли функциялар билан бирга баркарор муносабатлар шаклланган пайтдан бошлаб баркарор ва мустаҳкам бўлади.

Ижтимоий ҳимоя давлат томонидан конуний белгиланган ижтимоий кафолатларнинг тамойиллари, методлари, шахс, ахоли гурухларининг макбул хаёт шароитларини таъминлайдиган тадбирлар ва муассасалар тизими.

Ижтимоий таъминот инсоннинг фаровонлигини қўллаб-куватлашга ва яхшилашга каратилган ижтимоий ташкил этилган фаолият ҳисобланади.

Ижтимоий хизмат қўрсатиш – ижтимоий хизматлар томонидан ижтимоий қўллаб-куватлаш, ижтимоий-маший хизматлар, ижтимоий-тиббий, рухий-педагогик, ижтимоий-хукукий хизматлар ва моддий ёрдам қўрсатиш, шу жумладан, хаётида мураккаб вазиятга тушиб қолган фуқароларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация килиш.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш – кафолатланган минимал етарли ҳаёт шароитларини таъминлаш, инсон мавжуд бўлишининг ҳаёт таъминоти ва фаолиятини қўллаб-куватлаш бўйича жамият ва унинг турли тузилмалари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Ижтимоий ёрдам – қийинчиликларни енгиб ўтиш ёки енгиллаштириш, уларнинг ижтимоий мақомини ва тўлақонли ҳаётий фаолиятини қўллаб-куватлаш, жамиятга мослаштириш учун алоҳида шахсларга ёки аҳоли гурухларига кўмаклашиш, қўллаб-куватлаш ва уларга хизмат кўрсатишдан иборат ижтимоий чора-тадбирлар тизими.

Ижтимоий иш – қўллаб-куватлаш, химоя қилиш, тузатиш ва реабилитация қилиш воситасида шахсий ва ижтимоий қийинчиликларни енгиб ўтишда одамларга, ижтимоий гурухларга кўмаклашиш мақсадини кўзлаган профессионал фаолият.

Ижтимоий ходим – ўзининг лавозим ва касб мажбуриятлари туфайли инсон, оила ёки гурух ҳаётида пайдо бўладиган муаммоларни енгиб ўтишда уларга ижтимоий ёрдамнинг барча (ёки алоҳида) турларини кўрсатадиган киши.

Ижтимоий реабилитация – шахс, ижтимоий институт, ижтимоий гурухнинг асосий ижтимоий функцияларини, жамият ҳаёти асосий соҳаларининг субъекти сифатида уларнинг ижтимоий ролини тиклаш жараёни.

Ижтимоий хизматлар – мураккаб вазиятни енгиб ўтиш ёки енгиллаштириш мақсадида аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ижтимоий иш олиб борадиган, аҳолига ижтимоий ёрдам берадиган ва хизматлар кўрсатадиган давлат ва нодавлат бошқарув органлари, тузилмалар ва ихтисослаштирилган муассасалар мажмуи.

Ижтимоий ишни бошқарниш – исталган йўналишда объектнинг аник мақсадга йўналтирилган ўзгаришига эришиш учун ижтимоий иш олиб борадиган ташкилотлар ва хизматларга таъсир кўрсатиш, шунингдек ижтимоий хизматларга раҳбарлик қилиш органлари фаолияти соҳаси.

Филантропия (грекча – инсонни севиш) – хайрия фаолияти, ҳам алоҳида шахслар, ҳам ташкилотлар томонидан начорлар, эҳтиёжмандларга моддий ёрдам бериш ва ҳомийлик қилиш.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент, 1997.
2. Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишиланган тантанали йиғилишдаги маъзуза // Правда Востока. 2003 йил 6 декабрь.
3. Каримов И. Конституция – мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барнио этишнинг хукукий асоси // Халқ сўзи. 2003 йил 6 декабрь.
4. Каримов И. Мамлакатнинг тараккиёти ва ҳалқимизнинг турмуш даражасини ошириш – барча демократик янгиланишлар ва иктисадий ислоҳотларнинг пировард максади. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
5. Каримов И. Асосий максадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
6. Каримов И. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий максадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
7. Агапов Е.П. Социальная работа как феномен культуры. – Ростов-на-Дону, 1999.
8. Американская социология. Перспективы, проблемы, теории. – М., 1972.
9. Ганиева М.Х. XIX век – век социального работника. // Ж. Bola va Zamon. 2005, №1. – С. 24–25.
10. Ганиева М.Х Парадигма «Изучение, диагноз, лечение». История развития социальной работы как вида деятельности. // Ж. Bola va Zamon. 2007. – № 1 (6). – С. 34-36.
11. Гендерный калейдоскоп. – М., 2002.
12. Григорьев С.И. Социология и социальная работа. – Барнаул, 1991.
13. История социальной работы. – М., 2002.
14. Ким Л. На пути к решению кадровых вопросов в системе социальной защиты детей: организация курсов переподготовки по социальной работе в Узбекистане /Материалы Международного форума «Инклюзивное образование и современные тенденции в развитии форм социальной поддержки детей». 28–29 октября 2008 г. – Ташкент: Республиканский Центр социальной адаптации детей, 2008.
15. Кравченко. Социология – справочное пособие. – М., 1996.
16. Козлов А.А. Социальная работа за рубежом: состояние, тенденции, перспективы. – М., 1998.
17. Краткий словарь терминов социальной работы. – Саратов. Изд-во Поволжского филиала Российского учебного центра, 1996.
18. Кузьмин К.В., Сутырин Б.А. История социальной работы за рубежом и в России (с древности до начала XX века). – М.: Академический проект, 2002.

19. Павленок П.Д. Введение в профессию «Социальная работа»: Курс лекций. – М., 1998.
20. Павленок П.Д. Социологические методы и техника изучения социальных проблем. – М., 1995.
21. Основы социальной работы. – М., 1997.
22. Справочное пособие по социальной работе. – М., 1997.
23. Социология для социальной работы. – М.: Магистр-Пресс, 2002.
24. Социальная работа /Под ред. В. И. Курбатова. – 2-изд., – Ростов н\Д, 2003.
25. Социальная работа: теория и практика. – М.: Инфра, 2002.
26. Социальная работа: Словарь справочник /Под ред. В.И. Филоненко. Сост.: Е.Г. Агапов, В.И. Акопов, В.Д. Альперович, А.О. Бухановский и др. – М: Контур, 1998.
27. Социальная работа: методология, теория, технология. – Саратов, 1998.
28. Теория социальной работы: Учебник /Под ред. Проф. Е.И. Холостовой. – М.: Юристъ, 1998.
29. Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. С.И. Григорьева. – М., 1994
30. Тетерский С.В. Введение в социальную работу. –М., 2003.
31. Мёрфи Т. Развитие социальной работы в международном контексте / Материалы Международного форума «Инклюзивное образование и современные тенденции в развитии форм социальной поддержки детей». 28–29 октября 2008 г. -- Ташкент: Республиканский Центр социальной адаптации детей, 2008.
32. Тощенко Ж.Т. Социология. Общий курс. – М., 1999
33. Хрестоматия к тренингу «Введение в социальную работу». Проект «Развитие социальной работы на академическом уровне в Узбекистане». – Ташкент, 2006.
34. Хрестоматия по учебному курсу «Основы социальной работы». Распространение программы переподготовки по социальной работе и продвижение профессии «социальная работа» в Узбекистане. / Составители: М.Х. Ганиева, М.Х. Карамян. – Ташкент: МинВУЗ-РЦСАД-ТашГИК-ЮНИСЕФ, 2008.
35. Чупрунов В.И. Молодёжь в общественном воспроизводстве // Социологические исследования. 1998. №3
36. Эриксон Э. Детство и общество. – М., 1992
37. Ярская-Смирнова Е. Профессиональная этика социального работника. – М.: Ключ, 1998.

Ижтимоий ишнинг таърифи

Ижтимоий ходиса сифатида ижтимоий иш ўзида профессионал фаолиятнинг ўзига хос турини, инсоннинг маданий, ижтимоий ва моддий даражасини таъминлаш мақсадида унга давлат ва нодавлат тузилмалар томонидан кўмалашиш, инсон, оила ёки шахслар гурухига якка тартибда ёрдам беришни ифодалайди.

Ижтимоий ишнинг энг умумий таърифи – бу индивид, гурух ёки бирлашма жамият ҳаётида ижобий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича профессионал фаолият.

Буюк Британиянинг ижтимоий ходимлар уюшмаси ижтимоий ишнинг кўйидаги таърифини берди: ижтимоий иш одамлар, бирлашмаларга уларга таъсир кўрсатадиган шахсий, ижтимоий ва вазиятли қийинчиликларни белгилаш, аниклашда уларга ёрдам берадиган масъулиятли профессионал фаолият.

2002 йил июлда Женевада бўлиб ўтган Ижтимоий ходимларнинг Халқаро Федерацияси йиллик учрашувида кўйидаги таъриф қабул килинди:

Ижтимоий ишнинг халқаро таърифи. Ижтимоий ходим касби ижтимоий ўзгаришларга, инсоний муносабатлардаги муаммоларни хал қилишга, шунингдек одамларнинг фаровонлигини яхшилаш учун уларга имкониятлар беришга ва уларни озод қилишга кўмаклашади. Ижтимоий иш инсон хулк-автори ва ижтимоий тизимлар назариясидан фойдаланиб одамлар ўз атрофидагилар билан муносабатда бўладиган жойда пайдо бўлади. Инсон ҳукуклари ва ижтимоий адолат тамойиллари ижтимоий иш учун асос бўлувчи тамойиллар хисобланади.

¹ «Ижтимоий иш асослари» ўқув курси бўйича хрестоматия/ Тузувчилар: М.Х. Ганиева, М.Х. Карамян. «Ўзбекисонда ижтимоий фаолият бўйича қайта тайёрлаш дастурларини тарқатиш ва «ижтимоий фаолият» касбини ривожлантириш» лойихаси. – Тошкент: МинВУЗ-РЦСАД-ТашГИК- ЮНИСЕФ, 2008.

ИЖТИМОЙ ИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ¹

Ижтимоий иш касби асослари

Тарихан ижтимоий иш одамлар ва инсонлар гурухи ўртасидаги мавжуд адолатсизлик билан иш кўришга даъват этилган. Ижтимоий иш инсонпарварлик ва демократик ғоялар базасида ўсади. Ушбу ғояларга риоя қилиш таҳқирлашга ва ресурсларни адолатсиз тақсимлашга қарши курашишга ундайди. Бу асосий жихат – адолатсизликка қарши туриш ва демократик ғояларга амал қилиш – бугунги кунда ижтимоий ходим ахлоқ кодексининг бир кисми ҳисобланади (NASW 1996).

Ижтимоий иш инсон эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнашини эътироф этган ҳолда ҳам инсонга (ёки инсонлар гурухига), ҳам унинг муҳитига эътиборни каратади (Compton и Galaway 1994; Kirst-Ashman и Hull 1993; Germain и Gitterman 1996). Ижтимоий ходимлар алоҳида одамларга ёрдам беришга харакат қилибгина қолмай, балки кенгроқ глобал даражада ўзгаришлар қилишга харакат киладилар (Goldstein 1992). Бу икки томонлама эътибор ижтимоий ходим касбини инсон эҳтиёжлари билан муносабатда бўладиган, бирор ушбу эҳтиёжларни ҳал қилишда ташки тўсикларга таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлмаган психология ва тиббиёт сингари бошқа ёрдам берадиган касблардан ажратиб туради.

Жабр-зулмга қарши кураш

Ижтимоий ходимлар анъанавий равишда жабрланган ва яккаланган одамларга ўз мижозларининг ажралмас кисми сифатида караб келдилар. Жабр-зулм алоҳида одамлар ёки гурухларга нисбатан ваколатлар ёки ҳокимиятдан адолатсиз фойдаланиш билан боғлиқ. Жабр-зулмнинг ирқий, этник, синфиий ва жинсий мансубликка, ёш ва сексуал йўналишга асосланган турли шакллари мавжуд.

Ижтимоий иш касби миссияси

Ижтимоий ходим касбининг асосий миссияси ҳаёт стандартларини яхшилашдан ва заиф, жабрланган ва қашшоқликда яшаётганларга алоҳида эътибор берган ҳолда барча одамларнинг базавий эҳтиёжларини қондиришда ёрдам беришдан иборат. NASW (1996:1)

Ижтимоий иш мижозлари

Тарихан ижтимоий иш фуқаролик хукукларидан маҳрум бўлганларга ёки қашшоқликда яшаётганларга, эҳтиёжманларга ёрдам беришни англатар эди. Бугун ижтимоий ходимлар ҳаёт шароитларини, ҳиссий, маънавий, психологик

¹ «Ижтимоий иш асослари: назария ва амалиёт» хрестоматияси материаладина фойдаланилди. РЦСАД, Ўзбекистондаги UNICEF. – Тошкент, 2006.

ёки жисмоний нуктаи назардан уларни ўраб турган мухит сифатини яхшилаш зарур бўлган одамлар билан ишлайди. Ким ижтимоий ходимнинг мижози бўлиши мумкин?

Мижоз (clienthood) тушунчаси ижтимоий ишнинг мухим тушунчаларидан бири хисобланади. Ижтимоий ходим хизмат кўрсатадиган мижозлар гурухи одатда куйидагиларни ичига олади:

- оилалар, шу жумладан тўлик бўлмаган оилалар ва уйдан кочиб кетиш, хукукбузарлик, зўравонлик ва бошка қийинчиликлар муносабати билан жиддий низоларни бошидан кечираётган оилалар;
- эр-хотин ёки ота-онанинг болалар билан шафқатсиз муомаласига дуч келаётган оилалар ва эр-хотинлар;
- жиддий оилавий жанжалларни бошидан кечираётган эр-хотинлар;
- ишсизлик, бокувчисининг йўклиги, жисмоний қобилиятсизлиги, муълумоти йўклиги окибатида даромади етарли бўлмаган индивидлар ва оилалар ҳамда конунни бузганлиги учун жазони ўтаган бошка одамлар ва уларнинг оилалари;
- турмушга чиқмаган ҳомиладор ўсмир кизлар;
- жисмоний ёки руҳий касалликлар ёхуд ногиронлик туфайли ҳаёти кийинлашган индивидлар ёки оилалар;
- мунтазам равишда алкогол ёки гиёхванд моддаларни хаддан ортиқ истеъмол киладиган шахслар ва уларнинг оилалари;
- васийлар ва ота-оналари улардан воз кечган ёки болаларга шафқатсиз муомала қилганлиги учун ота-оналик хукуқидан маҳрум этилганларнинг болалари;
- ресурслари ва имкониятлари камайган мухожирлар, қочоклар ва озчилик вакиллари ёки таҳкирлаш ва иркчилик курбонлари;
- ишсизлар ва уларнинг оилалари;
- жисмоний ва руҳий муаммоларга дучор бўлган болалар ва катта ёшдагилар ҳамда уларнинг оилалари;
- доимий ёрдамга мухтоҷ кекса кишилар;
- ўз муаммоларини мустақил ҳал қила олмайдиган мигрантлар ва кўчиб келган кишилар;
- мактабда муаммога дуч келган болалар (ва уларнинг оилалари);
- жароҳат олганлиги ёки ҳаётидаги мухим воқеалар (нафакага чиқиш, яқин кишисининг ўлими) билан боғлиқ кучли руҳий кечинмани бошидан кечираётган одамлар, уйдан қочиб кетадиган болалар ва бошкалар.

ИЖТИМОЙ ИШ ҚАДРИЯТЛАРИ

(Британия Ижтимоий Ходимлар Уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган Ижтимоий иш одоб-ахлок кодексларидан олинган)¹

Қадриятлар ва Тамойиллар

Ижтимоий иш бешта асосий мезонга таянади:

- Инсоний қадр-қиммат
- Ижтимоий адолат
- Инсонпарварликка хизмат қилиш
- Яхлитлик
- Ўз ишини билиш

Ижтимоий иш амалиёти ҳам инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишга, ҳам инсонпарварликка хизмат қилиш, поклик ва ўз ишини билиш йўли билан ижтимоий адолатни таъминлашга кўмаклашиши керак.

3.1 Инсоннинг қадр-қиммати ва қадрияти

3.1.1 Мезонлар

Ҳар бир инсон ўзига хосдир. Барча кишилар бошқаларнинг ҳуқуқлариiga зарар етказмаган холда ижтимоий фаровонликка, ўзини ўзи рўёбга чиқаришга ва ўз хаётини ўзи назорат қилишга ҳакли.

3.1.2 Тамойиллар

Ижтимоий ходимлар қуйидагиларга риоя қилишлари шарт:

- а. БМТнинг Инсон ҳуқуклари умумжаҳон декларациясида ва декларациядан келиб чиккан бошқа битимларда кайд этилган инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- б. Барча одамларни ҳамда хизматлардан фойдаланаётган шахсларни ишончи, маданияти, мақсадлари, эҳтиёжлари, устуворликлари, ўзаро муносабатлари ва мансублиги (гурухларга мансублиги) юзасидан ҳурмат қилиш;
- с. Хизматлардан фойдаланаётган шахсларнинг қадр-қиммати, ўзига хослиги, ҳуқуклари, мажбуриятларини химоя қилиш ва рағбатлантириш;
- д. Бошқа одамларнинг ҳуқуқларини тегишлича ҳурмат қилган холда шахсий фаровонликни ва мустақилликни рағбатлантириш;
- е. Хизматлардан фойдаланадиган шахсларнинг асосли қарор қабул қилиш ҳуқукини ҳурмат қилиш, хизматлардан фойдаланадиган ва хизматлар кўрсатадиган шахсларни рағбатлантириш, қарорлар қабул қилиш жараёнида қатнашиш;

¹ «Ўзбекистонда академик даражада ижтимоий ишни ривожлантириш» лойихаси Хрестоматияси материалларидан фойдаланилди: Минвуз РУ. Маданий антропология жамияти. РЦСАД. UNICEF. – Тошкент, 2006.

f. Хизматлардан фойдаланадиган шахсларни химоя қилиш, бу тегишли чекловлар белгилашни ҳамда уларни ва бошқа шахсларни химоя қилиш максадида ҳокимиятдан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин.

3.2. Ижтимоий адолат

3.2.1 Мезонлар

Ижтимоий адолат қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Инсоннинг асосий эхтиёжларини кондириш учун ресурсларни адолатли ва тенг тақсимлаш;
- Инсон салоҳиятига эришиш учун ижтимоий хизматлар ва имтиёзлардан тенг фойдаланиш;
- Индивидлар, оиласлар, гурухлар ҳамда жамоаларнинг ҳуқуқларини ва мажбуриятларини эътироф этиш;
- Конун нуктаи назаридан бир хил муомала қилиш ва химоя қилиш;
- Инсоннинг ҳозирги ва келгусидаги фаровонлиги манфаатларини кўзлаб ижтимоий ривожланиш ва атроф-мухитни бошқариш.

Ижтимоий адолатни излаш нокулай шарт-шароитларни билиш ва камайтиришга интилишга ва уларни енгигб ўтиш бўйича стратегияларини кўллаб-куватлашни ўз ичига олади.

3.2.2 Тамоиллар

Махрумликни енгиллаштириш ва олдини олиш ҳамда фаровонликка кўмаклашиш масъулияти ҳамма вакт ҳам индивдуумлар, оиласлар ва гурухлар учун бевосита хизматлар кўрсатиш йўли билан тўлиқ амалга оширилмайди. Ижтимоий ходимлар қуйидагиларга риоя килишлари шарт:

а. Ҳукумат, ташкилот ёки жамиятнинг стратегияси ёки фаолияти нокулай шарт-шароитлар, махрумликлар ва рухий кийинчиликларни келтириб чиқара-диган ёки уларнинг енгиллашишинга тўсиқинлик қиласидиган усусларга ҳокими-ятга эга бўлганлар ва жамоатчиликнинг эътиборини тортиш, имкони бўлган жойларда бундай усусларга карши курашиш;

б. Ижтимоий сиёсатнинг ривожланишига кўмаклашиш учун касбга доир билим ва тажрибадан фойдаланиш;

с. Тўсикларни имкон кадар камайтириш ҳамда хизматлардан фойдала-надиган барча шахслар учун ва, айникса, нокулай шароитда колган, заиф ёки жабрланган ёхуд алоҳида ёрдамга мухтоҷ шахслар учун танлаш ва имкониятларни кенгайтириш максадида ўз ишида ижтимоий адолатга ва ресурсларнинг тенг тақсимланишига кўмаклашиш;

д. Нотенглик ва адолатсизликни абадийлаштирадиган ижтимоий формацияларни ўзгартиришга ва имкон бўлса, инсон ҳуқуклари бузилишига барҳам бериш учун фаолият олиб боришга интилиш;

е. Инсон хукукларини қўллаб-кувватлайдиган ва қулайликни, тенгликини ва барчанинг иштирокини таъминлайдиган тамойилларга, тартиб-таомилларга ва ижтимоий шарт-шароитларга кўмаклашиш;

ф. Нафакат фукаролик хукуклари, сиёсий хукукларни, балки иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукукларни қўллаб-кувватлаш;

г. Исталган асосда, шу жумладан келиб чикиши, миллати, синфи, мавкеи, жинси, сексуал йўналиши, ёши, хукукий лаёкатсизлиги, эътиоди ёки жамиятга кўшган хиссаси асосида исталган кишига карши ноҳақ иш олиб бормаслик;

х. Одамларга жабр қилмаслик ёки уларнинг хаётига таъсир қўрсатадиган карорлар қабул қилиш учун хокимиятни сунистеъмол қилишига карши кураш олиб бориш;

и. Сикувга карши, имкониятларга эга бўлиш стратегиялари ва методларини қўллаб-кувватлаш ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ресурслардан тенг фойдаланиш йўлларини излаш ва унга эришишда, ўзини ўзи рўёбга чиқаришда, ўзини бошкаришда ва ижтимоий фаровонликка эришишда индивидуумлар, оиласлар, гурухлар ва жамоаларга ёрдам беришга интилиш;

ј. Этник ва маданий гурухлардаги этник ва маданий мансублик ва хилмажилликни эътироф этиш ва хурмат қилиш, мазкур вазифага мувофиқ келадиган стратегиялар, тартиб-таомиллар ва тамойилларни ривожлантириш;

к. Жамиятнинг ижтимоий жараёнлар ва карорлар қабул қилишдаги ҳамда ижтимоий стратегиялар ва хизматларни ривожлантиришдаги иштирокини рағбатлантириш.

3.3 Инсонпарварликка хизмат қилиш

3.3.1 Мезонлар

Инсон фаровонлиги ва ижтимоий адолат манфаатлари учун хизмат қилиши ижтимоий ишининг асосий мақсади ҳисобланади. Қўйидагилар унинг асосий вазифалариидир:

- Шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни кондириш;
- Одамларнинг имкониятларини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- Адолатлирок жамият қуришга хисса кўшиш.

3.3.2 Тамойиллар

Ижтимоий ходимлар қўйидагиларга риоя қилилари шарт:

а. Миллий ёки ҳалқаро одоб-ахлоқ кодексларига мувофиқ ўз амалиёти одоб-ахлоқи учун жавобгарликни зиммасига олиш;

б. Ўз мажбуриятларини бажариб ва табний адолат тамойилларига риоя қилиб, ўз ишида инсонпарварликка хизмат қилишни шахсий мақсадлар, фикрлар ва фойда кўришдан юкори қўйиш;

с. Даҳл қилиши мумкин бўлган бошқаларнинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда хизматлардан фойдаланадиган одамларни имкон қадар ўз

максадларини рўёбга чиқаришга ундаш учун партисипатор ва очик жараёнлардан фойдаланиб, инсонпарварликка хизмат килиш учун ўз хокимиятидан ва ваколатларидан фойдаланиш;

д. Хизматлардан фойдаланадиган шахслар танлашга иккиланиб турганларида уларни маълумотлар билан таъминлаш ва уларнинг шикоят килиш хукуклари тўғрисида маълумотлар бериш, шикоят килганлари тақдирда уларга зарур бўлган кўмакни олишларини кафолатлаш;

е. Маданиятга мувофик тарзда таклиф этиладиган ва кўрсатиладиган хизматларни таъминлашга интилиш;

ф. Амалиёт ва стратегияларни ишлаб чиқишида ва кўрсатиладиган хизматларни баҳолашда хизматлардан фойдаланадиган шахсларнинг иштироқини таъминлашга интилиш;

3.4. Яхлитлик

3.4.1 Мезонлар

Яхлитлик поклик, ишонч, очиқлик ва беғаразликни ўз ичига олади ва ижтимоий иш амалиётида зарур қадрият хисобланади.

3.4.2 Тамойиллар

Ижтимоий ходимлар қўйидагиларга риоя килишлари шарт:

а. Хизматлардан фойдаланадиган шахсларнинг эҳтиёjlари ва манфаатларини ўз эътиқодлари, максадлари, фикрлари ва фойда олишидан юкори қўйиш ҳамда шахсий, моддий ёки молиявий фойда олиш учун касбга доир муносабатлардан фойдаланмаслик;

б. Ўзининг шахсий хулк-атвори касби бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига халақит бермаслигини кафолатлаш ҳамда касбга доир тамойиллар ва стандартларга зид келадиган ёки касбнинг хавфсизлигига зарар етказадиган шу каби хулк-атворнинг олдини олиш;

с. Ўз малакаси, билими, тажрибаси, муваффакиятлари ва бирор гурухга мансублиги борасида виждонли бўлиш ва аник иш кўриш;

д. Оммавий баёнот берар экан, хусусий шахс ёки ижтимоий иш касбининг вакили ёхуд ташкилот ёки гурӯх номидан гапираётганлигини аник маълум қилиш;

е. Хизматлардан фойдаланаётган ёки фойдаланган шахслар билан барча ўзаро муносабатларда низолар, зулм ёки зарар хавфини камайтириш максадида тадқикот иштирокчилари, талабалар, кузатув остида бўлган шахслар ёки ҳамкаслар томонидан аник ва ишончли касб доираларининг белгиланиши ва кучайтирилиши;

ф. Касб доираларини бузиши, касбга доир муносабатларга зарар етказиши мумкин бўлган хулк-атворнинг ҳар қандай шаклларининг олдини олиш;

г. Ҳозирги вактда хизматлардан фойдаланаётган шахслар, талабалар, кузатув остида бўлган шахслар, тадқикот иштирокчилари ёки хокимият ёки

ваколатларнинг мазкур ижтимоий ходим фойдасига тенг бўлмаган ҳолда тақсимланишига таъсир қилиши мумкин бўлган профессионал шахслар билан ҳеч бир ишкий ёки жинсий муносабатлар ўрнатмаслик;

h. Хизматлардан фойдаланадиган шахс билан ишкий ёки жинсий муносабатларда бўлмаслик; ўринли бўлса, маслаҳатлашиш.

3.5. Ваколатлар

3.5.1 Мезонлар

Ижтимоий иш амалиётида малака зарур мезондир.

3.5.2. Тамойиллар

Ижтимоий ходимлар қуидагиларга риоя килишлари шарт:

а. Ижтимоий иш амалиётида билимлар, назария ва кўникмаларни аниқлаш, ривожлантириш, улардан фойдаланиш ва уларни ёйиш;

б. Ўз малакасини кенгайтириш учун янги ёндашувлар ва методологияларни баҳолаб, сифатли хизматлар кўрсатиш ва ҳисбот бериладиган амалиёт учун ўз билимларини сақлаш ва кенгайтириш;

с. Тегишлича кузатишни таъминлаш учун, зарур бўлса, фаол чоратадбирларни кўриб, мавжуд назоратдан ва маслаҳатдан фойдаланиш ҳамда профессионал жихатдан ўз билимини узлуксиз ошириб бориш;

d. Ижтимоий муаммолар табиати ва манбаи ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари ҳакида мулоҳаза қилиш;

е. Баҳолаш ва тадқиқотларга кўмаклашиш;

f. Билим ва амалий тажрибани баҳам кўрган ҳолда ҳамкаслар ва талабаларни ўқитиш ва тайёрлашга кўмаклашиш;

g. Инсоннинг ижтимоий фаровонлиги бўйича стратегиялар ва дастурларни ривожлантиришга ва қўллашга кўмаклашиш;

h. Маданият ва маданий таъсир кўрсатувчи хизматлар амалиётни тарқатишга кўмаклашиш;

i. Ўз билимлари чегарасини эътироф этиш ва қўпроқ мос келадиган касб эгаси талаб қилинганда иш берувчиларга ва хизматлардан фойдаланувчи шахсларга бу ҳақда хабар қилиш;

j. Хизматлардан фойдаланадиган шахсларни кўплаб касб эгаларининг ишларидағи афзалликлари ва натижалари ҳамда ахборот алмашиш ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш, уларнинг розилиги бўлган тақдирда ушбу касб эгалари билан алоқадор бошқа касб эгалари билан жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда уларнинг фаровонлигини яхшилаш учун ишлаш;

k. Агар саломатлиги заиф бўлса ёки исталган бошқа омил ўз касбига доир карорларига ёки мажбуриятларни бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлса, зарур чоралар кўриш.

Ганиева Маърифат Ҳабибовна.

Ижтимоий иш асослари : методик қўлланма / М.Ҳ. Ганиева ; Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази. – Т. : CHASHMA PRINT, 2010. – 92 б.

ББК 65.27

Муҳаррир: **Турсунова И.**
Техник мўхаррир: **Ниязова Н.**

Босишга 24.06.2010да рухсат этилди
Бичимчи 70X100 1/16 “Таймс” гарнитураси. Офсет босма усули
8,19 шарт.б.т. 7,2 хисоб-наш.таб. Тиражи 1000 нус. Буюртма 481

«NORI» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри. Марказ-4, 35-уй.